




# Maqom-2



2-СОН  
1994 ЙИЛНИНГ  
МАРТ, АПРЕЛ  
ОЙЛАРИ

ЎЗБОТ





saodat

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ  
АДАБИЙ-БАДИИЙ  
ХОТИН-ҚИЗЛАР  
ЖҲРНОЛИ

2 (707)-сон  
1994 йилнинг  
март, апрел ойлари

**БОШ МУҲАРРИР:**

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Эшқобил ШУКУР

(бош муҳаррир  
ўринбосари)

Чори ЛАТИФ

(масъул котиб)

Холтош УСМОН қизи

(турмуш маданияти

бўлими мудири)

Салим АШУР

(ижтимоий-сиёсий

бўлим мудири)

**ЖАМОАТЧИ ТАҲРИРИЯТ:**

Асқад МУХТОР

Мухтарама СОДИҚОВА

Бибисора ТУРОПОВА

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА

Эътибор ОХУНОВА

Шарифа САЛИМОВА

Ҳалима УСМОНОВА

Азиза МАМАТОВА

Бадий муҳаррир:

Жавдат ИНОҒОМ

Техник муҳаррир:

Олимжон ҲАКИМ

Аввал онангизга, яна онангизга ва яна  
онангизга, сўнг отангизга яхшилик  
қилинг!

## УШБУ СОНДА

ТОЖИХОЛ момо, Мухриддин ХОЛИҚОВ, Ҳалима НОСИРОВА.

Ўзбаки тилаклар

3

Хайриддин СУЛТОНОВ. Оловнинг кўз ёшлари

4—6

Сорахон ОТАМИРЗАЕВА. Тил тилсимлари

7—8

Марзия ЭРДОНОВА, Сайёра САМАНДАРОВА. Шеърлар

9

Маҳкам АНДИЖОНИЙ. Ҳазрати Сулаймон ва

билқийс пари

10—11

Роҳила НУСРАТ қизи. Шеърлар

11

Мухлис ЖҲРАБЕК. Қумдаги лола

12

Мухтарама ТУРКОЙ, Саодат НАИМ қизи,

Ирода САИДОВА. Титраётган гулдаста. Шеърлар

13

Қўчқор НОРҚОБИЛ. Юз қизи бор раққоса

14—15

Гулчеҳра ШАҚОБИДДИН қизи. Соғинч. Шеърлар

15

Бўрибой АҲМЕДОВ. Абадиятга дахлдор инсон

16—17

Турсуной СОДИҚОВА. Сиз қайнона бўлгач...

17

Тоҳир МАЛИК. Васиятнома. Ҳикоя

18—21

Дилфуза ШОМАЛИКОВА. Баҳор гулларида яралган... она!

21—22

Мухтарама УЛУҒ. Қулоғингга осилиб икки ёқут арз қилур

22—23

Холтош УСМОН қизи. Эртанинг ёди-ла яшаса аёл

24—25

Алишер ПОЙОНИ. Касал келин...

25—26

Мукаррама МУРОДОВА. Акам уйга келган кун

26—27

Ўрганганинг ўзингга

28—29

Йўлдош ЭШБЕК. Эшик тутқичи ва аёл қўллари.

Шеърлар

30

Биринчи муқовамизда: Ўзбекистон халқ артисти раққоса  
Малика АҲМЕДОВА

Сўнгги муқовада: Сальвадор ДАЛИ асари





Тоғай МУРОДНИНГ онаси

**ТОЖИХОЛ МОМО:**

Илойим, ўзбаки пошикаста-аёллари... қозони ўтдан тушмасин, супрасидан нон аримасин, туз-таомлик бўлсин, қутбаракотлик бўлсин, ойдин йўллик бўлсин, олчадай гуллик бўлсин, тамал-тошлик бўлсин, тож-тахтлик бўлсин, офтобдай нурлик бўлсин, Муҳаммад пайғамбар ёшини кўрсин, бахт-иқболи қош-киприклари орасида бўлсин, Озодлик гаштини суюб-суюб туйсин, қониб-қониб туйсин, илойим!

**Мухриддин ХОЛИҚОВ,  
санъаткор**

Азиз онажонлар!

Азиз опа-сингиллар!

Ҳаётнинг маънисини, моҳиятини сизларда. Кўзларингизда балққан меҳр ва гўзаллик таърифини не-не зотлар келтиролмай армон билан кетдилар.

Бу дунёдан аёл ҳусни ва жозибасини олдида от сурганлар ҳам, от сурмаганлар ҳам оҳлар уриб ўтдилар. Юрагимдаги гапим: Сизларсиз ҳаёт йўқ, ҳаёт зимистон.

Аслида энг гўзал кўшиқ бу — Сиз.



**Ҳалима НОСИРОВА,  
Халқ артисти**

Элимнинг киприкларини ҳар тонг қуёшнинг нурлари очсин. Аёлининг чеҳрасидан меҳр, қўлларидан гўдак аримасин. Гўдакларининг пешонасига ёзилгани имон, эътиқод, ҳалоллик ёруғ кун бўлсин. Кулганда кўчалар, юрганда йўллар ёришиб кетсин. Юртига, ота-онасига, дўсту биродарига бўлган меҳри умрбоқий, йиғлаганда йиғиси, кулганда кулгуси рост бўлсин илоё.

Эл-юртимизнинг дастурхони тўкин, туз-насибаси бутун бўлгани иншоолло рост бўлгай. Юртимизнинг ўзимизники бўлгани ҳақ бўлсин, ҳақни ноҳақ қилишдан худоимнинг ўзи асрасин. Кўрганимиз тўй, аёлларимизнинг кийгани атласу заркимхоб бўлсин, кўнглига заррача ғубор қўнмасин...





# ОЛОВНИНГ

Кўз ёшлари

«Ҳиндистоннинг жанубий тарафидаги қасабалардан бири Ҳайдарободдурким, васатта, воқе бўлбтур. Гирдо-гирди баланд тоғдур. Ҳайдаробод эли муслимдур. Шаҳар ва бозорисида урду билмас киши йўқтур. Элининг лафзи қалам била росттур. Боғ ва чаҳорбоғларида яхши ошлиқлари мўл ва тотлиғ мевалари бисёрдир...»

Муҳтарам ўқувчи, қадимий ва улуғ кўшнимиз бўлмиш Ҳиндистон мамлакатининг улкан шаҳарларидан бири — Ҳайдаробод таърифини бобурнома оҳангларда бошлаганимиз учун бизни маъзур тутгайсиз.

Зеро, қачонки сўз ҳазрати Бобур ва бобурийларнинг шавкатли сулоласи ҳақида борар экан, қалам беихтиёр хуш наволар сари учади.

Аслини олганда эса, ул зоти бузург — Бобур Мирзонинг суронли ҳаёти, машаққатли умр йўллари, илоҳиёт нурига чулганган шахсияти, изтиробли ижоди, олмос заковатини ёлғизгина бир инсон — яъни Бобур Мирзонинг ўзларигина тўлиқ таърифлай олишлари мумкин. Қолган барчаларимизнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз — ожизона шарҳу баёнлардан иборатдир, холос. Жуда нари борганда биз ҳазрати Бобур умр китобининг таржимонларигина бўла оламиз.

Лекин шунисига ҳам беҳад шукур. Оламда баҳрамандлик бахти ҳам улкан саодатдир.

Алқисса, даромадни муҳтасар қилиб, асл муддаога ўтадиман бўлсак, зикр этганимиз Ҳайдаробод шаҳрининг Осмонгоҳ деб шоирона аталмиш мавзесига Лайло Уммахони деган муҳтарам бир аёл Зиёвуддин ва Масиҳиддин номли ўғиллари, келинлари, невара-чеваралари билан пиру бадавлат бўлиб умргузаронлик қилади. Туриштурумуш жиҳатидан бу хонадон Ҳиндистондаги минглаб оилалар қатори камсуқумгина ҳаёт кечиради, аммо наслнасаби жиҳатидан жуда узоқ замонларга, юксак бир аслзода шажарага бориб тақалади.

Зукко журналхонларимиз балки пайқагандирлар: ҳикоямиз қаҳрамонлари Бобур Мирзонинг бугунги авлодларидир. Бобурийлар хонадонининг муносиб давомчилари бўлмиш бу файзли оиланинг ўтган йили — ҳазрати Бобур юбилейи арафасида дараги топилгани, уларнинг мамлакатимиз Президентига мактуб йўллаганликлари ва Президент томонидан улуғ аждодимиз тўйига тақлиф этилганликларининг ўзи бир ғаройиб тарих. Гарчи бу воқеа радио-телевидениеда, матбуотда батафсил ёритилган бўлса-да, қисқача эслатиб ўтиш фойдадан холи бўлмас.

Бу хонадон ҳақидаги илк хабарни юртимизга Андижонда фаолият кўрсатаётган Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция ўзининг учинчи халқаро сафаридан кейин олиб келган эди. Экспедиция раҳбари, табиатшунос олим Зокиржон ака Машрабовдан бу қувончли муждани эшитиб, суюниб юрган кунларимизда Деҳлидаги консулхонамиз орқали Бобур авлодларидан — «Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» жамиятининг Бош котиби Зиёвуддин Тусий жаноблари томонидан давлатимиз раҳбари номига ёзилган мактуб келиб қолди. Мактубда муаллиф ўз юртида чоп этиладиган маҳаллий газеталардан Ўзбекистонда Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрилаётгани ҳақида хабар топганини баён қилиб, мамлакатимиз халқига эзгу тилаklarини изҳор этган эди.

Бобурийлар хонадонининг тарихий тадрижидан, юз йиллар мобайнида аждодлар чироғини ўчирмай ёки келаяётган ажойиб инсонлар қисматидан дарак берувчи бу мактуб Президентимизда жуда катта қизиқиш уйғотди.

Шу боис Президент бу нома билан танишиб чиққач, дарҳол жавоб мактуби ёзиб, уни махсус вакил орқали Ҳайдарободга — «Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» жамияти аъзоларига етказиш ҳақида топшириқ берди.

Ҳам шарафли, ҳам ҳаяжонли бу вазифани адо қилиш хизмат тақозосига кўра менга насиб этди.

Ҳайдаробод шаҳрида бўлиб, бобурийзодалар билан учрашганимда уларнинг тарихи ва тақдири билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим.

Маълумки, 1858 йили инглиз кўшинлари Ҳиндистонни босиб олгач, сўнгги бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ II душман таъқибидан қочиб, Деҳлидаги Ҳумоюн Мирзонинг мақбарасига яширинади. У бобокалони дафн этилган даҳмага тушиб жон сақламоқчи бўлади, бироқ ёв лашкари уни тутиб олади. Баҳодиршоҳ II тожу тахтдан мусово этилади ва Рангунга ихрож — сургун қилинади. Кекса подшоҳ бу ерда мустамлакачиларга қарши кўтарилган халқ кўзғалонига етакчилик қилади. Кўзғалон шафқатсиз суратда бостирилади. Баҳодиршоҳ II 1862 йили 7 ноябрда, муборак жума кунинда, етмиш икки ёшида Рангунда ёв кўлида шаҳид бўлади.

Бутун Ҳиндистон бўйлаб бобурийлар хонадонига қарши қатли ом бошланади. Муҳтарам Лайло Уммахонининг изтироб билан ҳикоя қилишларича, Баҳодиршоҳ II нинг аҳли аёллари, фарзандлари, ичкилари, қариндош-уруғи, хизматчиларига қадар аёвсиз қиличдан ўтказилади. Подшоҳнинг Жавонбахт Зийнат Маҳал, Роҳат Маҳал сингари хотинлари, бола-чақалари қатл қилинади. Ҳатто бешикдаги гўдаклару муқайиб қолган қари-қартангларга ҳам шафқат этилмайди.

Бир пайтлар оламни зир титратган бобурийларнинг шавкатли сулоласи шу тариқа аянчли ва фожиали хотима топиши мумкин эди, аммо Яратганнинг қудрати ва адолатини қарангки, Баҳодиршоҳ II нинг Мирзо Қуёш исмли ўғли — ёш гўдак бир тасодиф бўлиб қирғин-қиёматлардан омон қолади. Раҳмдил ва мурувватли инсонлар уни ажал домидан яшириб асрайдилар.

Мирзо Қуёш шундоқ таҳликали бир вазиятда ўсиб-улғаяди, шароит тақозосига кўра олижаноб зоти-зурёдини сир тутишга мажбур бўлади. Вақти-соати етиб, Мирзо Қуёшдан Мирзо Абдуллоҳ деган ўғил вужудга келади. Мирзо Абдуллоҳдан эса Мирзо Абдулғафур исмли бир фарзанд туғилади. Замонлар ўтиб, Мирзо Абдулғафур ҳам бола-чақали бўлади — бир ўғил, икки қиз кўради. Мирзо Юсуф номли ўғли навқирон ўн саккиз ёшида вафот этиб кетади ва бу ёруғ дунёда Мирзо Абдулғафурдан ёдгор бўлиб икки қиз қолади. Қизларининг каттаси — Ҳуснижаҳоноробегим, иккинчиси — ҳикоямиз қаҳрамони муҳтарам Лайло Уммахонидир.

Ҳуснижаҳоноробегим 76 ёшда, машҳур аждоди — бобурий тождор Аврангзеб Оламгир шарафига Аврангобод деб аталган шаҳарда истиқомат қилар экан. Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Боқир, Муҳаммад Аскар деган уч ўғли, Ахтар Фотима, Нодира Фотима, Муштар Фотима, Наири Фотима исмли тўрт қизи бор.

Тўнғич фарзанди Муҳаммад Бобур Аврангобод шаҳридаги ветеринария бошқармасининг бошлиғи.

Лайло Уммахони ҳозир 72 ёшда, тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб вояга етказган... Умр йўлдоши Муиниддин Тусий Алигарх муслим дорилфунунини битирган, фалсафа ва инглиз тилидан мутахассис бўлиб, ўн уч йил муқаддам бандаликни бажо келтирган. Ўғилларининг исми: Зиёвуддин, Масиҳиддин, Шажоиддин, Орифиддин (шу кенжа ўғли беш йил бурун вафот қилган экан). Қизлари: Моҳируҳ Уммахони, Гулруҳ Уммахони, Лайлорух Умма-

<sup>1</sup> Васатта — ўрта ерда



хони. Келинлари: Ҳамронисобегим, Насиймбону, Каниз Фотима, Зартожбегим. Марҳум Орифиддин Тусийдан қолган ўғилнинг исми Ҳабибуддин бўлиб, у ҳам бобурийлар хонадонининг севиқли аъзоларидан.

«Ҳиндистондаги Мўғуллар оиласи» жамиятининг расман эътироф этилган аъзолари бугунги кунда етмиш олти кишини ташкил қилади. Жамиятнинг асосчиси ва раҳбаси Лайло Уммахони; жаноб Зиёвиддин Тусий — жамиятнинг бош котиби, Масиҳиддин Тусий — маданий ишлар котиби, Шажоиддин Тусий — ташқи алоқалар котиби лавозимларини адо этадилар. Бу ташкилот 1962 йилда, марҳум Баҳодиршоҳ 11 вафотининг 100 йиллиги нишонланган санада тузилган. Баҳодиршоҳ 11 Ҳиндистоннинг мустақиллик учун курашидаги миллий қаҳрамонлардан саналади ва унинг хотирасига нисбатан баланд эҳтиромда бўлиб келинади. Бу зот мумтоз аждодлари — Бобур, Комрон, Гулбаданбегим, Зебуннисобегим сингари нозик таъби назм соҳиби бўлган, «Зафар» тахаллуси билан урду ва форс тилларида шеърлар битиб, девон тартиб берган. Унинг кўпгина маҳзун ва жўшқин ғазаллари ҳозирда ҳам ҳинд қўшиқчилари томонидан суюб куйланади.

Жамият асосан Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги бобурийлар шажарасининг бугунги вакилларини излаб топиш, уларни бирлаштириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, донгдор аждодлари тарихи ҳамда маданиятини ҳар томонлама ўрганиш, тарғиби-ташвиқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ҳайдарободдаги учрашувимиз чоғида Тусийлар хонадонининг аъзоларига юртимиз раҳбари номидан мактуб ва қимматбаҳо совғалар топширилган, улар Бобур Мирзо таваллудининг бўлажак 510 йиллик тантаналарига тақдир этилган эдилар.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган фурсат етиб, ўтган йил декабрь ойининг охирида бобурийзода оғанилар — Зиёвиддин ва Масиҳиддин Тусий Ҳайдарободдан, Шажоиддин Тусий эса Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахти Абу Дабидан мамлакатимизга ташир буюришди.

Меҳмонлар республикамиз пойтахтида юксак иззат-икром билан кутиб олинди ва 18 декабрь куни эрталаб махсус самолётда Андижонга учиб келишди.

Армонли шоир ва шоҳ шарафига бунёд этилган маҳобатли ёдгорликлар, уч юз гектардан ортиқ майдонни эгаллаган Боғи Бобур, улуғ бобомизнинг Кобулдаги абадий масканидан андоза ва бир сиқим тўпроқ олиниб айнан тикланган рамзий мақбараси, мақбара ёнида қад ростлаган мўъжазгина масжид биноси, «Бобур Мирзо ва жаҳон маданияти» мавзуда барпо қилинган муҳташам музей, обод расталар, боғ-боғотлар, кўркам хиёбонлар — буларнинг ҳаммаси жаннатмакон Заҳриддин Муҳаммад бобомизнинг чиндан ҳам ўз ватанига руҳан қайтиб келганлигини тасдиқ этиб турар эди. Бу юксак умумхалқ шодиёналарида бугунги бобурийларнинг иштирок қилаётганлиги байрам файзига янада файз қўшди. Азиз меҳмонларимиз юрагидаги севинч ва шукроналик ҳиссиётларини таърифлаш учун эса, шоир лутф этганидек, «мингта Фирдавсий керак» эди.

Сўз ўрни келганда таъкидлаб ўтиш фарз: 1993 йил теурийлар хонадонининг шаън-шавкати ва шукҳини диёримизда қайтадан тиклаш йили бўлди. Ва яна ғурур билан айтиш лозимки, таъбир жойиз бўлса, ўтган йил мамлакатимизда норасмий теурийлар йили бўлди.

Азим пойтахтимиз Тошкентда Амир Теуур ва унинг набираси Муҳаммад Тарағай Улуғбекка, Андижон шаҳрида эса теуурий ҳукмдор ва аллома Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазратларига қўйилган улуғвор ёдгорликлар, бу зоти шарифларнинг номларини абадийлаштириш билан боғлиқ равишда амалга оширилган улкан ўзгаришлар бунинг ёрқин дилидир.

Бобурийлар сулоласининг ворислари юртимиздаги Бобур Мирзо қадамжоларини, Андижону Самарқанд, Уш, Тошкент вилоятининг шаҳар-қишлоқларини чексиз ихлос ва чексиз эҳтиром билан тавоф қилдилар. Олимлар, шоирлар, рассому ҳайкалтарошлар, оддий меҳнат кишилари, давлат арбоблари билан дўстона суҳбатлар қурдилар. Ҳамиша, ҳамма жойда сўз ҳазрати Бобурнинг нурли

сиймоси ҳақида борди, бобурий боболарнинг шонли, ғаройиб тақдири, ўлмас маданий мероси бу қизғин гурунглари туганмас мавзуи бўлди. Суҳбатлар асносида бобурийзодалар билан янада яқиндан танишиб олдик.

Меҳмонларимизнинг улуғи — Зиёвиддин Тусий жаноблари 1941 йилда таваллуд тогган. Ҳайдарободдаги Усмоғия дорилфунинида таҳсил кўрган. Тилшунос, фан магистри. Бир неча йиллар ҳукумат хизматида бўлиб, катта-кичик лавозимларда ишлаган. Асосий касби — журналистик. Ун беш ёшидан бошлаб вақтли матбуот билан ҳамкорлик қилиб келади. Урду ва инглиз тилларида ижод қилади. Ўз ватанида чоп этиладиган «Раҳнамои Деккан», «Деккан хроникл», «Сиёсат», «Муслим» сингари газета-журналларнинг доимий муаллифи. Теуурийлар ва бобурийлар тарихи, маданиятига оид кўплаб мақола ва тадиқиқотлари босилиб чиққан. Бу кишини ҳеч муболагасиз «Ўзбекистон матбуотининг Ҳайдарободдаги муҳбири» деб аташ мумкин. Давлатимиз раҳбари билан ёзма мулоқотларидан сўнг у бениҳоя руҳланиб, мустақиллик йўлидан дадил одимлаётган юртимиз ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилган. Шу мавзудаги мақолаларидан бирини у бизга лутфан тақдим этди. «Ўзбекларнинг маънавий юксалиши» деб аталувчи бу ҳароратли асар диёримизга ҳурмат-эҳтиром ва фарзандлик муҳаббати билан йўғрилган.

Ўзбекистондаги улуғ ўзгаришлар Зиёвиддин акани ниҳоясиз ҳайратга солди. «Икки йил ичида давлатингиз энг камида йигирма йиллик йўлни босиб ўтибди», деди у таассуротларини хулосалаб.

Масиҳиддин Тусий жаноблари эса 1950 йилда туғилган. Коллежни битирган, ўрта маълумотли. Моддий қийинчиликлар туфайли олий маълумот ололмаган. 1986 йилдан 1991 йилгача Абу Даби шаҳрида хусусий бир компанияга ёлланиб ишлаган. Ҳозирда асосан жамиятнинг маданий ишлари билан шуғулланади. Урду, ҳинд, инглиз, араб тилларини билади. Мусиқа ва мутолаага ниҳоятда қизиқади.

Кенжа бобурий — Шажоиддин Тусий 1951 йилда дунёга келган. 1970 йилда Ҳиндистон Ҳарбий Ҳаво Кучлари сафига хизматга кирган. Хизматни тарк этгач, дорилфунунинг тайёрлов бўлимида таълим олган. 1980 йилда Саудия Арабистонига кетиб, халқаро аэропортда менежер ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 1982 йилдан эътиборан Бирлашган Араб Амирликларининг пойтахтида оиласи билан истиқомат қилади. Абу Даби халқаро аэропортида менежер лавозимида ишлайди. Умр йўлдоши Каниз Фотима — илоҳиёт муаллимаси.

Буюк боболари Бобур Мирзо ва Баҳодиршоҳ — Зафарнинг шеърий нафаси неча асрлар оша Шажоиддинга ҳам ўтган — у ўзига хос иқтидорли шоир сифатида танилиб келмоқда. Урдуда ёзган жуда кўп шеърлари босилиб чиққан, инглиз тилида ҳам маҳорат билан ижод қилар экан.

1993 йилнинг апрель ойида АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида «Миллий шеърият кутубхонаси» деб аталувчи ташкилот томонидан уюштирилган халқаро мушоирада Шажоиддин Тусий муваффақият билан иштирок этади. Унинг «Оловнинг кўзёшлари» деб номланган шеъри бу нуфузли шеърият мусобақасида биринчи ўринга сазовор бўлади ва муаллиф минг доллардан иборат мукофот билан тақдирланади. Мушоирани ўтказган ташкилот раҳбари жаноб Ҳовард Елоу имзо чеккан гувоҳнома ва табрик мактубидаги самимий сўзлар инглиз тилида шеър битгучи бобурий шоирнинг юксак ижодий салоҳиятидан далолат бериб туради. Қолаверса, «Оловнинг кўзёшлари» деган фавқуллодда гўзал шеърий ташбеҳнинг ўзиёқ Шажоиддин Тусийнинг қандоқ шоир эканлигини англаувчи мазмундор далилдир. Дарвоқе, мазкур халқаро мушоирада янграган энг сара шеърлар алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинган, китобга эса «Оловнинг кўзёшлари» деб ном берилган.

Андижон шаҳрида ўтказилган учрашувларнинг бирида Шажоиддин бадиҳа тариқасида инглиз тилида шеър айтиб, йиғиланларни мафтун этди. Ишончимиз комилки, ота-боболарининг тарихий ватанидан олмиш ўчмас таассурот-





Бобурийзодалар Андижонда. 1993 йил

лари ҳали шоиримизга янгидан-янги бобуруна шеърӣ ҳайрат ва илҳом бағишлагусидир.

Бобурийзодалар ҳар томонлама билимли, тезфаҳм, хушчақчақ кишилар, уларнинг пок эътиқодли мусулмон сифатидаги фазилатлари айниқса одамда ҳавас уйғотади.

Энди икки оғиз сўз бу ажойиб фарзандларнинг волидаи меҳрибони — муҳтарама Лайло Уммахони ҳақида. Онахон 1920 йилда Ҳайдарободда туғилган. Отаси Мирзо Абдулғафурдан хусусий таҳсил олган. Тарих ва ислом ақидаларини пухта билади, мўмин-мусулмон, фариштали бир аёл. Келинг, у кишининг шарқ оналарига хос доно сўзларига бир зум қулоқ тутайлик:

«Мен бобокалонларим ватанида ҳеч қачон бўлган эмасман. Аммо бу тўғрида кўп ҳикоятлар, сирли ривоятлар эшитиб улғайганман. Баъзан аждодларим юртини тушларимда кўрар эдим. Шукур, бизни ҳам йўқлайдиганлар бор экан. Ҳазрати Темури ва ҳазрати Бобурнинг биздек камтар авлодларига Ўзбекистон раҳбари Исломи Каримов жаноби олийлари юксак меҳр-муруват кўрсатган эканлар, бу у зотнинг ўзлари ҳам шундай арбоблар сирасига киришларидан далолат беради. Чунки ҳазрати Темури ва ҳазрати Бобур камсуқум ва забун инсонларга ҳамини шундоқ муҳаббат ва шафқат билан муносабатда бўлар эдилар...»

Лайло Уммахони бу сўзларни Ҳайдарободдаги учрашувимиз чоғида ҳаяжонга тўлиб, кўзларида миннатдорлик ёшлари билан айтган эдилар. Онахон ва унинг фарзандлари ҳаётнинг аччиқ-чучуқларини обдан тортган, шу боис ҳам одабийлик, меҳр-муруват каби ноёб тушунчаларнинг қадрини яхши билдилар. Лайло Уммахони Бобур Мирзонинг тўйида иштирок этишга беҳад орзуманд бўлсалар-да, афсуски, декабрь ойида юртимизда об-ҳавонинг кескин совиби кетганлиги бу ниятнинг рўёбга чиқишига монелик қилди. Буни тўғри тушуниш учун шундай қиёс келтирсак ўринлидир: юбилей ўтган кунларда бизда 20-25 даража совуқ бўлса, Ҳайдарободда 35-40 даража иссиқ пайт эди. Бобур Мирзо авлодлари умрларида биринчи марта қорни кўриб ҳайратга тушишди, аёз уларга хийла таъсир қилди, бироқ ўзбек халқининг қайноқ меҳри туфайли қиш-қировли кунларни беписанд ўтказдилар. Фарзанд-

лари муҳтарама оналарининг дуои саломларини ва эзгу тилакларини барчамизга етказишди ва шунда биргалашиб тилак қилдикки, худо хоҳласа, илиқ-иссиқ ёз кунларида ҳурматли онахонимиз бобомаконлари юрти бўлмиш Ўзбекистон диёрига албатта ташриф буюрадилар.

Мамлакатимиздаги каттаю кичик бобурий мирзоларнинг бу сафарига жуда катта қизиқиш ва эҳтиром билан қараётганини ҳар дақиқада сезиб турдик. Қаерга бормайлик, бизни очиқ чеҳра ва самимият билан кутиб олишар, меҳмонларимиз билан эса худди қадрдон оға-инилари каби қучоқ очиб кўришар эдилар.

Тарихдан маълумки, бобурийлар салтанати дунё илм-фананда «Буюк Мўғуллар империяси» деган ном билан «ғалати машҳур» бўлиб кетган. Кейинги йилларда бу хато илмий таъбирга аниқлик киритиш мақсадида мамлакатимиз бобуршунослари жиддий изланишлар олиб бормоқдалар. Бобур зурёдлари ҳам бу борадаги тарихий адолатни тиклаш мақсадида ўз жамиятларини бундан буён «Ҳиндистондаги ҳинд-ўзбек бобурийлар маданий академияси» деб қайта номлаш ниятида эканликларини маълум қилганларида барчамиз бу гапни мамнуният билан қарши олдик.

...Андижон шаҳрининг қоқ марказида мағрур қад ростлаган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг суворий ҳайкали узра Ўзбекистон давлат мадҳиясининг улўвор садолари остида оқ чойшаб оҳиста сидирилиб тушар экан, беихтиёр юрагим тўлиқиб кетди. Секин атрофимга қарадим. Қарадим муаззам ёдгорликка ҳаяжон ва ҳайрат ила термилиб турган заҳматкаш бобуршунос олимимиз, академик Сабоҳат опа Азимжонованинг, сочлари Бобур дардида оқарган атоқли адибимиз Пиримқул Қодировнинг, кекса давлат ва жамоат арбоби Бектош Раҳимовнинг, шоира Турсуной Содиқованинг, ҳайкалтарош Равшанбек Миртожиевнинг, бобурий мирзолар — Зиёвиддин, Масихиддин ва Шажоиддин Тусийларнинг, ўзбекистонлик бобурийлардан бири — Зокиржон ака Машрабовнинг ва яна бошқа ўнлаб-юзлаб мўътабар инсонларнинг кўзларига қалқиган севинч ёшларини кўрдим.

«Оловнинг кўзёшлари», деб ўйладим беихтиёр.



# Тил тилсими

Сиёсий-ижтимоий ҳаётимиз асослари ўзгарган 1917 йилдан буён ёзувимизни беш марта ўзгартирдик — ўртача ҳисобда ҳар 16 йилда бир марта. Бу, албатта, кўп: 1922 йили араб ёзувини ислоҳ қилдик, 1929 йили лотин алифбосига ўтдик, 1934 йили уни ҳам ислоҳ қилдик, 1934 йили (асли византиялик файласуф Кирилл Мефодий томонидан IX асрда яратилган) ўрис алифбосини қабул қилдик. Ушанда машъум 37 йилдан 3 йил ўтиб-ўтмаган, Фитрат, Ғози Олим, Элбек, Қайюм Рамазон, Отажон Ҳошим каби забардаст ва тажрибали олимлар «териб олинган», қолган ўша вақтда ёш олимларнинг юраги олинган, кўпчилигида илмий ҳақиқат ҳиссидан кўра жон асраш ташвиши кучли бўлган, шунинг учун ҳам ўрис графикасини ўзбек тилига мувофиқлаштириб олишни талаб қилишга ақл етарди-ю, журъат етмас эди. Бир таниқли тилшунос (жойлари жаннатда бўлсин) «ўрис ҳарфининг бирортасини тушириб қолдиргандан кўра менинг битта озиқ тишимни суғуриб олинглар» дегани ҳамон оғиздан оғизга ўтиб келади. Ҳатто к билан қ ни бир ҳарф билан ифодаласа бўлаверади, деган миллий олимларимиз бўлган экан. Профессорлар Е. Д. Поливанов, А. К. Боровков, Л. В. Шчерба каби ҳақиқий олимлар бу хатодан қутқариб қолган эканлар.

Шундай қилиб, ёзувимизга ёлашган унлилар деб аталмиш Е, Ё, Ю, Я ҳарфларини, тилимизда бўлмаган Ц ҳарфини, в, ъ каби ортиқча, ҳатто зарарли белгиларни қабул қилган эдик. Бироқ она, нон сўзларидаги ўрисча бўлмаган, яъни ўзбек тилининг ўзига ҳос унлисига мон ҳарф йўқ эди. Қ, Ғ, Ҳ, Ҳ товушларининг ҳарфлари алифбо сирасида ғарибона бўлиб, Я дан, ҳатто, в, ъ белгиларидан ҳам орқада бўлди. НГ товушининг шўрини шунчалар қуритдики, у энди ўз ҳолига 40-50 йилда келолармикан? Си-нгилни, син-гилга, кў-нгилни кўн-гилга, тонгни тон-гга, мингни мин-гга айлантириб бўлдик, кў-нғизлар кўн-ғиз бўлди, тў-нғизлар тўн-ғиз бўлди. Қандоқ ёзсак, шундоқ ўқидик-да. Бир кўшимча икки бўғинга бўлинди: уйин-гиз.

Кейинчалик, Сталин сийсати танқидга учрагач, ўзбек ёзувининг хатолари олимларнинг эсига тушди. Каминангиз жорий ёзувни такомиллаштириш тўғрисида «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» жўрнолининг 1968 йилги 8-сониде мақола ёзган эдим. 70-йилларда бу масаланинг куюнчаги проф. С. И. Иброҳимов Масковда нашр қилинган ҳос илмий тўпламларда фикр билдирган эдилар. («Вопросы совершенствования алфавитов тюркских литературных языков СССР», М., 1972, с. 157; «Орфографии тюркских литературных языков СССР», М., 1973, с. 218).

Ёзувимиз хатоларини тузатишнинг илмий-назарий масалаларига масковлик туркийшунос олимлар ҳам бош кўшишган (юқорида кўрсатилган асарлар: Мусаев К. М. «Алфавиты языков народов СССР», М., 1965). Бироқ яна бизнинг жасоратсизлигимиз туфайли хатолар ҳамон давом этаверди. Илмий изланишлар натижалари китобларда, жўрналларда қолаверди. Менинг ўзимда ҳам шу масалага доир қанчадан-қанча қўлёзма қолиб кетди.

Ниҳоят, қутлуғ мустақиллик неъмате ато бўлди. Унинг шамоллари эсиши билан тилимиз устидан қаллик чодире улоқтириб ташланди. Уша чодирнинг қадалғуларидан бири тарзида жорий ёзув ҳам сирғалиб чиқиб кетмоқда.

Мен жорий ёзувни тилимизга мослаштириш учун кўп ҳаракат қилиб меҳнатим синганиданми, уни таъмирланса,

ёлашган унлилар, Ц, Ъ, В чиқариб ташланса, она сўзидаги О га алоҳида ҳарф қўйилса, У, Қ, Ғ, Ҳ, НГ ни «шапка», «бел-боғ», «дум», «тиргак»ларсиз, яхлит ҳарфлар билан берилса ва алифбо сирасида ўз ўрнига қўйилса, етарли деб билган эдим.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтиш устида икки йилга яқин иш олиб борилди. Бу ишни замонамизнинг йирик тилшунослари, ўз соҳасининг атоқли олимлари билардилар, аммо уларнинг орасида фонетика ва ёзув мутахассиси йўқ эди.

Комиссия ишининг натижалари ўтган 1993 йилнинг 12 октябрида Давлат қонуни тарзида эълон қилинди.

Ёзувнинг бугунги ўзгаруви миллий мустақиллик, ғуруримиз тикланиши, тилимизнинг ўз қонуниятлари устиворлиги, илмий, техник такомилга томон дадил қадам қўйиш ниютлари билан боғлиқ. Ёзувни миллийлаштирмоқ миллий мафкурамиз тикланишидаги кескин ҳаракатдир. Давлат қонунини, биз — тилшунос олимлар, қўлламайми, уни амалга оширишда ҳамма хизматга тайёрмиз.

Шу вазибаларимиз ичидаги энг биринчиси — лотин алифбоси асосидаги миллий ёзувимизда ўтиб кетиб қолган камчиликларни тузатиб олиш деб биламан. Камчиликлар қуйидагилардан иборат:

1. Ўрис тилида айрим ундош товушни ифодаловчи ҳарф ўша ундошнинг олдига э унлисини қўшиб номланади: эл, эм, эн, эр, эс, эф ва бу сўзлар ҳарфнинг номидан бошқа маънони билдирмайди. Ўзбек тилида ўша унли ундошдан кейин қўшилиб, ҳарф номи ясайди: бе, те, ле, ме, не, ре, фе каби, акс ҳолда бу сўзларнинг анчаси бир неча маъноли (омоним) бўлиб қолади, масалан, эс — хотира, эсмоқ феълининг буйруқ формаси, с ҳарфининг номи. Тасдиқланган алифбода Л, М, Н ўрисча номланганки, буни тузатмоқ зарур.

2. Ц товуши ўзбек тилида йўқ, зеро ўзбек миллий ёзувида Ц ҳарфига эҳтиёж йўқ. Бу товуш ўрис тили иккинчи она тили бўлган икки тилли шахслар нутқидагина аслича талаффуз қилинади. Ўтган асрда Ц товуши бор сўзларни ўзбек тили ўз фонетик ғалвиридан ўтказиб, ўзига мослаб олган. Целковый сўзини сўлкавати, Церковь сўзини черков, царь ҳокимиятини чор ҳукумати деган ва шундай ёзишда давом этмоқда. Ц товуши сўзнинг қайси ўрнида қандай ўзгариб ўзлашуви юзасидан тилимизда фонетик қонуният юзага келган, яъни, сўз бошида С га, (цемент — симон, цирк — сирк, цилиндр — селиндр), унли товушлар орасида Т+С га ўтган (социализм — сотсиализм, ацитон, атситон, культивация — култиватсия, аттестация — аттистатсия, механизация — механизатсия), ундошдан олдин ва сўз охирида С га айланган: (боцман — босмон, акация — акас, нотаниш кекса ўрисга ўзбек атис — отец деб ҳам муружаат қилади.

Ц нинг тилимизга кейинчалик кириб кетиш имкони ҳам йўқ, жуда кўп тиллардаги каби, бизнинг тилимизда ҳам жарангли ундошларнинг ҳар бири ўзининг жарангсиз шериғига эга, бошқача қилиб айтганда ҳарфлар ҳам жуфт-жуфт бўлиб яшайди: п-б, т-д, с-з, к-г, х-ғ, ч-ж. Ҳ товушининг жуфти йўқ, чунки унинг келиб чиқиши туркий эмас, шунинг учун ҳам у тилимизда ҳамон сарсон-саргардон. Бир қатор етакчи шеваларда Ҳ ни Х талаффуз қилишади.

Алифбодан Ц ни чиқармасликнинг ҳеч иложи йўқ, акс ҳолда ёзув руҳи ўзгалашади. Ы, Ц ҳарфларини ҳам (у Кремль тилининг ёзувидаги ҳарф бўлгани учун, албатта) ўзбек ёзувига киритмоқчи бўлган «раҳнаомларимиз» тарих саҳнасидан тушди, ёзувимиз соф миллий бўлгандагина ўзгармас бўлади.

3. Ота, она, нон, ош, ор, бор сўзларидаги О ўзбек тилида энг кўп ишлатиладиган (айтиладиган) унлилардан биридир. Ўзбек тили фонетикасида унинг аҳамияти катта. Бошқа туркий тиллардан ўзбек тилини ўзгачароқ, равшанроқ қилиб турган факторларнинг энг асосийларидан бири ҳам шу О товушидир. Эски ўзбек тилидаги 9 та унлини 6 тага туширган, сўз урғусининг аҳамияти ва жарангдорлигини кўтарган ҳам шу О унлидир.

Бу унлини ўзбекча тўк сўзидаги ў унлисини ифодаловчи ҳарф билан ҳам ўрисча ток (электр қуввати) сўзи-



даги О ни ифодаловчи О билан ҳам, ака сўзидаги А билан ҳам умумий бир ҳарф орқали ифодалаб, фарқини ҳарф устига қўйилган чизиқча билан ишора қилиб бўлмайди (6 тагина унли товушининг ҳар бирига алоҳида ҳарф белгилай олмаган ёзув ёзувми?).

Жорий ёзувда О ҳарфи 4 та товушни ифодалар эди: 1) нон сўзидаги О ни; 2) араб, форс тилларидан ўзлашган айрим сўзлардаги чўзиб талаффуз қилиниши зарур бўлган О ни: ошиқ, Лола, моҳир каби; 3) ўрис тилидан ўзлашган айрим сўзлардаги урғули О ни: бокс, ток, Омск (ўзбек Омиска ёки Омиский дейди); 4) яна ўрис тилидан ўзлашган айрим сўз ва сўз қўшимчаларидаги урғусиз О ни: вадапаравод — водопровод, Масков — Москва, Қодиров — ўзбек аввал бу қўшимчани — уп деган, бу ҳол ўрис тилининг таъсири кам бўлган жойларда ҳамон давом этади. Энди бу ҳарфга яна иккита янги вазифа юкланди: 5) кўл, йўл, ўн сўзларидаги У ни ифодалаш ва 6) шу товушнинг араб товуши айн ҳисобига чўзилган муқобилини билдириш: Мўътабар, мўътадил.

Бир ҳарфга олти вазифа кўп, албатта. Бундан қутилишнинг фақат битта йўли бор, уни Халқаро фонетистлар асосотиасияси қабул қилган транскрипсиядаги худди шу

товушни ифодаловчи **Е** ҳарфи билан берилмоғи лозим.

Шундагина отин сўзи билан ўтин сўзини; ош билан Ушни; олинг билан ўлингни; бор билан барни; сой билан сайни бир хил ёзмаймиз, тутган йўлимиз илмий бўлади. О ҳарфи эса жорий У нинг ҳам «қисқа», ҳам «чўзиқ» муқобилини, ўрис тилидан ўзлашган сўзлардаги урғули ва урғусиз О ни ифодалашни тўғри бўлур эди.

4. Ёзувнинг ўз қонуниятлари мавжуд, қонуниятлар йиғилиб, ёзув илмини ташкил қилади. Ҳар ким хоҳлаганича у ёки бу чизиқчани, илмоқчани олиб, унга хоҳлаган вазифани юклай олмайди, агар шундай қилса, тирик тана ёт жисми бир кун эмас, бир кун фасод билан чиқариб қутилганидай, чиқариб ташлайди. Исбот излаб бир қадам ҳам қўйишга эҳтиёж йўқ — туркий халқлар ўрис алифбосини бўжаб, бўяб қабул қилди-ю, барибир охири бахайр бўлмади. Ёзувда ҳар бир чизиқчанинг ўз вазифаси бор ва ўша чизиқ фақат ўша вазифада қўлланади. Шу нуқтаи назардан қараганда ҳарф устига қўйиладиган тўғри чизиқча транскрипсияда товушни чўзиб талаффуз қилиш лозимлигига ишорадир. Янги ёзувимизда бу чизиқчага уч хил вазифа юкланган: 1) ток (узуннинг сурхи) сўзини тўк (идишдан ташқарига чиқариш) сўзидан; 2) яна ўша ток сўзини ўрис тилидан ўзлашган ток (электр қувватини англлатувчи) сўзидан фарқлаш учун, яъни, бир унлини иккита унлидан фарқлаш учун ишлатилади; 2) тил олди н ундошини тилорқа нг

**н** ундошидан фарқлаш) **t o n** — тан олма; **тон н** — суб-

ҳидам учун хизмат қилади; 3) тилорқа г ( **г** ) ундошини

чуқур тилорқа ундоши **г** ( **г** )дан ажратиш учун ишлатилади.

**туг** — боғла, **туғ** — байроқ. Мунча яхши кўришмаса

бу чизиқчани. Бу ўзбошимчалиқдир, уни тузатиш зарур. Ҳозир биз тузатмасак, келгуси авлод албатта тузатиб олади.

Масаланинг илмий томонидан ташқари амалий томони — ёзишга қулай-ноқулайлиги, уни ёзишга вақтнинг кам ёки кўп кетиши ҳам бор. Ҳарфнинг устига чизиқча қўйиш учун асос ёзиш ҳаракатини тўхтатиш, чизиқчани қўйиб, яна асос ёзишга тўғри келади. Бунинг учун иккитадан ортиқ

ҳарфни ёзиладиган вақт ва энергия сарфланади. **Г** ва **нг**

(яъни, **г** ва **п** ) ҳарфлари учун яхлит ҳарфлар — **н**

ва **н** ни қабул қилмоқ зарур, бошқа тиллардаги лотин

алифбосига асосланган ёзувларда ҳам асосан шундай. **н**

тўғрисидаги фикримни ҳамкасбларим билан ўртоқлашганимда улардан биридан, компьютер ҳарфнинг «думи»ни олмас экан, шу сабабга кўра бу ҳарфлар сал ўзгартири-

либди, деган фикрни ҳам эшитдим. Менимча **г** (Ш),

ва **г** (Ч)лардан «дум»ни олабилган компьютер **н** дан

ҳам олади.

5. Ҳарф устига қўйиладиган чизиқчани, транскрипсиядаги каби унлининг узунлигини ифодалаш учун қўлламоқ лозим: **о**шиқ — **ашуқ** (севишганлар), ошиқ-мошуқ (эшиқ, деразага ишлатиладиган метал буюм). Шунда Навойи ёзиш керакми ёки Навойими деган масала ҳам ўз-ўзидан ечилур эди, зеро и дан кейин й ни «чақираётган» фонетик ҳолат, бу и нинг чўзиқлигидир.

»Шундай қилиб, ҳарф устига қўйиладиган чизиқча лола, боқий, Маҳфуза, Шарифа, олий каби сўзлардаги узун унлиларни ифодалаш учун ҳарфнинг устига қўйилмоғи лозим. Бундай сўзлар кўп эмас; вақт нуқтаи назаридан зарарли эмас; илмий томондан хатолик йўқ.

6. Тилимизда ёнғоқ, қўнғиз, қоронғу, Бўлингир, ғинғилламоқ, тинғилламоқ каби сўзларда **НГ** билан ифодаланидиган товуш чуқур тилорқа, бурун ундоши мавжуд. Бу товуш **НГ** нинг муқобилидир. Лекин у ҳеч қачон **НГ** деб талаффуз қилинмайди. Янги ёзувимизда бу товушни **нг**

билан ифодалашга тўғри келади, натижада бир фонеманинг асосий варианты бир ҳарф — **н** орқали, унинг

муқобили икки ҳарф билан ( **нг** ) ифодаланишига тўғри

келади, натижада бир товуш икки ҳарф билан ифодала-

нади ва бу ҳол талаффузда акс этмай қолмайди. Қоронғуни қоронғуга айлантирган ёзувдир, ёнғоқни ёнғоқ дейдиганлар пайдо бўлди.

Масалани илмий ҳал қилиш бу товушни ҳам яхлит бир ҳарф — **п** билан ифодалашни тақозо қилади (транскрипсияда шундай).

7. Ҳарфлар сираси ҳам бир қатор тузатишларга муҳтож. **Г**, **Қ** ни **Г** дан кейин, **нг** ни **Н** дан сўнг, **Х** ни **Х** дан кейин, аجدод сўзидаги **Ж** нинг жўжа сўзидаги **Ж** дан орқада жойлашгани маъқул бўлур эди.

Қабул қилаётган ёзувимиз мафкурамиз инъикоси бўлсин, унда бизнинг айбимиз билан қолган доғлар бўлмасин, токи, келгуси авлод, албатта, уни артишга мажбур бўлади ва ўшанда бизни дуо билан ёд этмас.

Ҳамма масала илмий ва халқ хоҳиши билан ҳал қилинаётган мустақил мамлакатимизда ҳали тузатиш мумкин бўлган бу масалани тузатиб олишга монелик бўлмас деб умид қиламан.

Сорахон ОТАМИРЗАЕВА





# Дарё Сўлимсан. Эй гул



**Марзия ЭРДОНОВА**

Новдаларда куртак бўлиб тизилган баҳор,  
Яшилгина қўлларини чўзар қуёшга.  
Турналарнинг қанотлари оқ шоҳи рўмол,  
Учар аёл севгисига тимсол бўлишга.

Кўшиқ айтиб келса юртга мунис турналар,  
Шафтолининг қирмизгина бўёқларида.  
Аёл қалби эшитади уни энг аввал,  
Излар-излар кўкнинг йироқ-йироқларидан.

Улар келар, гўдакларнинг қийқириғида,  
Сочлардаги гулбаргада келади улар.  
Аёлни бахт оғушига олган чоғида,  
Шоҳи рўмол бўлиб келар оппоқ турналар.

Турналар-эй, гул баҳорнинг маликалари,  
Етти қават осмондан ҳам юксак хаёли.  
Сиз аёлнинг поклигини кўз-кўз этгали,  
Самоларга учиб кетган оппоқ рўмоли.

Гулим,  
Гулдан-да ўзинг сўлим,  
Еноғингдан ёшларингни.  
тўкмоққа бормас кўлим.

Ғунчам,  
Дудоклари шўрттак довуччам,  
Сенинг кўз ёшларинг —  
тундан тўкилган  
дунёдаги  
энг тоза шабнам.



**Сайёра САМАНДАРОВА**

Сизнинг осмонингиз жуда ҳам тордир,  
Сизга фақат бир қуш сиғади.  
Сизнинг осмонингиз жуда ҳам тордир,  
На нур, на мўлроқ ёмғир ёғади.  
Сизнинг тоғингиз-да том янглиғ пастқам,  
На унда гунафша, на унда лола.  
Тоғ бўлса, ям-яшил чинори қани,  
Тоғ бўлса, булбули этмасми нола.  
Менинг эса кенг-кенг осмонларим . бор,  
Булутлар бағрини тўлдирган.  
Улкан-улкан тоғларим бордир,  
Душманни ҳасаддан ўлдирган.  
Кўкси лов-лов ёнган бургутим

бор менинг, шунқорим.  
Сизнинг тоғнинг эса кўринай демас,  
На баҳорда гули,  
На қишда қори...

Кўзларим уйқуни ёддан чиқарди,  
Ором нелигини унутди юрак.  
Нигоҳим олдида тоғлар кичрайди,  
Кичик тоғлар билан яшаш не керак?  
Тун — олий жазодир менга берилган,  
Юракни ёнғмоққа кучим етмайди.  
Рухим боғларида тентирар руҳим,  
Қоронғу хонада на шеър, на бир кафт.  
Тун бўйи худо деб йиғлайди дилим,  
Тонгга етиб борсам, шудир сўнги бахт.

Не учун бунча меҳр, бунчалар ардоқ,  
Асраб-авайламоқ мени, не учун?  
Шунча яхши сўзлар, шунча интиқлик,  
Ҳаттоки шунчалар севмак не учун?  
Бардош бера олмас дардқаш юрагим  
Бунча муҳаббат у илтифотларга.  
Ё портлаб кетар у, ё қулаб тушар,  
Тангрининг бесўроқ мукофотидан.  
Мени кўп қийнаманг. Кўкка кўтарманг,  
Кўзларимга боқиб, ҳасратни қувинг...  
Севсангиз майлига, фақат азизим.  
Сиз мени бир умр жимгина севинг.

Ўзингни бос дейман,  
Ўзимга ўзим.  
Ненидир эзгилаб оёғим билан.  
Ўзингни бос дейман,  
Чирт юмиб кўзим,  
Ўнгим қа-ю сўлим қаёғим, билмам.  
Ўзингни бос дедим,  
Кесиб ҳар сўзим,  
Аллақайдан келди заиф бир ингроқ.  
Боқсам,  
Эзгилаб етибман ўзим,  
Вужудимни кўмди оғир бир чарчок.

Кипригимни тўкмади соғинч,  
Соғинмабман сизни азизим.  
Дунё бўм-бўш, руҳимда бир тинч,  
Юраману қолмайди изим.

Қайга элтар бу сокин йўлак,  
Осмон нени қилмоқда шаъма?  
Япроқларда борми ё юрак,  
Нималарни этади таъма?

Сизни асло унутма олмай,  
Кўп талпинди кўксимдаги қуш.  
Қафасидан учиб чиқолмай,  
Ухлаб, сизни кўраётир туш.

Бу қарахлик балки шундандир,  
Рух тин олар, юмилганда кўз.  
Не бўлса ҳам энди барибир,  
Мен сокинман, юрагимда... куз...



# Ҳазрати Сулаймон

## ва билжунис нари

### I. СИНОВ

Ислом уламоларидан Абул-Ҳасан Кисоий ўзининг «Қисасул ибтидо ва-л-анбиё» тафсир китобида келтиришича, ҳазрати Сулаймон ёшлик чоғларидаёқ бор оламларини яратган тангрига мадҳу санолар айтиб, унинг қудрати тимсоллари бўлган тоғларга, ўтлоқларга, юлдузларга ҳар куни салом бериб, уларни алқар экан. 12 ёшидаёқ Сулаймон муқаддас китобларни — Одам ато китобини, Шис алайҳиссалом, Идрис алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом ҳақ таолодан эшитиб, битган китобларини ёддан билар ва ибодатхоналар минбаридан туриб, минг-минг одамларга ваъз айтар экан.

Ҳазрати Сулаймон 27 ёшга тўлганида ҳазрати Жаброил алайҳиссалом Довуд пайғамбар олдига тушиб, олтин лавҳага ёзилган саволларни берибди ва унга бундай дебди:

— Эй, Довуд,— мен сенга Аллоҳнинг саломини ва фармони олиб келдим. Сен энди барча фарзандларингни қошинга чақириб, шу лавҳада саволларни сўрагин. Ким бу саволларга тўғри жавоб бера олса, ўша фарзандинг сенинг ворисинг бўлсин.

Ҳазрати Довуд вазиру умароларини тўплаб, улар олдида ҳар бир ўғлини алоҳида чақириб, ҳазрати Жаброил келтирган саволларни берди. Бошқа аҳли аёлидан бўлган ўғиллари бу саволларга жавоб беролмадилар.

Шунда ҳазрати Довуд ўғли Сулаймонни чорлади ва унга ҳам шу саволларни берди.

— Умидим борки, Аллоҳ бу саволларга тўғри жавобларни дилимга солғусидир,— деди ўғли.

Ҳазрати Довуд савол айлади, ҳазрати Сулаймон жавоб бера бошлади.

- Дунёда кимлар яхши?
- Имонлилар,— жавоб берди Сулаймон.
- Кимлар хор-зорликда?
- Ожизлар.

Кимларнинг Аллоҳ даргоҳида қадри йўқ?

- Имонсизларнинг.
- Барча жонзодларда не бор?
- Сув бор, чунки Аллоҳ барчасини сувдан пайдо қилган.
- Дунёда энг ширин недур?
- Жон, фарзанд ва пул.
- Дунёда энг аччиқ недур?
- Бойликдан сўнг келадиган камбағаллик.
- Энг қабих нарса недур?
- Имонли одамнинг имонсизлик қилиши.
- Энг гўзал нарса недур?
- Вужуддаги руҳ.
- Энг хунук нарса недур?
- Руҳсиз вужуд.
- Энг яқин нарса недур?
- Охират абадийлиги.
- Энг узоқ нарса недур?
- Охиратдаги имон нури.
- Энг катта фалокат недур?
- Ёмон хотин.
- Энг яхши нарса недур?
- Яхши хотин.
- Энг пок нимарса недур?
- Тупроқ.
- Энг ифлос нимарса недур?
- Итлик ва чўчкалик.

Ҳазрати Довуд барча саволларга жавоб олгач, йиғилган уламога қараб, сўради:

— Уғлим қай бир саволга нотўғри жавоб берди?

Уламолар:

— Барчасига тўғри жавоб берди,— дедилар.

Шунда Довуд алайҳиссалом айтди:

— Ундай бўлса ўғлим Сулаймон тожу-тахтимга ворис бўлмай. Пайғамбарлик — аллоҳдандур,— деди.

— Ҳукминг адолатлидур, биз бунга хурсандмиз,— дедилар уламолар.

Абул Ҳасан Кисоий «Қисасул ибтидо...» да Ваҳб ибн Мунаб-бахдан ривоят қилишича, Довуд подшоҳ аҳли аёлларини бегоналардан қаттиқ рашк қилар ва уйидин кўчага чиққанида барча хоналарини қулфлаб кетарди. Аммо бир куни ҳазрати Довуд кўчадан уйига қайтиб келса, уйининг эшиги очик. Ичкари кириб қараса, ичкарида ниҳоятда чиroyли бир барно йигит бор экан. Ҳазрати Довуд ғазаб билан:

— Сен кимсан? Нечун руҳсатсиз менинг оромхонамга кирдинг? Эшикни қандай очдинг?— деб сўради.

— Эшикни Ҳақ-таоло, сенга бахту давлат ва ақл-идроқ берган зот очиб берди. Мен эсам дунёда ҳеч бир подшоҳдан кўрк-майдурган кимса — Азроилдурман, жонингни олишга келдим,— деди ҳалиги барно йигит.

Бу гапдан ҳазрати Довуд кўрқиб кетди ва унга ялина бошлади:

— Эй, эгамнинг хабарчиси! Бир оз муддат бер, аҳли аёлларим ва фарзандларим билан видолашиб олай!

Ҳазрати Азроил бунга кўнмади:

— Эй, Довуд сенга бир лаҳза ҳам муддат беролмайман. Аллоҳ китобидан билмайсаники, Ажал фурсати етганда заррача узоқлаштирамагил ва заррача яқинлаштирамагил!— деганини (10-сура, 50-оят).

Шундан сўнг Сулаймоннинг отаси кўз ёшларини тўкиб, деди:

— Эй, Азроил, билсанг айтгил, мен аввал қилган гуноҳларимга тавба қилиб йиғлашимдан фойда борми?

— Фойда бор,— деди Азроил.— Тавба қилиб йиғлаётган одамнинг бир томчи кўз ёши Ер ва ундаги тоғлардан ҳам оғир, салмоқлидур.

— Мендан сўнг ким яхши ишларимни давом эттиргай?

— Сендан сўнг яхши ишларингни ўғлинг Сулаймон давом эттиргай.

— Таскин берганинг учун Аллоҳга шукр. Майли, энди жонимни ол, Ҳақ-таолонинг амрини бажар.

Жаноби Азроил Аллоҳнинг фармони адо этди.

Муҳаддислардан нақлдурки, Муҳаммад алайҳиссалом айтиб-дурки, ҳазрати Довуд юз йил умр кўриб, шанба куни жон таслим қилди. Майитни ҳазрати Сулаймон ювиб, кафанлаб, кўкдан тушган фаришталар билан бирга ибодат қилиб, ҳазрати Иброҳим мақомига дафн этди.

Ҳақ-таоло тожу давлатни ҳам, пайғамбарликни ҳам ҳазрати Сулаймонга ато этди.

Сабо маликаси Билқиснинг амиру умаролари, вазиру вузаролари ҳазрати Сулаймоннинг ҳақ пайғамбарлигини ҳали билмас эдилар, аммо унинг доврўғини, шаън-шавкатини эшитгандилар. Қуръони каримнинг 38-сурасида ҳазрати Сулаймон Ҳақ-таолодан «Рабби, иғфирли ва ҳабли мулкан ла янбаги ли-аҳадин мин баъди, иннака актал ваҳхаб» (яъни: Ё, раббий, мени кеңиргин ва менга шундай мулк бергилки, бундай мулк мендан кейин ҳеч бир подшоҳга берилмасин. Ҳақиқатан, ўзинг иноят этгувчисан!) деб, муножот қилган эди. Ҳақ-таоло ҳазрати Сулаймоннинг тилагини ижобатга олиб, «Йа, Сулаймону, инни қабизул арвоҳи мулуки хатта ла йанбаги маликун ғайрука фид-дунйа» (яъни: Эй, Сулаймон, мен барча маликлар (подшоҳлар)нинг руҳларини қабз этдим (жонларини олдим), энди дунёда сендан ўзга малик бўлмамай, деб марҳамат қилди (38-сура, 35-оят).

Носируддин Рабғузий «Қисасул анбиё» тафсир китобида ёзишича, дунёда барча шоҳлар ўлиб кетиб, «Сулаймон барча оламга малик бўлди». Рабғузий ривоятда бадий тўқима, муболаға бор. Бизнингча, ҳазрати Сулаймон 18 минг оламга эмас, балки фақат Ер юзидаги дунёга малик (эга) бўлган. (Бу ҳам абадий эмас, балки вақтинча, омонатга, ҳазрати Сулаймон бу оламдан ўтгунича эди — М. М.) Тарихда чиндан ҳам шундай бўлганми? Исроил давлати энг кучайган вақтида дунёда бошқа давлатларнинг подшоҳлари ўлиб кетганмиди? Табиийки, у вақтларда ҳозирги жуда кўп давлатлар (Англия, Америка, Германия, Франция, Швеция, Норвегия, Финландия, Россия, Испания, Канада, Африка ва Осиёдаги жуда кўп ҳозирги давлатлар йўқ эди (Миср, Шом ва Ҳиндистондан ташқари). Ҳозирги жуда кўп давлатларнинг халқларини у вақтларга қабилла сифатида мавжуд бўлиб, ўз давлатларини ҳали тузмаган бўлса керак. Бани Исроил эса Таврот ва Қуръон гувоҳлик беришича, энг қадимий қавмлардан эди. Шу жиҳатлардан ҳам Доро, Искандар, Рум императорларидан аввал ўтган ҳазрат Сулаймон Ер юзининг обод жойларига ягона подшоҳ бўлиб қолиши мумкин бўлган ҳодисадир. Бундай



ҳолатни вужудга келтириш барча оламларни яратган Ҳақ-таоло учун жуда осон бир ишдур.

Яна шуниси ҳам ҳайратга сазоворки, Аллоҳ ўзи танлаган пайғамбари Сулаймонга илм ва заковат кучи билан дарахтларни, дарё, денгиз сувларини, шамолларни, қушларни, барча ҳайвонларни бўйсундириб берганига ҳам ишонишимизга тўғри келади. Деву париларни, жинларни бўйсундириш ҳам Ҳақ-таоло учун осондир. Ҳазрати Сулаймон тоғлар ёнидан ўтаётганида уларнинг бағридаги олтин, қумушлар «Мен бу ердман» деб тилга кирар экан.

Каъбул Ахбор, розийаллоҳу ривоятда келтиришича, ҳазрати Сулаймон 12 минг йиғоч (бир йиғоч — 6 км, демак, 72 км) ерни майдон қилдурди. Қизил олтиндан бир тахт ясади. Ҳазрати Сулаймон тахтда ўтирганида атрофида 400 олим ўтирур эрди. Тўрт минг одабийлардан, тўрт минг девлардан (занжи паҳлавонлар бўлса керак), тўрт минг фаришталардан (буни шарҳлашга ожизмиз) саф тортиб турур эрдилар, Подшоҳ улан (шом) намозига чача арзўйларни эшитиб, таҳқиқ этиб, текшириб, ҳукм чиқарди. Сўнг уйига (қасрига) борарди. Тонг отгунча тоат қилур эрди. (Ҳазрати Сулаймон Худога муножот қилиб, тилакларини айтиш учун етмиш кунлаб ухламай, тоат-ибодат қилар экан. Оддий кунларда ҳам тонггача бедор бўлиб, тоат қиларди. Эртасига эрталаб, халққа таом берар эди.

«Хабарда келмиш,— деб ёзади Рабғузий,— қушлуқ (эрталаб-ки) ошига 400 қангли ёхуд 700 қангли (арава) ун ҳарж бўлур эди. Яна айтишларича, ҳазрати Сулаймон тол дарахти новдаларини йиғиб, сабат тўқиб, эгнига эски либос кийиб, сабат сотар эрди.

Маданиятлар тарихини таҳқиқ этувчи олим ва адиблар ўйлашича, Ер юзиде кўп минг йиллар аввал неча бор турмуш, фан, техника юксалиб, яна вайрон бўлиб, ҳаёт қайтадан вужудга келган (тўғридан кейинги ҳаёт каби). Ҳазрати Сулаймондан аввалроқ, Мусо алайҳиссалом даврларида Исроил қавмлари Миср фиръавинларига ва Бобил подшоҳлари асоратида қулликда умр кечирар эдилар. Худонинг иродаси ва Мусо қуллигидан қутулиб, Исо Навин каби лашкарбошилар Самсун каби паҳлавонлар, Шамвил (Самуил) каби пайғамбарлар жонбозлиги билан Канъонда мустақил Исроил давлатини тузган эдилар. Тавротда ёзилишича Саул-Толутни подшоҳ қилиб кўтарган пайғамбар Шамвил яхудиелар сажда қилган Яхве амрини бажариб, кўп шафқатсиз ишларни қилади. Толут мағлуб халқларга шафқат қилгани учун пайғамбар Шамвил ундан Яхве юз ўғирди, деб эълон қилади ва яширин равишда чўпон Довудни подшоҳликка сайлайди. Тавротда Довуд Уғли Сулаймон даврида Исроил давлати гуллаб-яшнаганлиги, унинг худо йўлига шаҳарларни обод қилиб, янги-янги ибодатхоналар қурганлиги тасвирланади.

Қадимий маданият билимдони, поляк адиби ва олими Зенон Косидовский аниқлашича, Сулаймон 20 ёшида салтанат тахтига ўтарган. Аслида шоҳ Довуднинг катта ўғли Адоний подшоҳликка даъвогар эди. Аммо, Довуд алайҳиссалом салтанат тахтини ўзи ва Сабиханинг ўғли Сулаймонга мерос қилиб қолдирди. Доғда қолган катта ўғил Адоний руҳоний Йов маслаҳати билан малика Сабиха қошига келиб, ундан мадад сўрайди ва «Сулаймонга айтинг отамнинг беваси Санамли Авсияни менга хотинликка берсин» деб илтимос қилади. Малика бу гапни ўғли Сулаймонга айтади. Ёш подшоҳ Сулаймон бу талабдан жадли чиқиб, лашкарбоши Ванеяни чақириб, унга беодоб ўғай акаси Адонийни ва руҳоний Йовани тутиб, ўлдиришни буюради. Ваня тахт даъвогарини уйда, Йовани ибодатхонада тутиб, қиличдан ўтказди.

Шундан сўнг ҳазрати Сулаймон тоат-ибодат билан шуғулланиб, худодан меҳр-шафқатли, донишманд подшоҳ бўлишни тилайди ва Қуръони каримда айтилганидек, унинг бу тилаклари Ҳақ-таоло даргоҳида ижобатга ўтади.

Ҳазрати Сулаймон «дунёга» якка подшоҳ бўлишидан аввал ақл-фаросат, нозик дипломатик сийёсат юритиб, ўша замондаги энг кучли давлат Миср фиръавни билан яхши муносабатлар ўрнатади ва фиръавннинг қизига уйланади. (Эсингизда бўлса, Мухаммад алайҳиссалом ҳам турли халқлар ўртасида ақиллик, иттифоқлик ўрнатиш учун Исроил амирининг қизи Марияга уйланган эди). Сулаймон алайҳиссалом шу билан мамлакатининг жанубий чегаралари хавфсизлигини таъминлайди.

Ҳазрати Сулаймон давлат арбоби сифатида ҳам оқилона иш юритиб вазиру вузароларни, лашкарбошиларни, навкарлар ва ҳокимларни, солиқ йиғувчиларни, ақлли, ишончли, эл-юртга меҳр-шафқатли одамлардан тайинлайди. Унинг бош вазири Осафнинг адолатли, инсофли иш тутиши асрлар давомида, Низомий, Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида куйланиб, улуғланиб келади.

Поляк олими Зенон Косидовский аниқлашича, Сулаймон пайғамбар давлатни содиқ ноиблари бошқарадиган 12 та вилоятга бўлган ва ҳар бир вилоятни хорижий давлатларга чегарадош қилиб, чегараларни кучли қўшинлар билан мустаҳкамлаган. 12 ойнинг ҳар бирида маълум вилоят саройни ва қўшинларни зарур моллар ва озиқ-овқатлар билан галма-гал таъминлаб туришган.

Сулаймон алайҳиссалом ҳарбий ишда ўзгаришлар ясади, қўшин тартибига янгиликлар киритди. Отаси Довуд алайҳиссалом асосан пиёда қўшинларга, камончилар ва қиличбозларга ишонар, ўзи эшак (ёки ҳачир) миниб юрган. Сулаймон пайғамбар эса, манбалар гувоҳлик беришича, отлиқ қўшинларга катта эътибор берган. Суворий жангчилардан ташқари жанг араваларни кўпайтирган. Ҳар бир вилоятда отларни (алмаштириш мумкин бўлган отхонали работлар, ёшлар қурдирган. Бу отхоналарга ҳам 12 та вилоят халқи галма-галдан ем-ҳашак ётқониб туришган (Зенон Косидовский. Библиейские сказания. сах. 308.)

Ҳазрати Сулаймон подшоҳлигининг тўртинчи йилида отаси Довуд пайғамбар васиятига кўра Қуддуси шарифда улуғвор эҳром — ибодатхона қасрини бунёд этган («Масжид ал-ақсо» эҳтимол шу қасрдан бошлангандир). Сулаймон пайғамбар қўшни Тир давлатининг подшоши Киром билан шартнома тузиб, чинор ва сарв оғочларини денгиз орқали кемаларда олиб келтира бошлаган. Канъонлик, финикиялик қуллардан 30 минг ҳунарманд Лубнон-Ливан ўрмонларида оғоч кесиб, уни кемаларга ортиш билан шуғулланган. Тир подшоши Киром шартномага кўра Исроилга масжид қасрини қуриш учун энг яхши дурадгор усталарни, олтин, қумуш ва биринж (бронза) қуядиган ва заргар усталарни юбориб турган. Бунинг эвазига Сулаймон подшоҳ Тир давлати фуқаролари учун ҳар йили 20 минг қоп бугдой, 20 минг кўза зигир мойи, 20 минг кўза шароб жўнаттирган (шароб ичиб, маст бўлиш кейинчалик, ислом пайғамбари Мухаммад алайҳиссалом даврида ҳаром деб эълон қилинди). Манбаларга кўра Қуддуси шарифдаги эҳром қурилишида 150 минг бинокор ишлаган. Шулардан 80 минг киши Иордания ортидаги тоғларда тош йўниш билан, 70 минг киши йўнилган тошларни қурилиш майдонига ташиб келтириш билан банд эди. 3300 та исроиллик уларнинг иши устида назорат қилиб турган.

Масжид ҳовлисида қурбонликка мол-қўйлар сўйиладиган катта мис қозон 12 та мис хўкиз устига ўрнатилган эди. Бу хўкизларнинг учтаси шарққа, учтаси шимолга ва учтаси — жанубга қараб турарди.

Аслида масжид қасри унчалик катта эмас эди. Ташқи деворларининг узунлиги 31 метр, энига 10,5 метр келарди. Эҳром ичи 3 қисмга: имом ўтирадиган ҳужра, катта умумий зал ва раваза — энг муқаддас жойга бўлинган эди. Энг муқаддас, ктба равазасига ўхшаш жойда ғира-шира қоронғуликда муқаддас китоб — Қадимий Аҳднинг асл нусхаси сақланарди. Бу ерга фақат имом — бош ноизир кира оларди.

## Роҳила НУСРАТ қизи

Ҳеч ким тушунмайди бу ерда мени  
Кимлардир қийноқлаб, йиғлатар сени,  
Музлик-ку қоплаган улар кўксини  
Кўйгин, Самарқандга кетамиз, Кўнглим.

Кўл силтаб барига, сўнг юртлар оша  
Бизнинг йўлимизга маҳтал, ҳув ўша.  
Эшиклари доим очик бир ғўша —  
Она Самарқандга кетамиз, Кўнглим.

Бизни доим соғинувчи юрт, қишлоқ,  
Меҳр, шафқат улғаяувчи ҳур тупроқ  
Эсласам, танимда ширин бир титроқ...  
Ўша Самарқандга кетамиз, Кўнглим.

Юксалиб учганга пастламоқ мушкул  
Жуда баланддасан, ёнимга тушгил,  
Дардлашамиз, дардни тугунинг ечгил,  
Кейин Самарқандга кетамиз, Кўнглим.

## ТҮЙИНГИЗДА ЎҚИЛМАГАН ШЕЪР

Дунёга сиғмайман шодликдан, бахтдан  
Тангрим нега жимсан, дунё нега жим?  
Андухлар-ку қулаб кетмоқда тахтдан  
Бугун бахт юдузин кашф қил, мунажжим.

Тангрим, ўтинаман бугун у борар  
Йўллар никоҳига қуёшни бергин.

Хаммадан яшириниб зор йиғлаётган  
Қизнинг юрагига бардошни бергин.

Бахтлар ваъда қилиб келин-куёвга  
Юксакларга парвоз қиларкан ёр-ёр,  
Муҳаббат қўйилган бугун гаровга  
Уланлар айтилар у ҳақда такрор.

Келинчак нозланар унинг ёнида,  
Шунчалар ҳам бахтли бўларми одам?!  
Бахтдан маст ёшларнинг қутлук оинда  
Мен сенга суюнчи бераман, олам!  
Мана, суюнчига ҳамма нарса тахт!  
Қутланг Шоҳсуврини, Паривашни Сиз.  
Шундай қутлуғ кунга етмоқ ўзи — бахт...  
Бахт ичра бахтдан маст бахтли битта қиз.



# Қумдаги лола



Эрта баҳорда даштлик ёхуд қир-адирлар бағрида чўғдек товланиб, эпки чўмилиб, қисқагина умрида ҳам ўзи униб чиққан тупроққа кўрк-фазилат берган лолалар қошига кимлар чо-пиб бормаган?!

Дарвоқе, қумда ҳам лола битадими? Битади, яшайди, ишлайди. Бу чўлни, қумликларни боғу бўстонга, пахтазорга айлантираётганлар сафида яъни чўл меҳнати устида униб чиққан Лоладир. Нозиккина жуссаси, ёшгина умри, дилидаги беғубор орзулари, иймон-этиқоди, соддагина дунёқараши, йигитларниқидан қолшмайдиган чайир қўллари, ҳар қандай кўнгилни руҳлантирадиган сўзлари, армону қувончларини ифодалаб турадиган кўзлари билан муҳаббат қозонган, ҳам ҳайратлантирувчи, ҳам дардлантирувчи аёл — Лоладир!

Лола ҳақида ёзиш барибир оғир. Чунки меҳнатга ўзини ташлаб қўйган Лола, яъни кўчага эркак бўлиб чиқиб, уйга аёл бўлиб кирадиган бу мўъжизанинг кўнгилни ноўрин гап билан оғритиб қўймасмиканман, деган ўй ҳам йўқ эмас. Зеро, Лола ҳақида шунчаки ёзиб бўлмайди. Ҳаётда, ишда тутган ўрни, кўнгилни ўйлаб ёзиш, гапириш керак. Бу эса ниҳоятда мушкул вазифа. Яхшиси, Лола ҳақида борики ёзган маъқул.

Оқоридаги сўзларини Лоланинг чўл қуёши остида тўккан бир қат пешона терига арзиса кошки эди. Ваҳоланки, у 35 ёшининг 20 йилини пахтага қўшиб тортиб юборди. Келажакги ҳам шундай кечиси муқаррар. У ҳаммасига кўникиб бўлган. Ушалмаган орзулари аламини ҳам шу ишдан олади, армонларига малҳамни ҳам ишдан топади.

— Дада, Сиз каби трактирчи бўламан,— деган эди Лола 15 ёшларида, жамалаксоч пайтларида. Дадаси, Полосон қишлоғининг биринчи трактирчиларидан бўлган Неъмат ака қизчасига боқиб ҳайратланганди.

— Қўйсанг-чи, трактир миниш эркакларнинг иши-ку?!.

— Йўқ, бўламан!— деганди Лола қатъий.

Ушанда Лоланинг ниятига фаришталар омин, деган эканми, нияти умрига йўлдош бўлди. Дадаси ўзи бошқарган ва хотира учун уйлариغا олиб келиб қўйган тишли «Универсал» трактири ўриндиғига ҳеч бўлмаган-

да кунига бир марта чиқарди. Қизиқиш туфайли 8-синфни тугаллабоқ билим юртининг механизаторлик бўлимида ўқиди. Ишлади. Тошкентда ма-лака ошириб келди. Яна ишга киришди. Дастлаб трактирчи, сўнг биргадирлик қилди. Бир неча йилдирки, «Нуробод» жамоа хўжалигининг «Янгиер» бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. Қишин-ёзин иш билан овора. Оёғида гоҳ кирза, гоҳ хироми этик. Оёқлари баланд пошна туфлиларни унутиб юборган. Эгнида... доимо эркаклар қўйлаги, қишдан баҳоргача пахтали «пўпайка». Байрамларда ҳам шу. Ҳеч ким ҳалигача унинг атлас кўйлак кийганини, қошига ўсма тортганини, тирноқларини қизил рангга бўяганини кўрмаган. Тўғриси, бунга унинг вақти ҳам йўқ. Қўли ҳам, оғзи ҳам иш билан. Кеча-кундуз унга бирибир. Аёллигини баъзида унутиб қўяди. Бир қарасангиз «Жигули» сини ғизиллатиб хўжалик идорасига, керак бўлса туман, вилоят раҳбарлари ҳузурига муаммо кўтариб боради. Ҳал қилмагунча қўймайди. Бир қарасангиз, трактир миниб ғўза қатор орасида юрган ёки сув тутаетган бўлади. Тасаввур қилинг, қишда, совуқда чала муз ерни ҳайдаётган трактирчи билан тунги 1-2 гача теппа-тенг ишлаш, тонг отар-отмас 2-3 соатгина уйга ҳордиқ чиқаргани келган трактирчинини яна ишга чақириб бориш осонми? Бунинг учун асаблар темирдан бўлиши керак. Лоланинг асаблари темирдан бўлса керак. Бу ҳақда ўйламайди ҳам. Ишни ўйлайди, пахтани ўйлайди. Далада нега эркаклар, айниқса йигитлар камлигини ўйлайди. Бекорчиўжа, бозорма-бозор юрувчи йигитларни кўрганида дала офтобида куйиб, қотиб кетган қиз-жувонларни эзилиб ўйлайди. Шундай узун-ки бу ўйлари, ҳар тун, шундоқ ҳам кам уйқусининг ярмини ютиб кетади...

Суюнса ҳам, куёнса ҳам далада бўлади. Баъзида иш зарурлик қилиб уйли-жойли бўлиб кетган 5 нафар опасинглиси, 2 нафар акасиникида бўладиган маросимларда ҳам қатнашолмай қолади. Лекин маҳалла ишига қирқ жойидан белбоғ тугиб чиқади, баш бўлади. Онаси Наима опа билан дастурхон устида сўхбатлашади, холос. Жиянларини кўрдими, қандай кун бўлишидан қатъий назар, байрамлик беришни яхши кўради. Шу боисданми, жиянлари Лолани кўришганида терларига сиғмай қувонишади.

«Шундай қиз турмуш қурмай, иш деб ўтиб кетяпти-я!»— дейишади орқаворотдан. Тўғри, у турмуш қурмади. Унинг кўнгилни тафтиш қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ. Балки ўзига муносиб йигит йўқдир. Лекин далаларга, меҳнатга, пахтага турмушини берди. Бахт ҳамиша инсондан олдинда юради. Худо хоҳласа, ўша кунлар ҳам бўй кўрсатиб қолар. Яна эҳтиросга берилган бўлсак, Лоладан узр сўраймиз.

Чўл меҳнати каби Лоланинг табиати ҳам оғир. Ўзини ўйламаслиги, аямаслиги шундан бўлса керак. Яқинда бўлган воқеани эшитинг. Полосон қишлоқ йиғини раиси Турғуной Отақулова Лола Муротованинг туғилган кунини билар экан, қутлагани далага борибди. «Қанақа туғилган кун?» — дебди Лола жиддий. «Туғилган кун режа бажарилса бўлади!...»

Бўлим режаси олдинги йиллардагидек бу йил ҳам бажарилди. 401 гектар ердан режадаги 960 тонна ўрнига 1000 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Зафар байрами бўлди, лекин Лола туғилган кунини нишонламади. Шу пайтгача ҳам бирор марта нишонламаган, йилларини иш билан бўлиб индамай кузатиб қўяверди...

Мақтаниш, қилган ишини миннат қилишдан қўрқади. Қадри шундан баланддир. Ёқасига тақса ярашадиган орден-медаллари бор. Катта Фарғона каналидан сув олиб, бу ёғи Қизилтепа чўлларигача, бу ёғи Фарғона тумани ерларигача етиб борадиган насос станцияси Лола номи билан аталган. «Лола» номли бу йирик сув иншоотининг бунёд этилишида Лоланинг хизмати катта бўлган.

...Қиш совуғи далаларни ялайди. Ғўзалар совуқдан қорайган. Қолиб кетган сўнгги кўсаклар намга бўккан. Эркаклардай оғир кийинган аёл кенг дала адоғи томон нигоҳ тикканча турибди. Бу қишин-ёзин қумлик, дала бағрида меҳнат терига кўмилиб, яшнаб, ловуллаб турган Лоладир! Ўз бахтига беғирром, ҳалол интилатган Лола!

Қумдаги Лола... уни барибир таърифлаб бўлмайди, таърифга сиғмайди у...

Мухлис ЖУРАБЕК  
Олтиариқ тумани



# Титраётган сулҳаста



Муҳтарама ТУРКОЙ

Қасос яшар ичимда мангу,  
Узала чўзилиб ётар шум армон.  
«Даданг бўлгандами...» онам беуйку —  
Уйлаб оттиради тонгни отажон.

Қўш келин олмоқлик тараддусида,  
Кўрпа қавиб, ёстик тикар узун кун.  
«Даданг бўлгандами...» ўкинч сўзида,  
Юрагимни ўртар оғриқ бетаскин.

Қалдирғоч ин курса, уй пештоқиға,  
Гулласа Сиз эккан олма-ю, ўрик.  
«Даданг бўлгандами...» онам сочиға  
Оқлар қўшар ҳижрон-нотанти шерик.  
Неваралар келиб ҳовли тўлганда,  
Фарзандлар тўпланиб кутлаша уни.  
«Даданг бўлгандами...» даданг бўлгандами...»

Чарх урар бетиним афсус эпкинни.  
Тахтиравониға кўтарилар ой...  
Туннинг чочвониға қадалар оқ дур.  
Тўлмас юракдаги ўша кемтик жой,  
Мени имлайверар олисда бир нур.

Дил-йиқиқ иморат, қалб-қуюк кўрғон,  
Унда оху кетиб, оҳлар ўйнайди.  
Кўнгил кунгайида қайнатар қумғон,  
Севинч-ийғлаётган бағри хун дайди:  
«Даданг бўлгандами... даданг бўлгандами»

Чил-чил синмоғимни кутади ағёр,  
Ғурбат ғалвиридан ёғилади қум...  
Ҳаёт-золим ҳақон, ғамдан тикар дор,  
Хақпарастга тутар заҳару-заққум.

Мени омон сақлар ишқу-сеҳрингиз,  
Шукур, суянмоққа бор орқа тоғим.  
Бағриға маҳкамроқ босар меҳрингиз,  
Ҳазонга юз тутмас ложувард боғим.

Дардзада дилимни тинглагил дилдош,  
Майсазорға туташ умрим сўқмоғи.  
Туннинг тушларига киради қуёш,  
Бошим ёролмайдн зулмат тўқмоғи.

Юрак-вужудимнинг сағир боласин  
Оқ шўълага чайиб кўйди муҳаббат.  
Қирқ жонимнинг юлиб, қирқ минг толасин,  
Йўлингизга ёйиб кўйди муҳаббат.  
Ўғирлади ойнинг олтин ўроғин,  
Сездирмай ҳеч кимга ошифта кўнгил.  
Жавоби Мен бахтининг ойдин сўроғин,  
Ҳаргиз ўчоғимни босолмайди кул.

Сарсонлик даштида адашган хаёл,  
Этагини заррин нурлар ўпади.  
Дардли дунёларға чўмган бир Аёл  
Ҳар куни Сизни Сиздан излаб топади.  
Чил-чил синмоғини кутади ағёр...

Қорайиб кўринган адирлар —  
Узоқ-узоқлардан боққан қабрлар  
Болаликда чопқиллаб югурганимиз,  
Бизни унутдимн адирлар...  
Айтгин Азамат.

Кўзларингга уйқу инмайди баъзан,  
Баъзан тушларингни эзар хўрсиниқ.  
Майсаларни ўпган ўкинчим синиқ —  
Онамнинг кўзига қандай қарайман,  
Акамни, укамни бой бериб қўйиб  
Азамат, эҳ сен Азамат.

Қайси оловларда сени йиқитди  
Қай бир совуқ хато тегди кўксингга  
Бир қишлоқдан чиққан,  
Бир кунда чиққан  
Ҳеч сўз дейолмадинг ҳамюрт дўстингга  
Азамат.

Инграйсан оғриқдан зўриқиб  
Инграйсан —

сув-в-в

Наҳотки бу ёруғ дунёни,  
Сувсиз тарқ этасан, акажон.  
Хамшира йиғлайди ночор,  
Чумолиға, чивинга чоралар толиб  
Чорасиз қолдикми, юртдошим,  
Дўстинг қайтар экан қишлоққа  
Гиёҳлар кўзига қарай олмас тик.  
Фақат эзилади, фақат зил кетар  
Азаматнинг оғзига томизолмадим  
бир томчигина сув.  
Сувдонларни қийнаган алам,  
Сувдонларға сиғмаган ҳасрат —  
Азамат, Азамат, Азамат!!!  
Қорайиб кўринган адирлар  
Узоқ-узоқлардан боққан қабрлар,  
Энди сиғинмайман сизларға.  
Энди югурмайман қулочим ёзиб  
Азамат, Азамат...



Саодат НАИМ қизи

Тун кулади.  
Ингранади оғироёқ ишқ,  
Кўз очди шубҳа... на гувоҳ,  
Нигоҳида яшириб ёшни,  
Сассизгина таралар сеғоҳ  
Тун кулади.

Ҳазонлар пойида жон берар умид,  
Ойнинг юрагига кўмади шамол.  
Иртик кўйлагини ямолмай хуноб  
Бир қатра меҳр деб тиланган хаёл,  
Тун кулади.

Қадамларни қучоқлаб кетади юрак,  
Сароб соясиға исинади из.  
Сўнги япроқ каби дилдираб,  
Ўксиб-ўксиб йиғлайди бир қиз,  
Тун кулади,  
Безабон киприкларига  
Ўзини осади чидай олмай кўз.  
Тун кулади  
Қароғидан тўкилиб юлдуз...



Ирода САИДОВА

## ТУНГИ КЕЧИНМАЛАР

Хўмрайган булутлар — ниқобларини  
Ииртиб чиқолмайин қолди юлдузлар.  
Шамоллар тутқазмас сира барини,  
Зулматнинг бағридан ҳаловат излар.

Аста йиғлай бошлар бу зимистон тун,  
Изғиринли бўлиш келмоқда малол.  
Кўнглимнинг кимсасиз боғида қуюн,  
Атиргуллар синар ишончли мисол.

Юрагим интиқмас юксаклик сари,  
Соғинчининг сочлари оқарган бутун.  
Буғланиб кетгувчи шабнам сингари  
Орзу-умидларим йўқолди бу тун.

## ХОЛАТ

Мен — хароб, тиланчи гадоман,  
Муҳаббат қасридан қувилган.  
Садоқат қичқирган садоман,  
Баданим кўз ёшга ювилган.

Атрофим қақраган бий дала,  
Қоқилдим хиёнат тошиға.  
Бўғзимдан отилди бир нола:  
«Зормисан гадонинг ёшиға?!»

Теграмда чарх урар хиёнат,  
Кулгиси оламини тутати,  
Танимда жоним ҳам омонат,  
Мени бир кун ташлаб кетади.

## СЕВГИМ

Бир қиз кетиб борар ёмғирда,  
Боши яланг, кийими юпун.  
Маънос кетиб борар, осуда,  
Кўзида ёш, бемадор, беун.

Қизни ғамгин кўрганим ҳамон,  
Келди уни йўлдан қайтаргим,  
Таскин бергим келди, онажон,  
Бу бемадор қиз-менинг севгим.



# ЮЗ ҚИЗИ БОР РАҚҚОСА

Тонг эди. Осмон мусаффо. Борлиқ тип-тиник, салқин. Рўпарадаги тоғ киприкка теккудай яқинлашиб қолган. Акса урсанг осмон дир-дир титрайди, сукунатнинг қўйнидан нимадир тўкилиб, чил-чил синади. Бундай ажаб тоғур соқинлик ҳар кимни безовта этади, ҳайрат уммониға ғарқ қилади. Нега дейди, одам, нега шу пайтга доғур эътибор бермадим, тонгнинг бунақанги ажиб манзаралари борлигини энди билаяпман. Ҳеч қачон бунчалик ҳайратланмаганиға ҳайрон у.

Соқин осмон. Осмон яп-яқин. Адирларнинг қўйлақлари, кўк майсалар абр найсонидан сўнг жикқа ҳўл. Шамол турса биллур шабнамлар тўкилади. Бир шамол бўлса тонг, осмон адрлар ораллиғидаги, бутун коинотни боғлаган тирикликнинг кўз илғамас ҳарир пардалари титилиб кетади. Дунё тир-тўзғиш арафасида сесканиб туради.

Мен рақс тушаётган, қўллари бир маромда парвоз қилаётган ўйинчини кўрсам юқоридаги воқеалар жонланади кўз ўнгимда. Майса... шабнам... ҳозир шамол бўлади, шабнамлар тўкилиб бўлади. Рақс... мусиқа... раққоса сув бўлиб оқади... кўнгилнинг мувозанатини бузиб у дир-дир титрайди. Наздинда абрларнинг эрка қизи камалак сайрга чиққандек бўлади.

Яхши раққосада камалак жилосиға хос сирли жозиба бор. Ундан одам боласининг камалакка айланишини кўрасан. Агар одам боласи, истёвдодли раққоса рақс санъатини англаб, фаросат билан ўзини бахшида этса, ўўў, бу ёғини фақат ҳайрат деб тушунмоқ керак.

Малика Аҳмедова менинг ҳайратимни кўзғатгани кўзғатган. Ишонгиларим келмайди. Баъзида мусиқанинг сирларини ахтариб ҳаволанган бармоқлар юракнинг тилида нима-лардир куйлайдилар. Юрак эса тебраниб, оғриб-оғриб қўяди. Наҳотки, кўз ўнгинидаги шунчалик нафис бир туйғулар дарёсини намобён этаётган одам боласи бўлса? Беихтиёр бул дарёнинг тўлқинлари тортиб кетади сени.

Бу ерда ҳаммасини изоҳлаш учун битта сўз керак. Санъат. Малика Аҳмедова ва санъат. Бу аёлни худо ҳусндан қисмаган. Шаққолик (шоирлик) бўлса-да айтай. У куйнинг қизи, камалак нимадир, кўзлари, бутун борлиғи билан гўзаллик. Гўзал... гўзал... гўзал... Санъат билан эгизак. У-рақс. Рақс-у. Рақсни қойиллатди десак, ўзи-ям санъат-да... демасак биздан кетади. Биздан кетмаслиги учун уни гў-

зал. Фақат рақс учун, жозиба учун яратилган дейишимиз зарур.

Мен Малика опа билан одатий савол-жавобға киришдим. Камтар, сипо... Уйлаб, ишонч билан гапиради. Фикри қатъий. Вазиятға европанинг мағрур, зиёли аёлларига хос ёндашади. Тағин куйинчаклиги ҳам бор. Ҳеч нарсаға бефарқ қарамайди. Гапингизнинг тағидаги илғакни илғаб қолади. Хуллас, бир зиёли аёлға мәнсуб хислат унга бегона эмас.

— Кимингиздир санъаткор ўтганми!

— Йўқ, бизларнинг уруғда артист бўлмаган.

— Демак, ўзингиз... Айтинг-чи, дастлаб қаерда таҳсил олгансиз!

— Анъанавий савол. Мен жавоб бергим келмаяпти.

— Майли... Умуман, кераги ҳам йўқ... Барибир раққосаларға бизда ажибсиниб қарашади.

— Тўғри. Врач бўлмоқчийдим. Тош-МИДа ўқисам дердим. Болалигимдан ўғил бола бўлишни хоҳлардим. Шунда яхши артист бўлсам керак, деб ўйлардим.

— Саҳнада эса руҳий бир қудрат бор. Министир ҳам, врач ҳам, учувчи ҳам курсиға михланиб, тош қотиб ўтиради, агар чинакам кучли артист томоша кўрсатса.

— Гапингизға қўшиламан. Лекин бу фақат саҳнадагина. Сизлар эса мана китоб ёзасизлар, шеърлар, шунга ўхшаш нарсалар... Одамлар йиллар давомида қайта-қайта ўқийдилар. Ёшингиз бир жойға бориб қолганда ҳам гўзаллик яратасизлар. Биз эса...

— Нима Сиз!

— Бизда бошқача. Кучға тўлган, вужудингдан эҳтирос ёғилган, гўзал даврингда ҳамма олқишлайди. Ана шу даврда ишлаб қолишинг керак. Кейин эса... бизға саҳнани тарк этишға тўғри келиб қолади. Раққосаликнинг бешафқатлиги бу. Биз, менимча, кексайганда саҳнаға, мухлис-ларға керак бўлмай қоламиз. Сизға бошқачароқ тушунтирсам юлдузлар ланғиллаб, оташға тўлиб порлаган пайти кетиши керак. Юлдуз учун, бир вақтлар порлаган юлдуз учун сўниш ўлимдан ёмон.

— Сизлар яратаётган рақслар...ни ҳозир тасмаларға ёзиб олишади-ку.

— Кейин ёшингиз бир жойға боргач томоша қилиб ўтирасиз демоқчисизда?

— Ҳар холда ишларинг қолади. Беҳуда меҳнат қилмаганлигинг кўри-ниб туради.

— Бу бошқа гап. Тирик одам ҳа-

миша табиий бир ҳолда ҳаракатла-нишни истади. Раққоса учун ҳам-иша мухлислари олқишласа, севса...

— Сиз ҳақингизда телефилмлар яратилганми!

— Йўқ. Менинг телефилмим йўқ. Лекин ҳасадим келиб айтаётганим йўқ. Ўзимни филм қилишлари учун ялинмадим, йўлини тополмадим ким-ларгадир ўхшаб. Нима кераги бор. Аммо ҳар кимнинг ижодини теле-филм лентасиға тушираверишларига қаршиман.

— Бугунги ўсиш, тараққиёт... ил-дамликни талаб қилади. Рақс санъа-тида ҳам. Чунки истайсизми ёки йўқ, дунё санъатининг парвози беқиёс. Ҳар бир халқнинг юлдузлари дунё санъатида ўрин олишға интилиб кел-лаверади. Юксаликдан юксакда ҳам юксалик бор.

— Бугун ўзбек санъатида ҳам ўз-гариш мавжуд. Қолипларни бузишға ҳаракат қилинаяпти. Дунё санъати-нинг порлоқ юлдузлари Майкл Жек-сон, Гугуш каби талантлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Дунё талабига яраша санъаткор бўлиш учун ҳар қай-си халқнинг имкони беқиёс санъат-корлари дунёвий қарашларни ўзлаш-тириши лозим. Йўқса, бизнинг санъа-тимизға шу миллатнинг удуми, харак-терини билиш керак, деган тушунча эвазигагина қарашади. Бу ёмон.

— Сиз Европа санъати даражаси-да... яъни, илғор санъатни ўзлашти-риш керак деб ўйлайсизми!..

— Шундай даражада бўлиш керак деб ўйлайман. Одамлар тушунади. Санъат чегарасиз. Фақат миллий ха-рактернинг ўсишини белгиловчи санъат керак. Қаранг, мен агар ҳинд-ча, арабча, туркча рақсларни ижро этганимда томошабинлар қалқиб ту-ришини ҳис қиламан. Ҳатто чолла-римиз ҳам санъатнинг қолипи йўқли-гини англашмоқда. Худоға шукур одамларимизда ички ўсиш пайдо бў-ляпти.

— Санъаткор бўлиб туғилиш бор. Сиз шу гапға қандай қарайсиз!

— Табиий тушунман. Овозаси оламни тутган санъаткорларни олинг. Уларни артист бўлиб туғилмаган-нига ишонмайман. Улар санъатсиз яшайолмаганлари каби, санъат ҳам уларсиз кемтик бўлиб қолаверади. Ўзбек рақс санъатининг фидойиси, раҳматли Мукаррам опа ҳам худди шундай инсон эди. У киши табиий раққоса. Ички юксалик бор эди у инсонда.

— Санъатнинг бошқа турларига муносабатингиз!..

— Биз ўзбекча рақсни чет эл му-



сиқасига мослаштириб ўйнолмай-  
миз. Қўшиқчиликда ҳам шундай бў-  
лиши керак. Умуман ҳамма ишда.

— Ҳар даврнинг ёшлари тўлиб,  
тўлғониб келадилар. Санъатимиз-  
нинг бугунги авлодидан кўнглингиз  
тўладими!

— Нима дей?..

— Фикрингизни айтинг.

— Очиғи унчаликмас. Бироқ из-  
ланаётган ёшлар талайгина. Билсан-  
гиз керак, янгилик яратиш, отилиб  
чиқишнинг ўзи бўлмайди.

— Халқимизга таниш рақс даста-  
лари кўп. Раққосалар ҳам. Умуман,  
ўзбек санъатининг юксалиши нима-  
га боғлиқ!

— Янгиликка.

— Раққоса нимани ҳурмат қилиши  
керак!

— Саҳнани.

— Раққоса учун энг бахтли кун  
қачон!

— Агар у саҳнани энг тоза деб  
англаса, агар у саҳнага руҳан енгил  
ва пок бўлиб чиқса.

— Раққосанинг руҳан енгил бўлиши  
нимага боғлиқ!

— Ўзига.

— Сиз ўзингизга боғлиқ нарсани  
қилоласизми!

— Ҳа. Кимлардир раққосалар ун-  
дай-бундай дейишади. Бўлса бор-  
дир. Бироқ мен ҳали... саҳнани виж-  
донимдан соф биламан... Тепамда  
ота-онамнинг арвоғи турибди. Саҳна-  
га чиқиш учун мен ўзимни маънан  
ҳақлигимни тушунаман.

— Аниқроқ гаплашсак.

— Ҳўш... Ҳозирги ёш раққосалар-  
нинг айримларида ахлоқий бутунлик  
йўқ. Бошқаларнинг раққосаларга нис-  
батан салбий қарашларига сабаб бў-  
лади бу.

— Масалан...

— Раққоса тўйга боради. Номаъ-  
кул ишлар. Пул учун. Сўнгра ҳеч икки-  
ланмай саҳнага чиқади. Ахир саҳна  
тоза жой-ку. Сиз болангизни санъат  
сеҳридан баҳраманд этиш учун кон-  
сертга олиб келдингиз. Тасаввур қи-  
линг: Саҳнада эса тўйма-тўй юриб,  
ўз манфаати учун ҳар қандай ишни  
қилишдан тап тортмайдиган кимса  
рақс тушаяпти. Буни нима деб тушу-  
ниш мумкин. Ҳозир айрим раққоса-  
лар, ёшроқлари орасида енгилтакроқ-  
лари ҳам бор. Томошабин раққосага  
тўйу ҳашамларда ҳирсини қондириш  
учун термулмаслиги керак. Рақс ахир  
санъат, гўзаллик. Рақс кишининг кўн-  
глини завқлантиради, улғайтади. Бу ул-  
ғайиш замирида эса инсоний мукам-  
маллик бор.

— Гўзаллик нима!

— Сир. Завқ Эрмитажда кўрган  
бўлишингиз керак. Бир гўзал хайкал-  
лар бор. Ялонғоч санамларнинг ҳай-  
каллари. Уларга қараб хаёлингизга  
ёмон ўй келмайди. Аксинча аллақан-  
дай жозибадан кўнглингиз тўлқин-  
ланади. Раққоса ҳам гўзаллик, санъат

элчиси. У бошқаларнинг ҳирсини  
қондирмоғи учун саҳнага чиқмаслиги  
керак. Бундай бўлса, бизни санъат  
кечирмайди.

— Сиз қандай кишиларни ҳурмат  
қиласиз!

— Ўзини ҳурмат қиладиганларни,  
ҳар томонлама ўзига қараб юради-  
ганларни. Дунёқараши кенг, ўз қо-  
биғига ўрналиб қолмаган одамларни.

— Еш қизалоқларни йиғиб «Гўзал-  
лик мактаб»ини очибсиз. Шу ҳақда  
гаплашайлик.

— Санъат ҳаётим. Яшашни, санъ-  
атсиз эглай олмасам керак. Қизалоқ-  
ларни йиғиб мактаб очишимдан мақ-  
сад шу соҳанинг фидойилари кўпай-  
син дедим. Мен раққосада санъатга,  
ҳаётга нисбатан етук муносабатлар  
уйғонишини истайман. Уларнинг ах-  
лоқий муносабатлари тавора шакл-  
ланишини хоҳлайман. Бу санъатимиз-  
нинг равнақини белгилайди.

— Мактабга синов билан қабул қи-  
ласизми!

— Ҳа, илгари тўғри келганни ола-  
верардим. Ҳозир синовнинг учинчи  
босқичидан ўтган ўқувчини қабул  
қилаямиз.

— Уларнинг барчасининг машҳур  
раққоса бўлиб кетишига ишонасиз-  
ми!

— Билмадим... учтаси бўлса озми...  
Борингки иккитаси... Наридан борса бит-  
таси машҳур бўлса озми? Санъат  
дунёсида қолишнинг ўзи бўлмайди-  
да.

— Ҳозир мактабингизда нечта  
қиз бор!

— Юздан ошиқ.

— Нималарни ўргатаясиз!

— Рақс билан биргалликда... уй  
бекаси... аёл бўлишни. Оилада аёл-  
нинг ўрни қандай бўлиши керакли-  
гини. Чунки улар ҳозир ҳамма нарсга  
амак қилишади. Ўргатилса бас.  
Тирноғидан тортиб сочигача қарай  
олишни, ўзини турмуш ўртоғи... бош-  
қалар олдида қандай тутиш зарурли-  
гини ўргатамиз. Хуллас, бари-бари  
ўргатилади. Ҳатто сўмқачасига латта  
олиб юриш, кўча-куйда пойабзали-  
ни қандай қилиб тозалаш, бирор  
жойда ўзини қандай тутиши... ҳам  
ўқитилади. Аёллик ҳар бир икир-  
чикирларга эътибор беришдан бош-  
ланади. Аёллик-гўзаллик.

— Уқитиш қайси фанлар асосида  
бўлади!

— Хореография, одобнома, эсте-  
тика, ўзбек тили, чет тили... кейин ҳаёт  
дарси. Домлар жуда яхши. Уқи-  
мишлй. Ҳаракатдаги кишилар.

— Сўнги гап: Менинг саволларим  
сиз ҳам нимадир дегингиз келаяп-  
тими!

— Ҳа.

— Айтинг унда.

— Рақсни ҳар қандай раққоса иж-  
ро этиши мумкин. Лекин бу — саҳ-  
нага ҳамма чиқавериши мумкин де-  
гани эмас. Чунки санъатнинг бу тури  
нозик. Саҳна эса энг... энг тоза жой.

Қўчқор НОРҚОБИЛ суҳбатлашди

Гулчехра ШАҲОББИДДИН қизи

## СОҒИНЧ

Соғиндим тип-тиниқ дунёни  
Баҳорни, мусаффо накорни  
Интиқман яшиллик ҳуснига,  
Соғиндим ул гулубеорни.

Баҳорнинг суюмли малаги,  
Қиқирлаб кулади бойчечак.  
Ўзга бир тароват маст айлар,  
Тоғларда лаб очар гул-чечак.

Уялиб титраган новдани,  
Оқ, яшил тилаклар ўрайди.  
Боғларда қулф ураб атиргул,  
Бўлбуллар муҳаббат сўрайди.

Уфқнинг яноғи қип-қизил,  
Дерёлар оқади мавжланиб,  
Муҳаббат уйғонганюракда  
Кўшиқлар оқади авжланиб.

Баҳорим кўшиғидан гул ғунчалар гуллайди,  
Қизғалдоқлар қафтида бир олов  
милтиллайди.  
Чўққилардан сирғалган шалолалар  
баҳорнинг  
Тўлғонган кокилидай кўнгиллари  
имлайди,  
Тоғ бошида қор йиғлар, кўнгиллар  
эримайди,  
Капалак мисол туйғу мөнга тутқич  
бермайди.  
Гул қошида кўнглимнинг йўқолгандайин  
тинчи,  
Ёмғир бўлиб қуйилар кўзларимнинг  
севинчи.  
Қалдирғочлар қанотидан бахт ранглари  
тўкилар.  
Сумалаклар тошар дилда, кўнгилларнинг  
кўшиғи.  
Рухинг ногоҳ яшилланур, мусаффордир  
мисли кўк,  
Дунё бунча тозармаса, дил-қуйларнинг  
ошиғи.

Ёлгон куйни чалавериш куйдим-ку ёр,  
Умид номли кўшиқлардан тўйдим-ку ёр,  
Юрагимда дарё бўлиб тўлқин урган,  
Бардошларнинг йиғисидан тўйдим-ку ёр.  
Бу дунёда фақат ўзинг суйганимсан.

Сен тутқазган ишқ рўбоби синдимикан,  
Боғда сөнсиз наволар ҳам тиндимикан,  
Жудоликдан айро қолган бўш тахтинга,  
Қаро тунда алвастилар миндимикан?!  
Аламларга дош беролмай куйганимсан.

Гул бағрига келгил энди, қайтгил баҳор.  
Дайди шамол гул ғунчасин этмасин хор.  
Ўзинг билган илонларнинг қуршовида,  
Ноумидлик тулпорига миндим-ку, ёр.  
Вафо деган кўшигингни айтганимсан.

Садоқатнинг оловлари ёнар баланд,  
Ўша иблис алвастилар кул бўлсиней  
Бу азоблар Гулчехранга беролмас панд,  
Хазон бўлган умрларга гул тўлсин-ёй  
Ўзинг билган остонамга қайтгин жоним,

Бир кун куйлай: «Остонамга  
қайтганимсан...»



Бу бобда шу даражага етишганларким, от устида ўлтирғонлари ҳолда 818 йили ражаб ойининг ўнинчиси билан ўн бешинчиси ўртаси, душанба куни йил фасларининг қайси айёмига тўғри келишини суриштириб қолдилар. (ҳечким айтиб беролмагач), онинг ўзи, отдин тушмаган ҳолда, қуёшнинг узунлигини даража ва дақиқагача ҳисоблаш йўли бирлан они ечиб бердилар. Ҳақиқатан ҳам ҳисоб-китоб қилғонда рақамларни эсда тутиб қолиш лозим. (Ўша пайтда) бир одам ёддан ҳисоб-китоб қилишга ҳаракат қилиб кўрди, лекин хотираси яхши эмас эркан. У они даража ва дақиқаларгача ҳисоблаб беролмади. Ёддан ҳисоб-китоб қилиб бериш замондошлардин (бошқа) ҳеч кимнинг илғидин келмайдур.

Ушбуни ҳам қайд этмоқчиманки, Улуғбек Мирзо ушбу илмда (риёзиёт илмида — Б.А.) тенги йўқдур. Осмон ҳаводислари хусусда асосли далиллар келтирадурлар. Тўғри хулосалар чиқаришга қодирдурлар. Зоти олийлари Носириддин Тусийнинг «Тазкираси» ҳамда Қутбиддин Маҳмуд ибн Масъуд Шерозийнинг «Ат-туҳфа аш-Шоҳий» асарлари бўйича шу даражада зўр дарс ўқийдурларким, ортиқча изоҳлашга муҳтожлиги йўқтурур...

Аълоҳазрат, давлатпаноҳ кун аро (мадрасада) дарс ва машғулотларда иштирок этадурлар, иштирок этганларида ҳам риёзиётдин дарс беришни яхши кўрадурлар. Ўша машғулотларга банда ҳам қатнашатурғон бўлуб қолдим».

Ғиёсиддин Жамшид Косоний Улуғбек бемонанд илм-фан ҳомийси, меҳрибон йўлбошчи бўлганлиги ва атрофига жамланган олимларга ҳам ота бўлганлигини айтиб ўтади, ўша мактубда: «...Ҳозирги вақтда Самарқандда энг машҳур олимлар йиғилғон, — деб ёзади у, — тамом илмлардин дарс берувчи мударрислар ҳам кўпдур. Аларнинг аксарияти риёзиёт илми бирлан банддурлар... Бундай олимлар сони 60—70 га етадур... Одамлар маоши ҳамда касбу ҳунари ўзгалардин ортиқ бўлсун, деб заҳмат чекадулар. Лекин... Бундай кишилар озчиликни ташкил этадур. Аллоҳга шукрим, банда на юртида кўп вақт истиқомат қилғондин сўнг шундай кўркам шаҳарда олим, донишманд, билимга ҳавасмандларнинг пушти паноҳи бўлмиш аълоҳазрат, олампаноҳ теварагига уюшган олимлар орасига тушиб қолдим...

Аълоҳазрат одамларнинг тақдири билан қизиқмай қўйган тақдирда эзгулик — ёвузлик, ёвузлик эрса эзгуликдай туюлар эрди. Аммо онинг тобеъларидин бирон шахс йўқким, ани олийҳазрат яхши билмасун»...

Мирзо Улуғбекдан бизгача унинг икки асари етиб келган. Булардан бири юқориде зикр этилган «Зижи жадиди кўрагоний» бўлиб, Самарқанд расадхонасининг самарали махсули бўлиб, фалакиёт илмининг (астрономиянинг) назарий ва илмий-амалий масалаларидан баҳс юритади. Асар муқаддима ва икки қисмдан иборат бўлиб, 1437 йили ёзиб тамомланган. Муқаддима катта ва тўрт қисмдан иборат. Унинг етти бобдан иборат биринчи қисмда фалакиёт илмининг асосий устунларидан ҳисобланган сана ва йил ҳисоби, яъни юнонлар, араблар, эронийлар ҳамда уйғурлар қабул қилган йил ҳисоблаш усуллари, ўша халқларнинг миллий байрамлари каби масалалар баён қилинган. «Вақтлар ва унга тааллуқли нимарсалар» деб аталган иккинчи қисмда (22 бобдан иборат) осмон буржларининг муаддал ан-анҳор (осмон экватори)дан оғиши, ҳатти устиво (экватор)нинг чиқиш ўрни, юлдузларнинг чиқиш ва ботиш жойлари, нисф ал-анҳор (меридиан) соатининг расад ўрни бўлмиш Самарқанд кенглигига (нисбати, Шуша, Кайравон, Урмия, Булғор, Бағдод, Басра, Истахр, Ҳамадон, Балх, Бадахшон, Гурганч, Бешбалик, Қорақўрум, Хўжанд, Ахсикат, Узганд, Шош ва бошқа шаҳарларнинг (ҳаммаси бўлиб 683 шаҳар) координатлари, етти иқлим ва уларнинг маърифати ҳақида маълумот келтирилади. Ун уч бобни ўз ичига олган учинчи қисмда («Юлдузларнинг равшанлиги ва ўрни» деб аталади). Юлдуз ва сайёраларнинг қуёш атрофидаги ҳаракати зўр аниқлик билан кўрсатиб берилган. «Юлдузларнинг доимий ҳаракати» деб аталмиш тўртинчи қисм астрология масалаларига, яъни юлдузларнинг ҳолати ва ҳаракатига қараб тақдирни белгилаш масалаларига бағишланган.

«Улуғбек зижи»нинг иккинчи қисми астрономия ва триганометрининг амалий масалаларига бағишланган ва 1018 собата юлдузнинг ҳолати кўрсатиб берилган.

Асарда кўтарилган масалалар шу қадар аниқ етилганки, Улуғбек ва сафдошларининг ҳисоб-китоби бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Улуғбек замонида Самарқандда «Зижи жадиди кўрагоний»дан ташқари, илми нуҷум ва риёзиёт илмларига бағишланган бир талай бошқа қимматли асарлар ҳам яратилдики, бу асарлар жаҳон астрономия фани ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилдилар. Ғиёсиддин Жамшиднинг «Зижи хоқоний дар шакли элхоний» («Элхоний зижини такомиллаштириш асосида (тузилган) «Хоқоний зижи», «Рисолайи Муҳтияя» («Муҳит ҳақида рисола»), «Мифтах ул-ҳисаб» («Ҳисоблар калиди»), «Рисола ал-ватар ал-жайб» (Хорда ва синус ҳақида рисола)» китоблари, Салоҳиддин Мусо ибн Муҳаммад Қозизода Румийнинг «Рисолайи фи-л-ҳи-соб» («Ҳисоб ҳақида рисола»), «Шарҳ ашкол ат-таъсис» («Шакллар

## АБАДИЯТГА ДАХЛДОР ИНСОН

боши аввалги сонда

асоси» рисоласига шарҳ»), «Рисола ал-жайб» («Синус ҳақида рисола»), Алоуддин ибн Муҳаммад Али Қушчининг «Рисола фи-л-ҳайъа» («Ҳайъат илми ҳақида рисола») «Рисола фи халл ашол ал-қамар» («Ой шакллари ечиш ҳақида рисола») асарлари шулар жумласидандир.

Жуда кўп тарихчи олимлар, масалан, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1500-1551), Хондамир (1475-1535), Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд эди ва «Тўрт улус тарихи»ни ёзиб қолдирган» деб айтадилар. Ҳа, ҳақиқатан ҳам Улуғбек шундай асар ёзиб қолдирган экан. Асарда асосан Чингизхон замонидан то ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг тарих майдонига чиққанига қадар тўрт улусда, яъни Мўғулистон билан шимолий Хитойни ўз ичига олган Улуғ улус, Жўчи улуси, Чифато улуси ва Эрон, Озарбайжон ҳамда Ироқни ўз таркибига бириктирган Элхонийлар улусида бўлиб ўтган воқеалар баён этилган.

Афсуски, «тарихи арбаъ улус»нинг тўлиқ нусхаси бизгача етиб келмаган. Ўша тўла нусхадан қисқартириб олинган тўртта нусхаси Англия, Ҳиндистон ва АҚШ кутубхонасида сақланмоқда. Ушбу қисқартирилган нусхаларнинг сўнгги варағида (в. 182 а) шундай қайд бор: «Улуғ соҳибқирон Амир Темур кўрагоннинг Хитой томон юриши воқеалари алоҳида китоб қилиб ёзилади. Ушбу нусха «Улиси арбаъий Чингизий»дир ва шу рисолада келтирилган Туркхон ибн Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссалом авлодидан бўлган подшоҳлар ҳамда Туркистон замин хонларининг номлари саййид ас-султон мирзойи шаҳид Улуғбекнинг, қабрлари равшан бўлсин, тўрт улус хонлари ҳақида ёзган мажмуъасидан олиб баён этилди».

Улуғбекнинг адабиёт ва мусиқа илмларидан ҳам кенг маълумоти борлиги ҳақида айрим қайдлар бор. Масалан, ўттиз еттита қимматли манбага асосланиб ёзилган бир тарихий асарда (у «Муҳит ат-товорих» деб аталади) Мирзо Улуғбек мусиқа илмида ҳам кенг маълумотга эга бўлганлиги айтилади ва у ихтиро қилган бешта мусиқа асарларининг номи келтирилади. Мана улар: булужий, шодийна, ахлоқий, усули равон, улусий. «Самария» китобининг мусаннифи Абу Тохирхўжа Мирзо Улуғбекнинг таъб назми ҳам бўлганлиги, яъни, шеърлар ҳам айтган деб ёзади. Унинг шеърларидан бир мисрасини келтиради:

Эй онки мулки ҳусн ба зери нигини туст,  
Шўхи макун ки чашми бадон дар камини туст.

Яъни:

Эй ҳусн мулки сенинг муҳринг остида бўлган,  
Шўхлик қилма, чунки ёмонларнинг кўзи  
сенга тузоқ қўйғон.

Ҳа, Улуғбек ёмонларнинг кўзидан бошқаларни оғохлантириб юрди, лекин танга назар ва ҳасадгўйлар ўзига минг бир тузоқ қўйиб, чор-атрофдан ўраб келаятганини сезмади. Улуғ бобоси ҳазрат соҳибқироннинг мана бундай уқдиришлари бор эди. «...кенгаш икки турли бўлур, бири тил учиде айтилғони, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учиде айтилғонини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим». Ва яна: «(Подшоҳ) мажлис аҳлидан оғох ва ҳушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшаш бир воқеа менинг ўзим билра рўй берган эди. Узимнинг хос мажлисимдаги бир қанча сўхбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари экан». Лекин, Мирзо Улуғбек бу ва бошқа шунга ўхшаган уқдиришларга бепарво бўлди, чамаси. Пинжиге кириб олган ға-





# Биз қайнона бўлагач...

Куни кеча ўзингиз ҳам келин эдингиз. Мустарлик билан жавдираб турардингиз — қайнонамнинг нега қовоғи солиқ, қайси ишим ёқмади экан? Қайн-эгачим ҳомушроқ кўришди — билмай гуноҳ қилиб қўйдимми, деб безиллаганингиз безиллаган эди.

Эрталаб ҳаммани еб-ичириб, кийим-бошини ялаб-юлқаб чиқаргунизча бир вақт ўтади. Уйни йиғиштираман дегунигизча тушлик таомнинг ҳозирлиги бошланади. Қўлингиз капкирда-ю ҳаёлингиз тўпланиб қолган кирда. Таомни ҳам чала ейсиз-да, кирга тушасиз. Кеч киради, яна қозон. Оралиқда униси келиб, буниси кетиб туради. Кейин дазмол, яна ошхона... Унинг устига сизга ёққан, ёқмаган одамларнинг барига бирдай илжайиб туришингиз керак. «Яхшилаб овқатланинг» дейди қайнонангиз. Шапур-шупир егани тортинасиз, қимтиниб еб туриб кетасиз. Оғир иш бўлмаса-да, бир-бирига улашиб давом этаверган ҳаракат, бунинг устига ҳаммага маъқул тушаман деб, асабларнинг таранг туриши зўр келади, тинкангиз қурийди. Дам олгани эса ҳақингиз йўқ. Ишдан келган куёвингиз ёнбошлаб ётади, ўқишдан келган қайинсингилларингиз бир-бир ухлаб чиқишади. Сиз келинсиз, ишдан келсангиз ҳам, ўқишдан келсангиз ҳам бирдай лик-

лик, ҳовлининг у боши билан бу бошига бўз қўйиб юришингиз шарт!

Болаларим чарчайди, нега бу чарчамайди демайди қайнонангиз! Ахир темир бўлса ҳам бирпас дам олиши керак-ку демайди у!

Қўшни аёл қўш келини кечки овқат еб-йиғиштирилгандан кейиноқ «кечгача чарчадинглар, қани уй-уйларингизда дам олинглар», деб киритиб юборади. Сизнинг қайнонангиз ундай эмас, то охирги одам кўчадан қайтиб, дарвоза қулflanмагунча, телевизорнинг томошаси тугаба, биринчи хўроз қичқирмагунча, сизга ухлашга рухсат йўқ. Тунги 2 бўлади. Судралиб кириб ётасиз, ичингиз йиғлайди, онам бўлса, ҳозирги ҳолимни кўриб, у қиларди, бу қиларди, дея ўксинасиз. Зирқираган суякларингиз тўшакка шундоққина тўкилади-ю қотади. Яна сахар туришингиз керак. Кеч ётганингиз учун бироз ухлаб қолсангиз, кўринг томошани! Қайнонангиз қаттиқ гапирмайди, таъна қилмайди, аммо нигоҳларнинг совуқлиги, алик олишларнинг оҳанги, идиш-товоқларнинг бир-бирига урилишлари нақ юрагингизни чақади...

Сиз жуда тарбияли эдингиз — «хафаман» демасдингиз. Сиз жуда ориятли эдингиз — «чарчадим» демасдингиз. Қайнонангиз яраяди-ю деб, буюраверади. Индамаяб-

ди-ю, деб тошбағирлилик-да давом этаверади.

Ичингизга сола-сола эрта қаридингиз. Юта-юта дард оширдингиз.

Мана бугун ўзингиз ҳам қайнона бўлиб турибсиз. Келиндай яйраб ўтмаган келинлигингизнинг армонларидан энди чиқинг. Рўпарангиздаги келинни ўзим деб билинг. Унинг сиздан яшириб турган дардларини, истиҳола қилиб айтолмаётган чарчоқларини ўқиб туринг. Ўзингиздай бир оназорнинг ширин жони у. Бошқа боққа кўчирилган, титраб турган янги ниҳол у. Салгинага сўлиб, салга эгилади. Дунёга келганига эндигина йиғирма йил бўлган новда у. Элликка, олтмишга кириб биз адашамиз, биз хато қиламиз-у, у адашмасинми!

Ота-онасининг иссиқ бағрини ташлаб, боғингизни кўкартиргани келди у!

Аёлликнинг дўзахий азобларини бўйнига олиб, ўғлингизни ўзидан кўпайтиргани келди у!

Ўтқизган — қиз томон, қудаларингиз ойда-йилда бир кўринадиган куёвлик бўлган бўлса, сиз умрингизнинг охиригача кечасию кундузи хизматингизни қиладиган қизлик бўлдингиз!

Қизларингиз уйи билан овора бўлиб кетади. Кучқувватингизни ҳам сизга боғлаб қўйган эмас. Очиқсангиз ош, чанқасангиз чой тутадиган, бошингиз ёстиққа етса, тонггача ух-

ламай чиқадингиз шу — келин. Қизларингиз келса, тўшак солиб кутадингиз, кетса, қўлига насиба — тугун илинадиган ҳам шу — келин.

Илоҳо, ҳар кимки фарзанд кўрибди, ошини ошаб, ёшини яшаб, болаларининг фароғатини кўрсин. Аммо кунлар келиб, бу фоний дунёдан кетар бўлсак, орқамиздан эшигимизни очиб, чироғимизни ёқиб қоладиганлар ҳам шу — келинлар!

...Қиз бола узатилар экан, куёв бор хонадонни Эрам боғи деб боради. Зухрога айланмоқ учун боради, Лайлидай сайланмоқ учун боради. Атласу шойилар ичида Ой бўлиб балқиб боради, сукунатга тўла ҳовлинингизга баҳорий жаранглар ва баҳорий ранглар билан, хаётининг энг ширин қўшиқларини бошлаб, маликалардай кириб боради. Орзулари ушалсин унинг! Ихлослари синмасин унинг! Тоҳирини топсин шу даргоҳдан! Мажнунини топсин шу боғдан! Онасидан ҳам меҳрибон онани, отасидан ҳам аълороқ отани шу ердан топсин!

Ўз уйим деб жойлансин уйингизга.

Улан тўшагим деб жойлашсин!

Қайноналик имтиҳонларидан ёруғ юз билан ўтишингизда Аллоҳ мададкор бўлсин!

Турсуной СОДИҚОВА

разўй гапташувчилар оқибатда ота-болани — Улуғбек билан Абдуллатифни уриштириб қўйдилар.

Шу ерда кўнглимга яна бир гап келди. Хижрий 853 йил шаъбон ойининг бошида (1449 йил 19 сентябрда) Самарқанднинг шарқий-жанубий тарафида жойлашган Димишқ қасабаси ёнида ўғли билан бўлган урушда Мирзо Улуғбек енгилиб қолди. Шундан кейин у Самарқандга борди, лекин бир умр унинг тузини ичган Мироншоҳ қавчин дарвозаларни подишоҳнинг юзига ёпди ва уни шаҳарга киритмади. Шундан кейин у Сирдарё бўйига, Шохрухия қалъасига борди. Лекин қалъа қутволи Иброҳим ибн Фулод ҳам Мироншоҳ қавчинга ўхшаган иш тутди. Шундан кейин Улуғбек мулозимлари ва хизматкорлари билан бир-икки

кун Сирдарё соҳилида кеча-кундуз ўлтириб чиқди. Сияноқга Абулхайрхон ҳузурига ёрдам сўраб бормоқчи бўлди. Лекин ўйлаб кўриб фикридан қайтди. Охири, «ахир ота-болалик ҳурмати ярашиб олурмиз» деган мулоҳазага борди ва тожу тахтни ўғлига топшириб илм ва мадрасада мударрислик қилишга қарор қилиб орқасига қайтди. Лекин, номехр фарзанд тож-тахтни куч билан тортиб олгани етмай отанинг жонига қасд қилди, уни ўлдирди. Улуғбек 54 ёшида илмий камолатга етган бир пайтда ўлдирилди. Афсус, у қанчадан қанча китоблар ёзарди, шогирдлар чиқарарди. Балким, улуғ бобосининг тарихини ҳам ўзи ёзиб берармиди?



# Васиятнома

ХИКОЯ



Бу хунук хабарни айтиш шунчалар осонми? Бундай гапларни айтавериб унинг дийдаси қотиб қолганми?

«Зийрак бўлиб туринглар, жони шу кеч узилади... Тонггача ё боради, ё бормади...»

Бу сўзлар «Энди ёлғиз қоламанми?» деган ваҳимани уйғотиб юрагига ўқдек қадалди. Хотинини алдади: «Касалхона вақтинча беркилар экан, иситгичларни янгилашар эмиш...»

Саида бу «янгилик»ни эшитиб жилмайиб қўйди. Қосимнинг назарида унинг кўзлари қувончдан чақнаб ҳам кетгандай бўлди. «Нимага жилмайдикин? Уйга қайтаётганиданми? Ё алдаётганимни сездимми? Балки... кўнгли сезган бўлса... жоним уйда узилади, деб қувондимми?...»

Саиданинг уйга қайтишидан қизлари беҳабар эдилар. Қосим табиблар замбилида бемажол ётган хотинини ҳайдовчи йигит ёрдамида уйга олиб кириб ётқизди. «Хизмат ҳаққи» деб пул узатган эди, йигит унга ажабланиб қаради-ю бурилиб, изига қайтди.

«Нега пул олмади? Ё «ўлаётган одамни кўтарганим учун ҳақ олмайман», демоқчи бўлдимми?» Бу фикр Қосимнинг миясига чўқмордаин урилиб, то товонига қадар зириллатиб юборди. Кичик қизига кўнғироқ қилди-да, хотини ётган уйга кирди.

— Нилу келади ҳозир, — деди у. — Бир аччиқ мастава қилсин, ичсанг тер билан чиқиб кетади...

«Тер билан нима чиқиб кетади?» «Жон тер билан бирга чиқиб кетиши мумкинми?»

Уз оғзидан чиққан гапни хаёлида кавлаштириб, кўнгли баттар ғашланди. Хотинига бир қараб олди. Саида бу қарашга жавобан яна бир жилмайиб қўйди. «Нимага жилмайяпти? — деб ўйлади у. — Нимага унинг кўзига қарай олмаяпман? Бунақада сездириб қўйсам...» У ҳам ўзини, ҳам хотинини чалғитиш учун нимадир дейиши керак эди. Уша «нимадир» тилга кела қолса-чи? Илгарилари аразлашиб, сўнг ярашганларида каловланиб, айтишга гап тополмай шунақа соқов бўлиб қоларди. Йўқ, ҳозир у ўша дамларни эсламади, бунга у кейинроқ, хотинини дафн қилиб келганидан сўнг хотирлайди. Ҳозир эса дарс тайёрламай муаллими рўпарасида мулзам бўлиб турган бола ҳолида, айтмоққа бир яхши гап излайди.

— Одамлар ҳам қизиқ, — деди кулимсираб, — пул ўзгарармиш, деб тўзиб юришибди. Кассага яқинлашиб бўлмайди. Ҳой, дунё ўзгариб кетяпти-ку, пул ўзгарса нима, дейман...

— Куйиб қолмайлик, деб қўрқишадиди-да...

Хотини шундай деб тамшаниб қўйди. Сўнг уни ҳикичоқ тутиб, кўзларини юмиб олди.

«Мен, аҳмоқ, айтишга шундан бошқа гап йўқ экан, жим туравермайманми? Пул ўзгарадими ё куйиб кетадими, унга нима? Менга нима?!»

У хотинининг бошини аста кўтариб, лабига пиёлада совуқ чой тутди. Саида бош чайқади — ичмади. Шу дамда ҳовлида Муҳаррам исмли қўшни аёлнинг овози келди. Муҳаррам — Саиданинг тенгқури. Тўрт хонадон нарида туради. Аммо қариндошдан аъло-роқ даражада яқин. Шаддодгина бу аёл уларнинг барча тўй-маъракаларига бош-қош бўлиб, оғирларини енгил қилган.

Ҳовлида ҳеч ким бўлмаса ҳам у кириб келаётганини маълум қилиш учун ўзига ўзи гапирарди.

— Болалар айтишди, Саида опоқим келдилар, дейишди. Саида опоқинг келса, жонига жоним қоқиндиқ. Баннисада мазза қилиб ётган эрка хоним бу-ку, бир ҳафта сиқилиб ёрилай деган менман. Эрка хоним қанилар?

Муҳаррам шундай деб ичкари кириб, ҳикичоқ тутиб ётган дугонасини кўрди-ю, овозини пастлатди. Бироқ, юрагида уйғонган ташвишли туйғуни сездирмади. Саида билан кўриша туриб, ёстиғини тузатди. Бошини кўтариброк ётқизди.

Четдан кузатган киши бу аёл яна бир неча соатдан сўнг жони узиладиган дугонаси билан эмас, оромгоҳдан ёки хориж сафаридан қайтган кадрдон билан чақчақлашиб ўтирибди, деб ўйлаши мумкин эди. Юзида кулги бўлса-да юрагидаги зардоб тобора тўлиб борар эди. Зардоб косаси қачон тўлади, қачон бу ёлғон кулги йиғига айланади, ўзи ҳам билмайди.

Нилуфар келгач, мушқули осон бўлди. У билан остонада кўришаётиб, «опаларингни ҳам чақирдингни?» деб сўради. Қиз «ҳа, чақирдим», дегач, ҳовлига чиқди.

Қосим уч тарафи панжара билан ўралган тахта каравотда оёқларини осилтириб ўтирарди.

— Муллака, дўхтир бир нима дедими?

Қосим унга бир қараб олди-ю, индамади.

— Бир нима деган бўлса... гапи тўғрига ўхшайди. Хабар келиб турибди... — бу гапни йиғламсираб айтди. — Қизларга айтиш керак. Фафлатда қолишмасин. Узоқдаги қариндошларга ҳам хабар қилдилинг. Кейин сиздан

ўпка-гина қилиб юришмасин. Тириклигида рози-ризалик сўраб қолишсин.

Қосимнинг шу ёшга кириб эгилмаган боши шартта эгилди. Бунга ўзи ҳам сезмади. Шу кўйи узоқ ўтирди. Ўртанча қизи кириб келганида ҳам шу аллозда эди. Арофат отасининг ўтиришини кўриброк пиқиллаб йиғлаб юборди. Муҳаррамнинг танбеҳидан сўнг овуниб, уйга кириб кетди.

— Туринг, бундай ўтираверманг, — деди Муҳаррам, буйруқ оҳангида.

— Мен унинг қадрига етмадим... Қосим бу гапни ўзи учун, паст овозда айтган эди. Аммо Муҳаррамнинг зийрак қулоғи бунга эшитди.

— Қайси эрка хотинининг қадрига етибди? Қўйинг, дунё ўзи шунақа, одамзот бир-бирининг қадрига шунақа пайтда етиб қолади. Туринг, уйга кирилинг.

Тўнғичи Наима келгач, Қосим ҳам уйга кирди. Саиданинг ҳикичоғи тинган, осмонга қараган ҳолда енгил хуррак отиб ухларди. Бурун катаклари бир оз керилган эди. Муҳаррам лабини тишлаб, бош чайқаб қўйди-да, Қосимнинг қулоғига шивирлади:

— Домла чақириб келинг, ўқитиш керак...

Бошқа ҳолат бўлганида Қосим «Нимага, шартми? Уқиб нима каромат кўрсатади?» деб ланжлик қилиши мумкин эди. Ҳозир баодоб боладай «хўп» деб орқасига қайтди. Унинг назарида келадиган домла биргина «куф-суф» қилсаёқ хотини туриб кетадигандай эди. Домлани айтиб келман, деб кўчага чиқди-ю, ўйлаиб қолди: домла ким? У қаерда туради? У маъракаларда домлаларни кўрган, лекин бу атрофда қайси бири яшашини билмас эди. Рўпарадаги қўшнингнинг ёлғи дарвозага суяниб, сақич чайнаб турган экан, ўшани чақириб, сўради:

— Домланинг уйини биласанми?

— Қайси домлани?

— Уқийдиган домла.

— Билмайман... Мачитда турса керак.

— Қайси мачитда?

— Ана, янги мачитда.

— Бориб айтиб кел. Тез бораркансиз, шахсан Қосим Мажидович илтимос қилдилар, де.

Бола, истамайгина «хўп», деб бурилганида у «болага балки йўқ дер, ўзим бора қолай» деган хаёлда «тўхта, бирга борамиз», деди.

Ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги имомга гапни узоқдан бошлашнинг ҳожати йўқ эди. Қосим чайнаиб бир-икки гап айтгандаёқ у мақсадини англади. «Янгамиз хастамилар?» деди-да, дуо қилиб, ўрнидан турди.



Домла ўқиётганида Саида кўзини очди. Каравотнинг оёқ томонида ўтирган қизларига қараб жилмайиб қўйди. Бу жилмайиш барчаларининг қалбига умид нурини берди. Домла «Ёсин»ни ўқиб бўлгач, дуо қилиб ўриндан турди. Ҳовлига чиққач, Қосимнинг пул тутган қўлини нари итарди:

— Масжидга беринг, — деди. Кейин қўшиб қўйди. — Умид ёлғиз Оллоҳдан, аммо... эҳтиёт — шарт. Ҳар хил бекорчи хаёлларга берилмай, калима келтириб туринг.

Домла шуларни айтгач, «калима келтириш нималигини биласизми?» дегандай савол назари билан қаради.

Қосим ҳам унга савол кўзи билан боқди. Домла «ла илаҳа иллоллоҳ» тилингиздан тушмасин», деди-да, кўча эшик сари юрди.

Бу калимани Қосим кўп марта эшитган, маъносини ҳам яхши билади. Аммо айтиб юрмагани учун тили қотиб, дарров такрорлашнинг эвини қиллолмади. Сўри олдида туриб калимани такрорлаб машқ қилаётганида Наима чиқди.

— Ада, домла нима деди?

— Домла... «умид ёлғиз Оллоҳдан», деди. Худо хоҳласа, оинг тузалиб кетади.

— Айтганингиз келсин, ишқилиб. Ҳозир анча яхшилар. Гаплашяптилар. Ада... — қизи ялиниш оҳангида деди, — мен уйимга кетаверайми?

— Ётиб қолмайсанми?

— Бодринг тузлашим керак эди.

Қосим қизига ажабланиб қаради: онасидан бодринг афзалми бунга? Эрим кўп ичади, деб-ку ҳасратидан чанг чиқади. Яна унга бодринг тузлаб беради... Қосимнинг бир зардаси қайнади. Дўхтирнинг гапини айтсамми, деб ҳам ўйлади. Кейин «ўтирганидан нима фойда?» деган тўхтамага келди.

— Куёвингизга арзонроқ бодринг учраган экан, бир қопини олиб келибдилар. Ириб кетади-ку? Эрталаб вақтли келарман.

— Боравер.

Наима отланмасидан туриб, Арофат ҳам узрини айтди: эртага куёв тўра гап берар эканлар. Шунга сомса, норин дегандай...

Отадан руҳсат теккач, қизлар онанинг кўнглини кўтариб, изн олмоқ учун, ичкарига кирдилар.

Саиданинг орқасига қўш ёстиқ қўйилган, у қаддини тугиб ўтирар эди. У қизларининг кўзларига бир қарашдаёқ мақсадларини англаб, жилмайди.

— Адангнинг турган-битгани ваҳима. Сизларни бекорга овора қилибди. Худога шукр, тузукман. Бўлмаса дўхтир уйга жавоб берармиди. Сизлар уйларингга бораверинглар. Нилу, жоним, сен ҳам бора қол. Лекин... яна кўнгиллариингга келмасин... Ёнимдаги каравотда ётган хотин эскичани биларкан. Ёшми, қарими, ўладиган касалми ё соғми, фарқи йўқ, бир-бирдан рози-ризалик сўраб туриши керак экан. Ойим раҳматли ҳали касал бўлмай туриб, шундай қилган эдилар.

Сабабини энди билдим.

— Вуй, ойи... — Нилуфар шундай деб йиғлаб юборди.

— Агар йиғласаларинг, мен буни бошқача тушунаман. Кўнглим ранжийди. Гапимни охиригача эшитинглар. Кеча тушимда адам билан ойимни кўрдим. «Сени ҳали бери чақирмаймиз, аммо биз қилган ишни қилиб қўйгин», дейишди. Улар қилган иш рози-ризалик-да. Мен ҳаммаларингдан розиман. Сизлар ҳам мендан рози бўлинглар: бесабаб уришган бўлсам, қарғаган бўлсам, хафа қилган бўлсам, гуноҳимдан ўтинглар. адаси, сиз ҳам... сизга вақтида яхши қарай олмадим...

— Қўйсанг-чи, шу гапларни...

— Энди сиз чиқиб туринг. Қизларга бир-икки оғиз гапим бор.



Қосим яна ноилож ташқарига чиқди. Саида отам билан онам чақирмас экан, деб барчани алдаган эди. Бир ой бурун тушида у кавушини ўғирлатди. Ушандан бери кўзи илинди дегунча отаси билан онаси уни чақираверади, чақираверади... У чақириқларнинг оқибатини яхши билади. Бир ой бурун Қосимнинг тушида жағ тиши тушган, лекин у бундай ирим-сиримларга ишонмайди.

Дам ўтмай уччала қиз кўнгиллари вайрон бўлган ҳолда, ҳовлида кўринишди. Ҳозир бодринг тузлаш ҳам, эртанги гапга тайёргарлик ҳам уларнинг хаёлидан кўтарилган эди. Саиданинг уларга доим қилиб юрадиган насиҳатларидан кейинги гаплари қизларни қарахт қилиб қўйган эди. Ҳовли ўртасида қаққайиб турган оталари кўзларига нечундир хунук кўришиб, унга ғалати қараш қилиб, совуқроқ ҳолда хайрлашишди. Қосим ичкаридаги гапдан хабари йўқ, қизларидаги ўзгаришни сездию аммо «онанг нима деди» деб сўрамади. Улар чиқиб кетишгач, уйга кирди. Саиданинг орқасидаги ёстиқлар олинган, энди у шифтга тикилганча бемажол ётарди. Нафас олиши бежо, танасида уйғонган оғир азобни енгил учун онда сонда инграб қўяди.

— Муҳаррам, кўкрагимни босинг...

«Оғрик кўкракда эканда», деб ўйлади Қосим.

— Оғрияптими? — деди Муҳаррам меҳрибонлик билан. — Менинг қўлим эмас, Луқмони ҳақимнинг қўллари, Оллоҳ ўзинг шифо бер...

Саиданинг миждаларидан икки томчи ёш сизиб чиқди. Муҳаррам уни кўриб, Қосимга қаради-да, «Воей, қизлар кетишмаса бўларди», деб пичирлади. Саида кўзларини аста юмиб, тамшанди.

— Сув олиб келинг, — деди Муҳаррам паст овозда, — тоза пахта ҳам.

Қосим шошилиб пахта топа олмай, бир пиёлада сув кўтариб кирди.

— Воей, эркак зоти мунча ношуд қилиб яратилмаса, — деди Муҳаррам зорланиб. — Лабига томзинг. Бармофингиз билан томзинг.

Қосим Муҳаррам айтгандай қилди. Шу пайт Саида кўзини шартта очди. Шипда нимадир қидиргандай олазарак бўлди-да, яна аста юмди.

— Ла илаҳа иллоллоҳ! — деб юборди Муҳаррам. Сўнг Саиданинг бош томонига ўтиб, жағини ушлади. — Бўлди, боринг, кўшни хотинларни чақиринг. Қизларни ҳам, — деди.

«Нимани «бўлди» деяпти? — ажабланди Қосим. — Улдими? Шу қадар осонмиди жон бериш... Шу қадар беозор... Шу қадар беозор-а... Мен унинг қадрига етмай яшадим-а... Қадрига етмадим-а...»

...Жаноза ўтди. Уч кун аза ҳам ўтди. Қосим «Қизлар кетса ёлғиз қоламанми? Тунлари билан Саиданинг руҳи ёнимда бўладими?» деб ўйлади.

— Қирқлари ўтганича ойимнинг уйларида ётамиз. Қирқ кунгача арвоҳ келиб хабар оларкан, — деди Наима.

Қосим индамади. Аммо кўнглидан «Тириклигида келиб ётсаларинг қандай яхши эди» деган армонли гап ўтди.

Қизлар Саиданинг жони узилган уйда хонтахта атрофида холалари билан гурунглашиб ўтиришарди. Қосимга бир тоғдан, бир боғдан бўлаётган гаплар ёқмади. Юраги сиқилиб, ташқарига чиқди. Сўрига бориб энди ўтирган эди, Муҳаррам ҳам уйдан чиқиб унга яқинлашди.

— Ҳадеб уф тортаверманг. Эркак одамга уят бўлади, — деди у.

Қосим бошини эгган ҳолда минғирлади.

— Эзилмасдан бўларканми? Мен унинг қадрига етмадим...

— Оббо... ҳадеб шунақа деяверманг. Қадрига етгансиз. У сиздан рози бўлиб кетди. Шукр қилинг.

Бу гапни эшитиб, Қосим бошини кўтарди.

— Ўзи айтдимми?

— Ҳа, ўзи айтди.

— Нима учун ўзимга ҳеч нима демади? Қизларни ҳам олиб қолиб гапирди. Нимани гапирди?

— Қизларгами?.. — Муҳаррам ҳам у гапни айтишга истиҳола қилди. — Вақти келса, қизларнинг ўзлари айтишади.

— Шунчалик сирли гапмиди?.. Нима учун ўзимга индамади?

— Вой, эсим курсин. У сизга дей-



диганларини ёзиб қўйган экан. «Кейинроқ ўзлари ўқиб оларлар» дед-ди-я.

— Қани ўша хат?

— Ичкарида. Хитойдан бир аллам-бало чойнак олиб келган экансиз. Ушанинг ичига солиб қўйибди.

Қосим ўрнидан турган эди, Муҳаррам уни жойига қайтарди.

— Намозшомда олиб ўқиманг. Эр-тага тонг отганда ўқирсиз.

Кейинги кунлар ичи Қосим одобли бола сингари ким нима деса «хўп» деб қулок соладиган бўлиб қолди. Биров келиб «ҳовлида ўтин ёрманглар» дейди. Бошқаси «бодом чақманглар» дейди. Қосим «нима учун?» деб сабабини сўраб ўтирмайди. «Қоидаси шунақа эканда», деб қўяди. Агар ҳозир биров келиб «марҳуманинг жони узилган уйнинг сувоғини кўчириб, қабристонга ташлаш керак», деса шу ишни қилишдан ҳам тоймайди. Муҳаррам «хатда юракни эзадиган гаплар бўлса, кечаси билан беҳаловат бўлмасинлар», деган мақсадда «тонг отганда ўқирсиз» деган эди. Қосим бунинг фаҳмига етмай, «шунақа одат ҳам бор эканда» деб қўяди.

Уч кунлик азада ҳориган аёллар уйқуга кетишди. Қосим қизларининг қистови билан хонасига кириб бир оз ётди. Баданига ҳукмини ўтказаятган ҳордиқ уйқуни чақирарди. Аммо бедор киприклар қовуша қолайлик дейишмас эди. Муҳаррам уни тунги безовталиқдан асрамоқчи эди, акси бўлиб чиқди — хаёлини Хитойдан келтирилган чойнак ичидаги хат банд этди. «Нима учун ўзимга айтмади гапини, нима учун хат ёзди? Ўзимга айтишдан истиҳола қилдимиз? Нима деб ёзган бўлиши мумкин?» Муҳаррам унга гўё тунда эрмак қилинг, деб бир тугун чигил саволлар ипини ташлаб кетган эди. Қосим, юраги ҳаприқиб, ўрнидан турди. Тонгга қадар сабри чидамаслигини билиб, хатни олиб ўқимоқчи бўлди. Хат — чойнак ичида. Чойнак — жавонда. Жавон — Саиданинг жони узилган уйда. Уйда эса аёллар ётишибди. «Шарпасиз кириб, олиб чиқаман», деб ўйлади. Уйда чироқ ўчмаган. Эшикни қия очди. Жавон олдида кенжа қизи ётибди. Худди хатни қўриқлаётгандай... У ерга етгунича икки аёлнинг устидан хатлаб ўтиши керак. Қосим ноилож ҳолда эшикни ёпди. Аммо хонасига қайтмади. Ҳовлига чиқди.

«Мен унинг қадрига етмадим... У мендан рози бўлибди... Балки тил учиде айтгандир... Қоидаси шунақадир... Дилидагини қоғозга битгандир... Нимани ёзиши мумкин? Балки... ўша биринчи марта...»

Унинг биринчи хиёлати... Кўп йил бўлди бунга. Лекин ўша воқеанинг буткул тафсилоти ипидан игнасиғача ёдида турибди. Унингки ёдида турибдими, Саида ҳам унутмагандир. Аёл учун уч ўлим бор. Бири — жисмоний ўлими; бу дунёни абадий ташлаб кетади. Лекин унга қадар икки марта ўлиб тиради. Бири кўзи ёриганда.

Иккинчиси кундош кўрганда. Қадимгилар хотин устига хотин олаверишган. Эндигиларнинг айримлари баъзан саноқсиз уйланишади, аммо пинҳона. Балки «хотиним куймасин ёки ўлиб тирилмасин», деган яхши мақсадда пинҳона иш тутишар. Энди бу ҳол Оллоҳга маълумдир, биз гуноҳкор бандага буниси қоронғи. Хуллас ўша, биринчи хиёлатда Саида биринчи марта ўлган эди.

Ушанда Қосимнинг бахти кулган кезлари эди. Уч йил хорижда ишлади, топиш-тутиши дуруст бўлди. Уйланди. Саиданинг қадами қутлуғ келиб хорижда тўплаб қўйган пулига «Волга» олди. Яхшигина идорага ишга жойлашди. Келишган йигит. Ишга «Волга»сида келади. Бармоғида машина калитини чир айлангириб ўйнатади. Хоналарида ширингина жувон бор эди. Бир куни «тобим йўқ, кузатиб қўймайсизми?» деди. Кузатди. «Эрим сафарга кўп чиқади, ҳозир ҳам сафарда» деди жувон. «Эрининг сафардалигини бекорга айтмаётгандир» деб ўйлади у. «Уйга кириш, Бразилия қаҳвасидан бир ҳўпламгина ичинг», деди жувон.

Қосим уйлангунга қадар бўлганларини хиёлат ҳисобламайди. Улар бўйдоқликка хос кўнгилхушликлар эди. Уйлангач, бу йўлга қадам босмасликка қарор қилганди. Уйга олиб келиб, лабини чўзиб тургач, нима қилсин? Жувон тушмагур ҳисобдан адашганми ёки эрининг кўнгли бир нимани сезиб, сафар мuddатини қисқартирганми, ҳар ҳолда, уқпар булутлар устида сархуш сузишяётган паллада эшик кўнгириги жиринглаб қолди. Апил-тапил кийиниб, иккинчи қаватдан сакради. Машинада кетатуриб баланддан сакрагани ҳолда оёқларига шикаст етмаганига бир қувонса, кўшнилари кўриб қолмаганига, ўғри деб гумон қилиб қувлашмаганига бир суйинди. Бу йўлга қайтмайман, деб қасам ичди... Уйда эса... Хотин кишининг димоғидек сезгир нарса йўқдир. Саида бегона ҳидни дарров илғади. Бироқ, «менга шундай туюлгандир», деб ўзини овутиди. Қосим ечинаётганда эса... Тескари кийилган ич кўйлак гумонни тасдиқлади... Саида ўшанда жанжал қилмади. Лекин бир ойдан зиёд уни ўзига яқинлаштирмади...

Қосим ҳозир ўша воқеани эслади. «Хиёлат эди», деб тан берди. Шунча йил бутун айбни ўша жувонга юкларди. Ҳозир ўзи ҳам сезмаган ҳолда хиёлат қилганини бўйнига олди. «Саида мени ўшандаёқ ташлаб кетиши мумкин эди. Лекин кетмади. Нимага кетмади? Хатда шунинг сабабини ёздимикин? Ҳар ҳолда хотин эмас, фаришта эди у. Қадрига етмадим...» Қосим ўрнидан туриб деразага яқинлашди. Ичкарида хотинлар ўша аллозда ётишибди. Хат турган жавон кўрғон ҳолида ўраб олинган...

«Йўқ, у бунақа гапларни чайнамайди, — деди у сўрига қайта туриб. — Шунча йил индамаган энди ёзиб кетадими? Кейин қўлга тушганимда ҳам

ғинг демаган... Балки... бузуқ, деб сўкканимни ёздими? Сиз менга ўшанда тухмат қилгансиз, дебдимикан? Тухмат эди... тўғри...»

Ушанда «кўрққан олдин мушт кўтарар» деган ҳикматнинг ҳаётдаги исботи бўлган эди. Ҳорижликларни Масковдан бошлаб келган таржимон қиз қаймоқдеккина экан. Унгача қасамни неча марта бузган Қосим учун яна бир гуноҳга ботиш ҳеч гап эмас эди. Қаҳвахонага ўтаверишда айвончада музқаймоқ еб ўтирган Саида билан катта қизи Наимани кўрди. Қўлга тушдим, деб юраги шув этиб кетди. Тўғри, қўлга тушган эди. Лекин Саида қизи олдида уни изза қилишни истамасди. Бепарво ўтираверди. Ушанда уларнинг ёнидаги бўш курсига бир киши ўтирди. Қизалоққа нимадир деб кулиб қўйди. Музқаймоқни еб бўлишгач, Саида билан қизи турди. Нотаниш киши қолаверди... Унинг нотанишлиги кундек аён эди. Уша дамда Қосимнинг кўнглида гумон уйғонмаган эди. Гумон, аниқроғи баҳона уйга қайтганда бош кўтарди. Кира солиб дабдурустдан «кимлар билан музқаймоқ ялашиб юрибсан», деди. Саида бундай ҳужумни кутмаган эди, довлариб қолди. Қосим авжига миниб «бузуқ» деб юборганини ўзи ҳам сезмади. Айтишга айтдию тилини тишлади. Саида бир кун йўғлади, эртасига ҳам кўзлари қизариб юрди. Қосим нотўғри иш қилганини билса ҳам, ўзини оқлаб олиш мақсадида чекинмади, узр сўрамади... Орадан кунлар ўтиб бу нохушлик унутилгандай бўлди...

«Унутмаган эканми? — деб ўйлади Қосим. — Балки... ўзингиз бузуқ бўла туриб, мени шундай дедингиз», деб ёздимикин? Ёзса ҳаққи бор. Ҳеч бўлмаса ўша гап учун узр сўраб қолмадим-а... Чакки бўлди. Агар ўшани ёзган бўлса, қарғаб-қарғаб ёзган бўлса ҳам розиман. Ҳаққи бор... Аммо... у бунга ёзмайди. Юзимга айтмаган одам ёзиб ўтирмайди... Унда нимани ёзади? Балки... отамдан хабар олиб туринг, дегандир?» Шу фикр Қосимнинг қоронғи фикрини ёритгандай бўлди. «Ҳа, шуни ёзган. Отаси билан ярашиб олишимни хоҳлаган эди. «Боринг, узр сўранг, уйга олиб келинг, бирга яшанг», деган».

Қосим қайнотасини эслаб этлари жимирлашиб кетди. Шу онда тақдирларининг ўхшашлигини кашф этди. Унда ҳам уч қиз. Қосимда ҳам. У ҳам эллиқдан ошиб-ошмай бева қолган. Қосим ҳам... Фақат... энди қайси қуёви Қосимни қариялар уйига топшириш керак, деркин? Қайнотаси Саидани яхши кўрар эди. Саиданинг ҳам отасига меҳри баланд эди. Бирга яшашга кўндирганда Қосим қилиқ чиқарди. Қайнотасининг бирга яшашини хоҳламади. «Уйни сотиб, ўзини қариялар уйига берайлик, хабар олиб турамыз», деди. Саида йўғлади. Аммо эри билан бу сафар ҳам уришмади. Бемехрликда айбламади.

«Қайтар дунё дегани шуми? — деб ўйлади Қосим. — Уша гапим учун эн-



## БАҲОР

Бу оқшом дунёдаги энг ҳур хаёллар менинг хаёл боғимга ташриф буюриб меҳмон бўлмоқчи эди-ю... мезбон эса ҳали оламда ўйлаб топилмаган шундай улуғ ва қутлуғ сўз, жозибали таъриф тавсиф, мусаввирга ранг ахтариб қорлар ортида бош кўтаришга ҳар дақиқа минг бор чоғланаётган майсаларни сўроққа тутди, сокин қишлоққа қишлоқича меҳр билан нур таратаётган оймомани саволлади, юлдузларга етолмай нажоткор нигоҳ билан дилидаги ёқут ниятларини кўкка баён айлади, қушлар сўзлашгучи қаср қароргоҳини сарсари кезди... Шунда майсаларнинг бошидаги қорлар эриб сувсаган ариқларнинг бағри тўлди, ойнанинг юзидаги доғ самонинг сатҳига сингиб кетди, она-юртим осмонидаги юлдузлар эса Самарқанд кўкидаги юлдузлар мисоли пастроқ тушиб — равшан тортиди, қушлар қароргоҳини тарк айлаб — сўз ахтариб боғу эрамларгаю, чўлу биёбонларга қанот қоқди... Эртақчилар эртагини унутди, сеҳрлар сеҳрини йўқотди... Қудуққа тушган тариқ ҳам топилди-ю... аммо ўшал сўз қумга тушган зарнинг заррасидек ҳаммани банд айлаган, хаёлнинг буюк бурчаги бўшлиққа тўла эди...

Бу тун киприкларим бир сония учрашмади-ю, хаёлимда туш кўрибман: ажойиб бир қуш мени шундай юртга элтибдики, бу мамлакатнинг юрар йўлларини — самолари ҳам, таомларини — сувлари

ҳам, кийимларини уй-жойлари ҳам гулдан эмиш. Во ажаб, дарахтларга қараб ҳайратдан қотиб қолибман: унда шундай гуллар очилганки, таратаётган нурларидан кўзим қамашиб бу мўъжизага мафтун бўлиб турсам, гуллар сўзлашишга киришиб мени асир этибди:

— Энди биз сафарга чиқмоғимиз, Оналарнинг остонасига поёндоз бўлмоғимиз, дилларига хуш кайфият бағишламоғимиз керак,— дебди гулларнинг энг сараси.

— Нечун фақат оналарга? — таажжубимни яширолмай уларга термулдим.

## ГУЛЛАРИДАН

Шунда оппоқ гуллардан кўйлак кийган нуроний кампир қаршимда пайдо бўлди-ю, гул қўллари билан бошимни силади:

— Қизим, қайси бир замонлар бу ерда Она деган улуғ инсон туғилгану — шу ўлка гулга, дунёдаги яккаю ягона гулзорга айланиб қолган ва табиатда биринчи марта баҳор фасли бошланган. Билсанг, Онанинг орзу-ўйлари, ниятлари, қалби ҳам шу чаманзордаги гулдек гўзал... нозик бўлади болам. Уни асраб-авайламоқ, эҳтиётламоқ керак. Агар кимки Она юртига зиғирча озор етказса... кейин азоби бўлади...

— Ҳа, ҳозир. Фақат... ўқима, хўпми? Тўхта, Нилу, охири кунни, ойна мени чиқариб сизларга нима девди?

Нилуфар унутган нарсасини эсламоқчи бўлгандай ерга қараб бир оз жим қолди. Қосим жавобни тез айт, деб шоширмади. Саида ўша кунни қизларига «қирқимни ўтказгач, дадангни уйлантириб қўйинглар» деган эди. Нилуфар бу гапни айта олмади. «Ҳозир эсимда йўқ, эсласам айтаман» дедида, тез-тез юриб уй томон кетди. Дам ўтмай кафтдек қоғоз кўтариб чиқди. Қосим ошхонага кириб буклоғлиқ қоғозни очди-да, чироқ ёруғига тутди. Хат бир неча сатрдан иборат эди:

«Бир киши ҳадеб автобусга салом берар экан. Сабабини сўрашса, «шу

Чўчиб тушдим:

— Йўқ, йўқ,— дедим.— Ундай бўлиши мумкин эмас!..

Ухламагандим, аммо уйғониб кетдимми ё хаёлларим чок-чокидан ситилиб кетдимми, билмайман, кўзимни очсам деразам ортидаги ўрик кулиб турган болачадек гўзаллик кашф этган — гулга айланганди. Ногоҳ эсган майин шабода уч-тўрт ўрик гулларини сочларимга қўндириб қўйди: ОНАМ — баҳор гулларидан яралган Онам соғинч-ла бошларимни силаб, менга сирлинамо нималардир деб шивирлаётгандек туюлди.

Табиатни гулга, оламни нурга тўлдирган у Она! Онадан андоза олган фасл — БАҲОР!

Деразага қарайман: оппоқ ўрик гуллари... Мен энтикиб ва орзиқиб кутган Баҳор келибди — худди Онам мени узоқ юртга йўқлаб келгандек...

Пардани астагина бир чеккага суришим билан эсаётган майин шабоданинг иси хонамни тутди: дунёдаги энг хушбўй мушки анбарлардан ҳам зиёда — онамнинг ҳидидек ягона бўй эди бу! Кўнглим биллурдек равшан тортиди, қалбим булоқдан сув ичгандек тиниқди. Дарҳақиқат, минг бир дардга даво бўлгучи — гиёҳлар ўсгучи юртда

## ЯРАЛГАН...ОНА!

ҳам, булбулу савваларнинг қўшиғи мафтун этгучи боғу эрамда ҳам бу исларнинг изи топилмасди...

Кенг шаҳарлар торлик қилаётган кичиккина қалбимга дунёдаги бор шодликлар оқиб киргандек бўлди: қўлларимни кенг ёйиб фасли

автобус қизим келин бўлиб тушган кўчадан ўтади, қуда томоннинг ҳурмати-да», деган экан. Куёвни пайғамбарлар сийлайди, дейишган. Адаси, жон, адаси, кўп айтдим, қулоққа илмандингиз. Энди илтимосимни бажаринг. Куёвларингиз келишганда ўтирган бўлсангиз, ўрнингиздан туриб саломлашинг, хўпми?..»

Қосим хатни икки марта ўқиб чиқди. Давоми йўқми, деб қоғознинг орқасига ҳам қараб олди. Сўнг... бағрини тўлдириб йиғи келди. Узини тўхта олмади. Укириб йиғлаб юборди...

АЛҚИССА: Ё, Тангрим, бандаларингни Қосимдай бўлиб қолишидан ўзинг асрагин. Омин ва раббил оламин!

ди жазоландимми? Саида шунинг учун мени ташлаб кетдимми? Қайси куёвим.? Йўқ...»

Қосимнинг кўкраги қизиб, нафаси қайтди. Ошхонага кириб совуқ сув ичди.

Ташқаридаги шарпани сезиб уйғонган Нилуфар ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди.

— Ада, мазангиз қочдимми? — деди меҳрибонлик билан.

Қосим бош чайқади.

— Кириб, ётиб озгина ухлаб олинг.

Шу пайт бомдод азони эшитилди.

— Сахар бўлди, ада, кириб ётинг.

— Қизим, Хитойдан олиб келган чойнагим бор-ку? Биласан-а? Ушанинг ичида хат бор, олиб чиқ.

— Ҳозирми? — деб ажабланди Нилуфар.



навбахорга пешвоз чиқдим:  
қулочимга сиғмаган БАҲОР-ОНАМ  
соғинчи, гўзаллик, самимийлик  
бағримга сингиб, юрагимга мезбон  
бўлди: томирларимда гул — меҳр —  
муҳаббат оқди.

Онам мени сафарга кузатаётиб  
қодоқ қўлларини жуфтлаштирганча  
ҳалоллик, ростгўйлик ва инсонийлик  
ҳақида фотиҳа ўқиб, кўзлари  
болаларча намланганда УЛАРга тиз  
чўкканимдек ўрик гулларига —  
табиатнинг гўзал инъомига сажда  
қилдим!

БАҲОР-ОНАМнинг гул этакларига  
осилиб келган самимият энг бокира  
сахийлик. У Яхшилик ва Умиднинг  
онаси! Дунё оналарининг қалбидан  
андоза олган баҳор бахтларга тўлиқ  
байрамларни бошлагувчи —  
аёлларни улғуловчи фасл.

Мен бу тонг юлдузлар заминга  
айтар эртақларини тугатмасдан  
Баҳорга — баҳор гулларидан яралган  
Онамга — қишлоғимиз оналарига  
таъзим қиламан. Аммо... Уларнинг  
таърифини битолмайман:  
қаламларим ожиз тортиб синиб  
кетеди, дафтарларим уялганидан  
юзини беркитади.

Йўқ, йўқ! Она ҳақида бирор бир  
асар, мусиқа яратилмаган дақиқа йўқ.  
Дарвоқе, оналар ҳақида куй, шеър,  
қўшиқ, ҳайкал яратилмаган тун  
зулматга, яратилган кун эса зиёга  
тўла бўлади.

Замонлар ўтаверади, неча баҳорлар  
юз очади. Баҳор гулларининг  
атрофида асаларилар ҳамиша  
уймалашиб, бол тўплашгандек  
бувиларимиз ёнларида набиралари  
парвона бўлишиб инсонийликни,  
одоб ва ҳурматни ўрганишади.  
Мурғак гўдақларнинг қалб даласига  
ташланган уруф йил ўтиб нишона  
кўрсатади...

Заминлар айланаверади... Она-Буғу  
шоҳларида келтирган бешикда  
халқимнинг навоийларию  
абдуллолари улғаяди. Кўнгли бир  
нарсани сезгандек бўлган момо  
бешикка термулганча: «Бу шундай  
ўғлон бўладики, халқининг бахтини-  
саодатини сўзлайди» дея «атрофдаги  
ёмон кўзлардан асрасин» учун шу  
кеча тумор тикади (Бу аллақимлар  
айтгандек диний нарса — диний урф  
эмас! Тумор — она юрагининг  
қат-қатидаги ишонч ва меҳрнинг  
рамзи. Тумор — ёмон кўз ва ёвуз  
дилларга қалқон, шум ниятдиларга  
қопқон!)

Неча Навоий, неча абдуллолар умр  
бўйи оналарини мадҳ этиб,  
қулларнинг бирида назм дафтарининг  
бир чеккасига «Она, бир кунлик  
хизматингизни ҳам қайтара олмадим»  
дея ёзиб қолдирадидилар...

Дарҳақиқат, Она, бу тонг Сизни  
муборакбод этишга табиат ҳам лол  
эди: Она! Бу оқшом самога бир нигоҳ  
ташладингизми?! Юлдузлар ҳам, ой  
ҳам таъзимда эди. Виқорли тоғлар эса

тоғлигини унутиб Сизга бош эгмоқчи  
бўлдию, бу ишни уддалолмай  
хижолатда қолганди...

Онажон, қишлоғим кишиларининг  
қалбидай кенг этакларингизни  
тутинг — ҳали ҳеч бир кимса  
сирларини уқолмаган юлдузлар  
шодасига барингизни тўлдирай!

Онажон, қулочингизни кенгроқ  
ёйинг: ойнинг нуридан, қуёшнинг  
ҳароратидан, булбулларнинг  
хонишидан, баҳорнинг настарин  
гулларидан, заминнинг саҳийлигидан  
ясаган гулдастам билан бағрингизни  
тўлдирай...

Март гуллари — ҳаёт гуллари  
Ҳар бир дилга шодлик йўллайди.  
Китобларга сиғмас тилак ҳам  
Гулдастамиз ифорида жам.

— Она, нечун «Аёл — дунёнинг  
устуни» дейилар? У қай замину, қай  
замонда бунёд бўлган? Унинг  
сайқалқори ким?

— Йўқ, йўқ, — дея жавоб беради  
сирли бир овоз, — бу устун сайқал  
билан эмас, самимий меҳр билан  
умрбоқийдир, қизим!

Мен ҳаяжондан атрофга қараб  
астагина ҳайқираман:

— Меҳрингиз дарёга айлансин  
одамлар! Меҳрингиз дарёга  
айлансин... Дунё устунининг умри  
узоқ бўлсин...

Менинг пастаккина овозим олам  
узра таралиб, қаерлардандир  
садо келади: «Умри узоқ бўлади,  
умри узоқ бўлади дунё устунининг».

Меҳри дарёга айланган, аёли бор  
элнинг тириклик дарёси асло қуриш  
билмайди. Унинг мавжларида  
юртнинг бахти — Ватаннинг бойлиги  
тўлқинланади. Соҳилларида эса  
қувонч, шодлик, зафар гуллари  
очилади: гўё менинг назаримда Она  
юрагида меҳр ва самимийлик булоғи  
очилгану, ўша булоқ кўзини ахтариб  
тополмаётганимдек...

Она, менга кўрсатинг ўша булоқ  
кўзларини... Атиги бир марта, бир  
мартагина ўша булоқ сувларига  
юзимни — юрагимни ювай!..

Она, Сен эл номусининг  
кўрғонидирсан!

Она, Сен ҳур Ватаннинг ўлмас  
забонисан! Сен бор экансан турфа  
кимсалар томонидан топталган  
тилимга ҳам, муқаддас элимга ҳам  
гард, ғубор асло юқмайди.

Она! Баҳор гулларидан яралган  
Она, қир-адирларга назар ташла:  
майсалар сенинг йўлларингга поёндоз  
бўлиш учун шошганча бўй чўзаяпти,  
гулу лолаларнинг ғунчалари эса  
очилолмай — Сенга нима деярини  
билмай турибди.

Она, ул ғунчалар очилгунча ижозат  
бер, бағрингни оч:

МЕН ГУЛ БЎЛИБ КИРАЙИН СЕНИНГ  
ҚАЛБИНГГА!..

Дилфуза ШОМАЛИКОВА





Қодир эгам мунисаларни яратарда гўзал, нафис, латиф, жим-жимадорлиги билан қимматбахо саналган тақинчоқларга ошуфталикни омухта қилганми... Бўлмаса, қизалоқларимиз чулдирмай, қулоқларимиздаги сирғаларимизни тортқилишармиди, узукларга ҳавасланиб тикилармидилар, маржонларимизни талашармидилар?

Аслида, менинг «инсон одоби билан гўзал» деган мақолга эътирозим йўқ. Албатта, бу ҳикмат ҳамма кишиларга тааллуқли. Лекин аёл-аёл-да! Совет тузумида: «Меҳнатдан ортиқ безак йўқ инсон учун», — деган ақидани ҳар сонияда эшитиб, ҳис қилиб турдик. Шижоатда, зарбдорликда эркалар билан тенглаша оладиган «эркину бунёдкор аёл» шахсини шакллантиришга бутун жамият сафарбар этилди. Бундай аёл «оиланинг майда-чуйда ташвишларига ўралашиб қолмаслиги, шахсий кўнгил майларидан устун турмоғи, биринчи навбатда она ёки аёл эмас, совет фуқораси бўлиш керак» эди. Етмиш йиллик изчил сиёсатнинг аччиқ мевалари таъми ҳали оғзимиздан кетгани йўқ. Тақдирда азалдан ёзилган экан, хотин-қизлар ўз жисми, руҳияти учун бөҳад оғир юк, синов, азоб бўлган қисмат кўчасини босиб ўтдилар. Ташқи қиёфада, маънавий олам мулкида уваланиб, емирилиб кетган ганжинлар олдида моддий йўқотишлар салмоғи енгилроқдир, балким.

Мўъжиза юз бериб, асримиз бошидаги момолар билан бугунги кун аёллари юзма-юз мулоқотлашиб қолсалар... Икки томон бир-бирларини икки оламнинг эртак қаҳрамонларидай қабул қилсалар, ажабмас. Бир тилда сўзлашувчи икки авлоднинг либосларидан тортиб маънавиятларигача бошқа-бошқа шаклу шамойилда. Эҳтимол, бу қонунийдир: ҳаёт оқимидек тезкор, бўйсиндирувчи, кўнктирувчи қудрат кўп эмас. Фақат хоҳланг аёлларга хос заифлик деб тушунинг, хоҳланг гўзалликка мафтункорлик деб изоҳланг ва ёки ожизаларнинг фазилати деб ардоқланг — юз йил, балким, минг йиллар аввал яшаган момоколларимизда ҳам, бизда ҳам бир туйғу, ҳавас ўзгармаган. Бу тақинчоқларга қизиқиш, интилиш, ошуфталик.

Сезиб турибман, айна фикримдан айрим эркаларнинг авзолари ўзгарди ва ҳеч бўлмаганда, мулоимгина қилиб сочим узунлигини дилдан ўтказиб қўйдилар. Ётган илоннинг бошини кўзгаганимдан, бугунги кун шаронитини билиб туриб мана шунақа сафсата қилаётганимдан, «нодонлигимдан» норози бўлиб асабий-лашаётганлар ҳам оз эмас... Лекин айтиб қўяй: азиз эркалар, на менинг оғзимга мум солиб юришимдан, на Сизнинг минг бор таҳлилларингиздан фойда йўқ-аёл зоти барибир тақинчоқларни яхши кўраверади!

Чет эл адабиётида шундай ҳикоя ўқиганман:

Бир киши рафиқасини бөҳад яхши кўрар экан... Бахтга қарши аёл бевафолик қилибди. Куйган эр ёлғизгина ўғилчасини олиб ўрмонга кетибди. Уша ерда яшашибди. Ота фарзандининг аёл зотини умуман билмай улғайишини ва оқибатда ўзи каби бахтсиз бўлмаслигини истаркан. Уғил йигит ёшига етибди. Ота: «Қизлар ҳақида билмайди, энди уларни севмайди», — деган ҳаёлда ўғлини шаҳарга олиб боради. Қизиқ, йигит шаҳар кўчаларида ҳаммадан ҳам кўпроқ қизларга қизиқсиниб қарармиш. Охири отасидан уларнинг кимлигини сўрабди.

— Ҳозчалар, — деб жавоб берибди ота.

Шунда ўғил:

— Мана шу ғозчалардан биттасини ўрмонга олиб кетсак, жуда соз бўларди, — деган экан.

Мана шунақа, Аллоҳнинг иродасига тараф йўқ.

Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, муҳаббатли ўғиллар, оталар, куёвлар, акалар, қўлингиз икки тош орасида эмас. Яхши кунларда, умрингизнинг унутилмас онларида онангизга ё бекангизга, опа-синглингиз ёки қизингизга тақинчоқ совға қилинг, имконингиз бўлса. Жудаям қимматбахою антиқа бўлиши шарт эмас. Имкониятингиз кўтарганича-да! Ва билингки, бу ҳадянгиз шунчаки моддий инъом бўлмайди, аёл уни бир умр миннатдорчилик ила кўнгил мулкида асраб, авайлаб юради. Мунисанинг гулбаргдай нафис, таъсирчан қалби тақинчоқ совға қилганингиздангина эмас, унга шундай эътиборингиздан, гўзал муносабатингиздан хушбўйларини атиргулдай таратаверади.

...Мақтабда, юқори синфда ўқиётган пайтимда онам билан чокпулига дўппи тикардик. Бир куни дўппиларни олиб борсам, дўппифурушикида нотаниш аёл ўтирибди. Йирик, тўртбурчак

ёқут кўзи чақнаб турган бир узукни сотмоқчи экан. Қўзимга ўтдай кўринди, узукни тақиб кўрмоқдан ўзимни тиёлмадим. Худди менинг исмсиз бармоғимга ўлчаб ясалгандай. Уша пайтларда 70 сўм катта пул, мен — ўқувчи қиз ота-онамдан бесўроқ, бемаслаҳат бир сўм ишлатишга ҳам ўрганмагандим. Лекин узукни яхши кўриб қолдим-да! Сотувчидан онамга кўрсатиш учун рухсат сўрадим, аёл рози бўлди. Уйга қайтапман-у, икки ўт орасидаман: ўзбошимчалигим учун роса гап эшитсам керак! Ҳозироқ орқага қайтиб ташлаб келсаммикин, деб ўйлардим-у... узукдан кўнгил узолмасдим.

Уйга келдим. Кўрқиб-кўрқиб онамга узук ҳақида айтдим, кўрсатдим. Онам ҳам қўлларига олиб кўрдилар-у: «Майли,» — дедилар сал ўйланиб, лекин ранжимадилар. Уша пайтда 70 сўмни онам иккалаимиз бир ой мобайнида босим ўтириб дўппи тикиб топишимиз мумкин эди...

Шу воқеа хотираси ҳамон узугим кўзида, ўсмирлигимнинг ёқут кўзидай дилимда яшайди. Онам бусиз ҳам рўзгоримизнинг қам-қўсти кўплигини айтиб, бебошлигимдан нолисалар, узукни қайтариб олиб бориб бер, десалар, ҳам хафа бўлмасдим. Лекин она-я, онажоним... Қиз қалбини онадан ортиқ ким тушунибди, ундан орттириб ким ардоқлабди?!

Бу воқеани эслаганимнинг боисини тушунгандирсиз: қизлар, аёллар кўнгли нозик тақинчоқлар совға қилган одамни ўта нозик туйғулар ила эъзозлайди.

Мусулмончилиқда аёлга совға қилинган тақинчоқлар унинг ўз мулки саналади. Унга ҳеч ким дахл қилолмайди, дейилади. Бироқ имонли, инсофли аёл, она фарзандлари келажаги, соғу саломатлиги, оила бешикаст қолиши йўлида гўзал оқибатига — тақинчоқларга муҳаббатидан ғолиб кела олади. Очарчилик, қийинчилик, уруш йилларида қанча-қанча оилаларга шу тақинчоқлар асқотгани, уларни емакка алмаштириб, жон сақлаб қолганлари ҳақида момоларимиз, бувиларимиздан кўп эшитганмиз. Демак... аввало ундай кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Яратгандан ўтиниби сўраймиз. Шу билан бирга, ҳаётий ҳақиқатни, болаларимиз удумини ҳам билиб қўяйлик: аёлнинг тақинчоғи — оиланинг мулки. Илоийм, яхши кунларимизга ярасин. Ҳеч бўлмаса, қизларимиз, келинимиз, набирамизга ёдгорлик бўлиб қолади-ку!

Қаердадир, кимлар биландир тўйиб еб-ичганингиз, маишат қилганингиз, тантилигу пулдорлигингизни кўрсатиш учун керак-но керак жойда болаларингиз ризқу насибасини совурганларингиз ҳадемай хотиралардан кўтариллади-кетади. Аёл қалби-я... Бир умрлик ўқинчларни, армонларни қай лаҳзада кўрсатган бир илтифотингиз туйғули унутди, дунёдаги энг бахтиёр бекага айланади, сиз деганда парқанот боғлаб учиб-қўнади. Мўъжизгина тақинчоқ Сизнинг рафиқангизга саховатингиз, меҳру муҳаббатда тантилигингиз исботи бўлиб авлоддан авлодга ўтади...

Менинг фикрларимга айримлар: «Демак, қайси эрка кўпроқ тақинчоқ олиб берса, ўша кўпроқ қадрли экан-да. Қандай йўл билан бўлса-да, пул топиб, тақинчоқлар ҳада қилиш керак эканми?» — дея захарханда кесатиқ қилишлари табиий.

Йўқ, мен ҳалол меҳнат эвазига сотиб олинандиган, ҳар бир аёлнинг ҳаётию бисотида қадрлигина, саноклигина, ардоқлигина бўлиб қоладиган тақинчоқлар ҳақида фикри ожизимни билдирдим. Буларга қўшилмаслигингиз, айтганларимнинг ноҳақлигини исботлаш учун шўх бошлашингиз мумкин. Лекин яна қайтараман: барибир ҳеч нарса ўзгармайди, аёл токи аёл экан, тақинчоқларни жудаям яхши кўраверади!

Шу ўринда айтиб қўймасам бўлмас: Менинг тақдирдошларим юқорида айтилганларни дастак қилиб, оилада майдаю катта ғавғо кўтармагайлар. Улар ўз умр йўлдошларининг ишига ривож, дилга хотиржамлигу ёруғлик тилаб, муҳаббатлари билан хонадонни чароғон қилиб яшайдилар, деган умиддаман. Шунда Аллоҳ рўзгорга барака ато этгай, иншооллоҳ.

Сиз — чинордек оталар, акалар, куёвлар кўнглини заррача ўксинтирмоқ ниятин йўқ. Имкониятлари беқиёс она Ўзбекистонимизда Истиқлолнинг қудратли қўллари бой маънавият, тўқис моддийёт оламларига кенг йўл очмоғидан умидворимиз. Шунда, Сизга кенг феъл, кетмас давлат, топганларингизнинг хайру барикасини берсин, деб дуолар қиламиз.

Муҳтарам УЛУҒ



# ЭРТАНИНГ ЁДИ-ЛА ЯШАСА АЁЛ

Яқинда Марказий Осиё ва бошқа мусулмон давлатлар хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари давримизнинг нуфузли хотин-қизлар ҳаракатларидан бири ҳисобланган Умулмажаҳон Гайд-қизлар уюшмаси фаолияти билан танишиш, ана шундай хайрли ишни юртимизда ҳам йўлга қўйиш учун Покистонда 2 ҳафта тажриба алмашиб қайтдилар. Қуйида ана шу вакиллардан бири — Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси раисининг муовини **Адолат НОСИРОВА** билан бўлган мулоқот.

**М:** — **Адолатхон, мухлисларимизни аввало Гайд-қизлар уюшмаси фаолияти ва унинг олдига қўйган мақсади билан таништирсак.**

**А. Н:** — «Гайд» инглизча сўз бўлиб, «Йўл бошловчи» маъносини англатади, яъни бу халқаро ташкилот умумжаҳон етакчи қизлар уюшмаси, деб аталади. У кўнгилли, ҳукуматга тааллуқли бўлмаган ташкилот бўлиб, 8 та миллий ташкилотни бирлаштириб турибди. Бутун жаҳонда ана шу халқаро ташкилотнинг 8 миллион аъзоси бор.

1908 йилда инглиз Роберт Баден-Пауэлл ана шу етакчи қизлар ҳаракатига асос солган эди. Икки йилдаёқ бу ҳаракат Буюк Британиядан дунёнинг бошқа мамлакатларига ёйила бошлади. 1919 йилда эса Баден-

Пауэллнинг рафиқаси Олаве жаҳондаги етакчи қизлар ташкилотлари ўртасида алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш мақсадида

Халқаро кенгаш тузди. 1928 йилга келиб эса бу кенгаш умумжаҳон етакчи қизлар уюшмасига айланди. Ҳозир уюшманинг қароргоҳи Англия пойтахти — Лондонда жойлашган.

Ушбу уюшма ўз олдига дугоналарига етакчи бўла оладиган қизларни аниқлаш, уларни ўқитиш ва тарбиялашни мақсад қилиб қўйган. Уюшмага ирқи, миллати, ижтимоий ҳолати, эътиқодидан қатъий назар барча иқтидорли қизлар кўнгилли равишда аъзо бўлиш мумкин. Бу уюшма ҳар қандай сиёсий партия ёки ташкилотлардан мустақилдир.

— Уюшма аъзоси муваффақият қозонишига ишониши керак, зеро, у фахрланадиган, худди унга ўхшаш кишилар муваффақият қозона олганлар.

Покистон хотин-қизлар ташкилоти ҳам етакчи қизларни тарбиялаш, уларни ўқитишга катта эътибор бериб келмоқда. Ҳозирги ҳукумат раҳбари, бош вазир Беназир Бхутто хоним, ўтган йили Туркия бош вазири бўлган Тансу Чиллер хонимнинг жамиятдаги нуфузлари Гайд-қизлар уюшмаси олдига қўйган мақсаднинг ёрқин исботидир.

Ҳозирги кунда Покистонда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолликлари ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатда ҳукуматга қарашли бўлмаган 4500 та жамоат ташкилоти бор. Уларнинг раҳбарлари ва аъзолари орасида хотин-қизлар

салмоқли ўринни эгаллашади. Бу жамоат ташкилотларини мувофиқлаштириб турувчи кўмита раисаси эса Бегим Шоҳин Раҳмон экан.

Ғоят серғайрат, шодон, гапга чечан, айна пайтда сермулоҳаза бу хоним ўта ташкилотчилик солоҳиятига эга экан.

**М:** — **Маълумингизким, моддий базасиз ҳар қандай олдинга қўйилган мақсаднинг амалга ошуви осон эмас.**

**Бундай жамоат ташкилотлари фаолиятлари учун маблағни қаердан олишар экан!**

**А. Н:** — Улар ўзларини давлатнинг ёрдамчилари деб ҳисоблашар экан. Тўғри, жамоат ташкилотлари кўп ҳам сиёсатга аралашавермайдилар. Бироқ, мамлакатни, халқни олдида

турган муаммоларни ҳал этишда ўзларини сафарбар деб биладилар. Аҳолидан тўплаган ҳайрия маблағлар ҳисобига мактаблар, касалхоналар, ночор оилалар учун уй-жойлар

қурадилар. Мусулмончиликда закот деган тушунча бор. Яъни даромадининг қирқдан бир қисмини хайр-эҳсон қилган. Айниқса, бадавлат кишилар ишлаб топган

даромадларининг анчагина қисмини ҳайрия мақсадларига сарфлашар экан. Покистон хотин-қизлар ташкилоти ҳам асосан ана шу

ҳомийлар тўғрисида ўз фаолиятларини моддий муаммоларсиз амалга оширадилар. Улар ҳисобига бу

ташкилот учун муҳташам бинолар, энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган ўқув хоналари, дам олиш масканлари қурилган, машиналар харид қилинган.

**М:** — **Икки ҳафталик тажриба алмашишдан бир хулосага келгандирсиз, албатта.**

**А. Н:** — Гайд-қизлар уюшмаси дастури асосидаги машғулларда

Покистоннинг таниқли олимлари, иқтисодчилари, зиёлилари, адабиёт ва санъат намоянадалари ҳозирги даврда хотин-қизлар ҳаракатининг курраи

заминимиздаги тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида дўстлик алоқларини кенгайтиришдаги аҳамиятига алоҳида урғу бердилар.

айни вақтда бу машғулларда дугоналари учун шахсий ибрат бўла оладиган, уларни эзгу мақсадлари сари бошлашга қодир ташкилотчи етакчилар учун зарур билимларни бериш, кўникмаларини ҳосил қилишга катта аҳамият берилди. Биз жаҳон хотин-қизлар ҳаракати, аёллар

олдида турган муаммолар ҳақида батафсил маълумот олдик.

Гайд-қизлар уюшмасининг энг асосий вазифаларидан бири қизлар тарбиясидир. Покистонда, умуман мусулмон мамлакатларида бу масалага жуда катта эътибор

берилишининг гувоҳи бўлдик. Қиз бола тарбиясига туғилган кунидан бошлаб эътибор берилар экан.

Мактаб ёшига етгач эса ҳар тарафлама чуқур билимли мураббийлар қўлига топширилади.

Анъанавий билимгоҳларда бериладиган сабоқларга қўшимча равишда ўзларини жамиятда ва

оилада муносиб ўринларини эгаллашлари учун зарур билимларни олишда гайд-қизлар уюшмасининг ўрни катта экан.

Бизнинг мақсадларимиз мусулмон аёлларининг халқаро миқёсда обрў-эътиборлари янада ошишига ҳар тарафлама кўмаклашишдир,— дейди

Бегим Шерозий хоним.— Токи Беназир Бхутто, Тансу Чиллер хонимлар каби давлат ва ҳукумат арбоблари, жамоат намоянадалари сафи табора кенгайиб бораверсин.

Гайд-қизлар уюшмаси фаоллари ўқувининг ташаббускорларидан бўлган Бегим Шерозий саксонинчи баҳорини қаршилаётган бўлса ҳам

ғоят серғайрат, қалби дарё аёл экан. У халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг ҳам фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади.

Шерозий хоним Покистондаги катта мулк эгаларидан бирининг қизи. Отасидан унга катта мерос қолган. Унинг иккита ўғли Америка Қўшма Штатларида яшаркан.

Шерозий хоним ўзи сингари фидойилар билан биргалиқда ночор кишилар учун билим олиш ва соғломлаштириш марказини ташкил этган. Бу ерда илм эгаллайдиган

камбағал ва ногирон болалар махсус автобусларда ўқишга олиб келиниб, яна уйларига олиб бориб қўйилади.

Билим олиш марказидаги ўқув хоналарида ҳар бир ўқувчи учун компьютер, бошқа замонавий ўқув қуроллари муҳайё.

Даволаниш бўлимларида ҳам энг замонавий тиббиёт асбоб ускуналар етарлича. Бу ерда ҳафтада бир марта 50-60 нафар бемор бепул операция қилинар экан.

Операцияларни амалга ошириш учун мамлакатнинг энг машҳур жароҳлари тақлиф қилинаркан.

Покистонда полимелит касали анчагина кенг тарқалган.

Фаолларнинг айтишича, бу хотин-қизлар ўз вақтида ана шу дардга қарши эмлатилмаганларининг оқибатидир. Ҳозир бу профилактика тадбири кенг амалга ошириляпти.



# КАСАЛ КЕЛИН...

Гайд-қизлар уюшмасининг фаоллари, аъзолари бу марказ ходимларининг энг яқин ёрдамчилари экан. Улар ночор болаларга билим беришда ҳам, беморларни даволашда ҳам меҳрларини дариг тутмайдилар. Ташкилот ташаббуси билан бу ерда ҳайрия концертлари ҳам уюштирилади. Покистоннинг энг таниқли санъаткорлари бундай томошаларда иштирок этишни ўзлари учун шараф деб биладилар. Концертга йирик фирма ва компанияларнинг раҳбарлари, тадбиркорлар, тижоратчиларига ҳам таклифномалар юборилади. Улар ҳам бу таклифни бажонидил қабул этишади. Албатта концерт ҳайрия мақсадларида уюштирилганлиги сабабли анчагина эҳсонлар ҳам тўпланади.

Гайд-қизлар уюшмаси аъзолари орасида ўзига хос анъана ҳам бор. Яъни бу ташкилот аъзоси она бўлгач, қизини ҳам гайд-қизлар сафига тортади.

— Бу халқаро ҳаракат ҳозир Покистонда жуда ривожланган,— дейди канадалик Лора.— Мен ўзим 6 ёшимдан шу ташкилотга аъзо бўлганман. Кейинчалик Англияда бўлиб, ҳаракатимизнинг кенгайтиришга озми-кўпми ҳиссамни кўшдим. Уз вақтида собиқ СССР да ҳам гайд-қизлар ҳаракатига асос солиш учун Москвада бўлгандим. Шу мақсадда Беларусь, Болтиқ бўйи республикалари, Тожикистон ва Қозоқистонда ҳам бўлганман. Фикримча, Гайд-қизлар ҳаракати Ўзбекистонда кенг қулоч ёйиши учун ҳамма шарт-шароитлар бор. Президентингизнинг «Соғлом авлод учун» ҳаракати ташаббускори бўлганидан ҳабардоримиз. Бу бизнинг халқаро ташкилот фаолиятига жуда мос тушади. Шундай экан, республикангиз хотин-қизлар комитети бу ҳақда ўйлаб кўрса фойдадан холи бўлмасди.

Икки ҳафталик ўқув давомида бизнинг миямизда ҳам худди шу фикр чарх урди. Республика хотин-қизлар кўмитаси бу соҳада катта иш олиб бораётганлиги яхши маълум. Лекин кўмита қошида қизларимизнинг ўз мустақил ташкилотлари бўлиши ҳам чакки бўлмасди. Унда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қизларнинг билим олиши, ҳунар эгаллаши, айниқса тарбияси масалалари билан аниқ мақсадни кўзлаб шуғулланиш мумкин бўлади. Бунини қизлар уюшмаси, деб атаса ҳам бўлади. Улар мустақил Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда фидойи бўлиш руҳида тарбия топган, ўз дугоналарининг етакчилари бўлиб етишишига имоним комил.

**М:** — Мазмунли сўхбатингиз учун раҳмат. Олдингизга қўйган мақсадингизга эришувингизда эшмиз.

**Сўхбатдош Холтош УСМОН қизи**

**ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА** ёзилишича, спарталиклар нозик, нимжон чақалоқларни жарга улоқтиришаркан. Бир парча вужудга, энди дунё юзини кўрган фарзандга бўлган меҳрга нисбатан уларда наслнинг тозаллигини, соғломлигини сақлашдан иборат бурч туйғуси кучли экан. Чақалоқни қабила вакиллари онаизор кучоғидан суғуриб олишади-да, қузғунлар чарх урган тубсиз жар бошига келишади.

Бир парча матога ўралган маҳкумани оқсоқол қўлига тутқазиганда, у йиғилганларга юзланиб дейди: «Эй, шавкатли спарталиклар! Эй, доимо ғолиб, ҳамиша қадди чинор, халқим! Мана бу чақалоқ, мана шу ушқоқ вужуд, мана шу номукамал мавжудот эрта-индин улғайиб наслимизни бузмайдими? Тағин ундан бўлажак фарзандлар бизни иснодга қўймайдими? Қани ким иснодни бўйнига олади?.. Иснод ўлимдан оғир!.. Биз бу норасо мавжудотдан воз кечажакмиз!..» Атрофда: «Жарга!.. Жарга!..— деган ҳайқириқлар янграйди.

Спарталикларга жисмонан етук, бақувват, ҳарбу зарбларда иш берадиган қиз-ўғлонлар керак эди. Бундай айтганда, тоғни тепса талқон қилиб ташлайдиган, Миср эҳромларини орқалаб кета оладиган «иш ҳайвонлари» керак эди. Ҳа, «ИШ ҲАЙВОНЛАРИ»! Албатта, ҳар қандай замон нуқтаи назаридан қараганда, норасо мавжудотларни жарга улоқтириш ўта шафқатсизликдир. Мавжудотларни табиий танланишини сунъийлаштиришга уринган спарталиклар шаккоклиги учун яратганининг қаҳрига учраб кетганлар, уларни бегуноҳ гўдакларнинг уволи тутган.

Чақалоқларини очикдан очик мавҳ этадиган қавмлар, эллар бизнинг давримизда йўқ. Лекин, афсуски, инсонга раҳимсизларча қаровчи кимсалар учраб тураркан. Яқинда бир аёлнинг арз-ҳолидан хабар толганимда бунга инонмай иложим қолмади. У ҳамма қишлоқ қизлари қаби муштдайлигидан ғўза оралаб, далаларда «тобланган», нозик елкасида ўз оғирлигига тенг юкли этакларни кўтарган, хуллас, шундай ҳаёт тарзи ичра вояга етганди. Қўшни қишлоқлик меҳнаткаш бир йигитга юлдузи юзланди.

Шод-хуррамлик билан уни узатиб боришди. Чилласи ўтган келин янги уйдан кетмон олиб далага чиқиб кетди. Ўзи билган дала, синашта меҳнат, арзанда ўсимлик. У қайната-ю, қайнонасининг кўнглини ўстириб ишлайверди. «Гумонам ҳақиқатга айланиб, тез-тез ҳолсизланадиган, кўнгил

алланарсаларни қўмсайдиган пайтлари пахта теримга тўғри келди. Эрта кетиб, кеч қайтаман. Овқатланишнинг ҳам маъқули йўқ. Уззукун оғир юк кўтариш, иссиқ, чанқоқлик дармонни қуритади. Тишни тишга қўйиб ишлайвердим. Қайнонамнинг ҳол сўрашини, шафқат кўргизишини, ҳеч бўлмаса туғилажак неварасини ўйлашини кутиб яшардим. У киши эса: «Бўлақол, борақол, ишингдан қолма»,— деб далага ҳайдарди. Қайнонамнинг муносабати ҳам шунга ўхшашроқ: ишга кетаётганимда бир чиройи очилса очилади, бошқа пайт қовоғи уйилган юрарди» (жувоннинг арз-ҳолидан).

**КИМ ЎЗБЕКЛАРГА** бундай машаққатли меҳнатни раво кўрди экан? Ким миллат ифтихорини меҳнатга тенглаштирди экан... Кунлар санаб, ўз бардошини синаб келаётган ҳомиладор аёлнинг тоқати синди. Олтин кузнинг ўрталарида, пешинга яқин букчайганча даладан қайтди.

Туни билан инграб чиқди. «Ҳай, бироз чарчаган, ўзининг юки ҳам оғир-да»,— деган қайнона эрталабга яқин келиннинг аҳволидан ташвишга тушиб қолди. Уни касалхонага олиб боришди. Беморнинг аҳволи мушкуллигини сезган ҳакимлар ҳомиладан воз кечиш орқали аёлни сақлаб қолишга қарор беришди.

У ёғини келин гоҳ худ, гоҳ беҳуд, ғира-шира эслайди. Бошида айланишган жарроҳлар, тиғлар, оғриқ азоби. Сўнгра бир ойга чўзилган реаниматсия бўлимидаги талвасалар. Тавба, нега одамзод ҳаётининг оғир паллаларида ўлимни қўмсайдиган? Нега фарзандидан нолиган она:

«Гўдаклигингда нобуд бўлиб кетсанг бўлмасмиди»,— деб куйинади? Нима, гўдаклар ўлиш азобини ҳис этишмайдими? Гўдакларга ўлиш осонми?! Фарзандини опичлаб дунёни севинтириш насиб этмаган келин юрагининг ёнгинасида асраган умиддан айрилиб, уйига қайтади.

«Касалхонадан чиққанимдан кейин уйдагиларнинг менга муносабати бутунлай ўзгарганини, худди мен у дунёдан қайтганман-у, булар мендан ижиргани қарашаётганини пайқадим.

Овсинимнинг қовоғи уйилган. Қайнотам беписанд қарайди. Улиб кетсам бўлмасмиди, дейман.

Буларнинг қайси бирига яхши кўринайин деб бошим қоатади. Уз уйимда қимтиниби, бегонадай ётсираб, аҳволимдан уялиб яшайман. У кишининг ўғли — куёвим уйдан кўра кўчада кўпроқ хурсанд. У оиладаги совуқ муҳитга ўз таъсирини ўтказолмасди. Бунга уринмасдиям шекилли...» (жувоннинг арз-ҳолидан).

Таранг тортилган торлар бир кун узилди. Иш бермай қолган келинга нисбатан ошаётган нафрат бир сабаб ҳаммага ошкор бўлди. Фалокат босиб



келин дастурхон бошида чойнакнинг жўмрагини синдириб қўйди. Овсин болалари билан, қайнона, қайнота — ҳамма жамулжам эди. «Қўлгинанг қалтирамай ўла, кўзкуйги!» — деган ҳақорат келиннинг юзига лов этиб урилганда, у қайнонасига тик қарашга журъат топа олди.

— Ундай деманг, момо... Сезмай қолдим. Эвим қурсин... Қарғаманг, — деди лаблари қалтираб. Момосининг лаби лабига тегмасди энди.

— Ўлиб бўлмадинг сен. Текин нонни катта тишлаб ётаверасан. Ейсан, ютасан. Бул етмагандай, синдираман... Шўр, қачонларгача боқамиз сени!

— Моможон, миннат қилманг-эй! Майли, эртага ишга чиқиб кетаман. Ўлсам, ўлигим далада қолсин... Бир парча нонингизни миннат қилманг, — деди келин кўзлари жиққа ёшга тўлиб.

— Гўр қиласанг... гўрлар қиласан! Энди қора ерга кирганда ишни тиндираман!..

Келиннинг дили ёмон оғриди. — Бировга ўлим тилагунча, ўзингизга умр тиланг, иймон тиланг. Тилингиздан кофир очманг! — деган гапи гап бўлди-ю, қайнотасини жини кўзгади.

— Ановингга айт, буни эртагаёқ оббориб ташласин, — деди қайнота жаҳлнинг зўридан юзлари кўпчиб. — Етар шунча юргани. Бизга бундай келин керак эмас!..

Отам ўрнида отам дегани, чехрасининг ёришишини узун кунлар етти букилиб кутгани шундай деди... «Бизга яримжон келин керак эмас!» — деди. Келиннинг дарди дунёси зулматга чўкди...

«Эртагаёқ оббориб ташласин!» Эй одамлар, чиқитга чиққанларни ташлайдиган жарликлар қаердадир атрофимизда ҳозир ҳам бордай туйилмаяптими сизга? «Истасам, ўғлимга ўнта соғлом қиз олиб берман!» — деган отанинг оёғи ўша жарликка тойиб кетмаяптими? Йўқ, унга соғлом келин эмас, соғлом, бақувват «иш ҳайвони» керак!

— Куёвим шу ота-онанинг тарбиясини олиб улғайган. У ноилож, — дейди келин. — Лекин у мендан воз кечмоқчи эмас. Оиламиз бузилмасин, ёрдам беринглари!..

Тавба чорасиз, «касал» келин жар лабида туриб кўмак тилаётгандай. Спарталиклар оқсоқолининг қўлидан нарига улоқтирилган чақалоқнинг ингроғи бор бу аёлнинг арз-додиди. Жарлик... Бир қадам, у ёғи тубсиз ўпқон, ютади. Худо сақласин! Ҳеч кимни бир илинждан айирмасин! Қанийди, соғлом, аммо ҳайвонсифат кимсалар кўнгиллари жарлигига қулашса. Токи ҳувиллаган юракларида нима етишмаслигини билсалар, англасалар эди..

**Алишер ПОЙОНИ**  
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри

## (ЭССЕ)

Мен акамни йўқотиб қўйганимга анча бўлди! Ун беш ёшдамидим ёки ўн олтидами? Ҳар қалай, онгимда «акам — ўғил бола, мен — қиз бола» деган тушунча пайдо бўлган ойларида оиладаги ўртоғим, ҳамроҳим, қўриқчим ва қанотим бўлган акамдан ўзимни тортганим эсимда... Аввал жисмонан, секин-секин руҳан акажоним билан иккимиз орамизда парда, кейинчалик Хитой девори тикладик... Ёшлигим осмонида эса Акажонимнинг салобати жуда юксакда ярқираб туради. Бу ёрқин шуёла довқир сингилни тўғри йўлдан оғмай ахлоқан покиза ўсишимни таъминлади. Бало-қазолардан, кўнгил ҳавойиликлардан қайириб турди. Кейин «ёр-ёр»га бош эгиб чиқиб ота даргоҳимдан учирма бўлаётган лаҳзада дарвоза остонасида дадам билан ёнма-ён туриб оқ фотиҳа берган эди...

Ушандан бери чорак аср вақт ўтди! Куни кеча!.. Мен акамни топиб олдим! Рухимда, қалбимда сурати хиралашган жигарим, аслида ортимда Тоғга айланган Мени суяб турган экан!

Биз ҳамон бирга эканмиз! Жондошлик, киндикдошлик, қондошлик ришталарини на вақт, на ўзгаларга муҳаббат, на шахсий улкан бахт узиб ташлай олмас экан. Қолаверса қуш инида кўрганини қиларкан. Акам, мен ўсган ошиён жуда тоза масканда. Андижон шаҳрининг белини тутиб тургувчи Хутонариқ номли анҳор бор. У жуда хосиятли. Бу анҳор сувидан ичган ҳар тўрт кишининг икки нафари ё шоир, ё санъаткор. Абдулҳамид Чўлпон, Саида Зуннунова каби ёрқин юлдузлар ана шу анҳор бўйларидан...

Хутонариқ атрофида таркиб толган маҳалла-кўй одамлари илмли, маърифатли. Шунинг учунми, бу маҳаллани «Маориф» маҳалласи деб аташади. Тақдир менинг зуваламни ҳам ана шу маскандаги маърифатли, бообрў хонадонлардан бирида қорган экан. Чоғроқина ҳовлида ўттизга яқин кишилардан иборат ўта катта оилада аҳил яшардик. Бу кичик ҳовлидаги раҳматли оппоқдадамиз Сайфутдин Қори ота Қосимхўжа авлоди эдик. Ҳамма оилачанинг уй-жойи, қозон-товоғи алоҳида-алоҳида бўлса-да, ҳовлидан кўчага ягона дарвоза орқали қатналарди. Тўғрида — дарвозага беткай уйчада оппоқдадам билан катта бувимлар истиқомат қилишарди. Уғил-қизлару неваре-чевараларнинг ҳаммаси кўчага чиқишда ҳам, ҳовлига киришда ҳам дераза ойнаси ёнидаги кроватда ўтирган оппоқдадамизга салом бериб ўтардик... Саксон ёшни қоралаган падари бузрукворимиз ҳаммамизнинг юриш-туришимиздан бохабар ўтирадилар. Оппоқдадамиз асримиз бошларида Бухорога бориб, Мирараб мадрасасида таҳсил олган, сўнг лотин ва ўрис алифболарида ҳам савод чиқарган киши. Кексаликнинг узун кунларида оппоқдадамиз ҳар куни

ўнлаб рўзнома ва ойномаларни кўздан кечириб чиқишга улгурардилар. Радио ва «зангори экран»да берилган янгиликлар билан муҳим воқеаларни ёдга чизиб олардилар. Шу янгиликлар юзасидан биз ёшларни имтиҳондан ўтказиб турардилар...

Бу хонадоннинг барча аъзолари бир-икки марта оппоқдадамиз айвони ёнидаги сўрига жам бўлардик. Энди билсам, оппоқдадамиз ўз зурриётларини ўзаро аҳил бўлиши учун шундай — бир ҳовлига ҳалқалаб, катта дастурхон атрофига йиғиб турарканлар. Ана шундай дамларда падари бузрукворимиз кўпинча ибратли ҳикоятлар, ривоятлар сўзлаб берардилар.

Болаликда жон қулоғим билан эшитган ривоятларимдан бири айниқса шу кунларда хаёлимда кўп айланмоқда.

...Бир киши ўз оила аъзолари билан қайиқда дарёдан ўтишаётган экан. Қаттиқ тўфон туриб кемани ағдариб юборибди. Оила бошлиғи кучли, эпчил киши экан. У олдинда оқиб кетаётган сингисига етиб бориб, уни қирғоққа чиқариб қўйибди. Кейин опасини судрабди. Сўнг хотин бола чақаларини бирма-бир қутқарибди. Шунда бу воқеани қирғоқда кўриб турган киши ҳайратлибди сўрабди:

— Оғайни, нега шундоқ ёнингизда оқаётган хотинингизнингмас узоқда оқиб кетаётган сингилнингизни қутқаришга ошиқдингиз?

— Эй, дўстим! Хотин — йўлда, бола-белда, опа-сингил қайда? — деб жавоб берибди ҳалиги киши...

Мен бу ривоятни авваллари кишининг хотин бола-чақаларига нисбатан адолатсизларча ёндошилган ҳукм, деб англардим. Мана, бугун ёшим бир жойга борди. Оқ-қорани таниб, қорли-қировли кунлар шиннагини тоғиб кўрдим. Энди бу ривоятдан бутунлай бошқа хулоса чиқараман:

...Фарзандлар камол топиб, ота-она даргоҳидан бирма-бир учирма бўлгач, аввалги туғишганлик муносабатлари сийраклаша бораркан. Уғилдир, қиздир истаса-истамаса, ўз турмуш ўртоғи ва фарзандларига боғлиниб қоларкан... Турмуш ташвишлари опа-сингиллар орасидаги масофани тобора узоқлаштиради, ака-укалар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини андек бўшаштириб қўяркан... Ҳаёт эр-хотин ва ота-бола, она-бола ўртасидаги муҳаббат ришталарини ҳар кун, ҳар лаҳзада ўз-ўзидан чирмаб бораркан. Лекин... киши ҳушёр тортмасе рўзгор юки жигарбандлик ришталарини узиб юбориши мумкин экан...

Камина бу ҳақиқатни балки ҳали-вери англамаган бўлармиди...

Агар яқинда шумшукиб қолган уйимга акам кириб келмаганда... Билмадим, қисмат бўрониди тўзган иро-



# Акам уйга Келган кун

дам яна қанча вақт карахт ётган бўларди-ю, одамлардан, оламдан сови-ган кўнглим қачон ҳаёт отини атар-ди?!  
Уша куни — акажоним мени йўқ-лаб келган куни синиқ қаламим ҳам йўрғалаб кетди. У ранглар дафтарим юзига қора райхон селоби ила қуйи-даги сатрларни битди:

## АКАМ МАҲМУДЖОНГА

Ака!  
Жоним акам —  
Менинг паноҳим!  
Ҳаётим шомиде ёнган  
чироғим!  
Қуриган денгиздан қолган булоғим —  
Акам!  
Жоним акам!  
Менинг паноҳим!  
Марҳабо —  
Қарсиллаб синган уйимга!  
Марҳабо —  
Чирсиллаб, тинган куйимга!  
Марҳабол!  
Торим ҳам,  
Тўрим ҳам, —  
Бўм-бўш!  
Бугун...  
Биз ёқда...  
Йўқ  
Ҳаттоки бойкуш!  
Елкада улғайтган беминнат қорим!  
Гуллатиб узатган жаннат баҳорим!  
Борлигимни икки жаҳон унутган —  
Чоғда сўраб келган ўт ҳарижоним —  
Акам,  
Жоним акам —  
Менинг қанотим!  
Келинг,  
Хуш келибсиз  
Кул хонадонга!  
Йигирма беш йилки, бу хонадонга —  
(Тоғларга, боғларга — гул хонадонга,  
Хур, нурлар учун дулдул  
хонадонга!) —

Келиб,  
Ким-кимлар қад ростлаб  
кетмади!  
Фақат сиз...  
Тортиниб...  
Фаҳмим етмабди —  
Барча уй бекасин азиз меҳмони,  
Ҳар қизнинг мадори,  
Таянчи,  
Шони —  
Акаси бўларкан.  
Акаси-ёлғиз!  
Мен бўлсам...  
Мен ношуд,  
Мен эси паст қиз —  
Ҳар ёши улўғроқ эркак зотига —  
«Ака» унвонини қўшдим отига!  
Бу расо сўз қаддин энгаштирдимми?!  
Ҳар кимни мен Сизга  
тенглаштирдимми?!  
Кимнидир «ака» деб чақирган  
чоғим —  
Қалқинган бўлсангиз —  
Кечинг гуноҳим!  
Гуноҳим биттамас, Мингтадир балки!  
Гуноҳим Сиз менга қилган иззатлар.  
Мен Сизга қилолмай қолган  
хизматлар —  
Бўйнимга осилиб йиғлайди қақшаб...  
Узим ҳам  
Хув гўдак фаслимга ўхшаб —  
Йиғлагим келяпти  
Тоб ташлаб Сизга!  
Осилиб қўлингиз, оёғингизга!  
«Баланд» бўлгим келар опичлаб  
олиб —  
Пастлардан, каслардан  
Музаффар, ғолиб!  
Кўзларимга суртиб изларингизни,  
Юрай

Чизган чизигингиздан!  
Ака, Акажоним — Менинг паноҳим!  
Акажоним менинг паноҳимга, қа-  
нотимга айланиб қолишининг чуқур  
илдиэлари бор. У оқибатли халқимиз-  
нинг ҳозирда деярли унутилиб бо-  
раётган бебаҳо қадриятларидан бири-  
дан озиқланган.

Уша, бизнинг катта, аҳил оиламиз муҳотида бу удум жуда қадрла-нар, унга қатъий амал қилинарди. Жума кунлари эркаклар кўчага чи-қишдан олдин белларига қўшимча яна биттадан белбоғ боғлаб олишарди. Пешиндаги намози жумадан чиққач эса тўппа-тўғри бозор ёки гузарлар-га боришар, ҳар имкони даражаси-да ул-бул ширинлик олиб, ҳалиги белбоққа тугиб, опа-сингиллариники-га йўл олишарди. Шундай кунларда бизникига ҳам катта тоғаларимиз ҳассаларини дўкиллашиб келиб қоли-шарди. Ака-укаларини кўриб, кекса катта бувимизнинг кўзларида нурлар пориллаб кетарди. Жума куни бу-вимиз саҳар мардондан туриб олиб, кўча дарвозасини очиб кўяр, сочла-рини ювиб оппоқ кўйлақларини ҳир-пиратиб кийиб оларди. Келин аяла-римга ҳам, биз невараларига ҳам ишонмайми, ёки сингиллик бурчига амал қилибми, бувимнинг ўзи чой-нак-пиёлаларни ярақлатиб юварди. Қутчасида асраб қўядиган писта-майизларни сочиб, тўкин дастурхон ясатарди. Бир сўз билан айтганда, оға-инлар келадиган кун бувижони-миз қаддини тиклаб, ўзини яшарти-риб юборарди...

Бу — менинг олис болалик даврим-дан қолган хотира. Яъни, у биздан икки авлод олдинги кишиларнинг яшаш тарзидан қолган ибрат. Кейин-чалик ота-оналаримиз даврида бу бе-баҳо удум турмуш ташвишларига кўмилиб, йўқолиб кетди. Менинг тенгкур дугоналарим шунинг учун жума кунлари оға-инларига бағиш-лайдиган бундай байрам суруридан батамом бебаҳра ўсдик. Назаримда ҳозир ака-укалар, опа-сингиллари хо-надонларига фақат бирор йирик мав-лудият кунларидагина қадам босади-лар, холос. Ҳамширасиникига бориб, унинг турмуши, ранг-рўйдан хабар олишга тортинадилар... Лекин мен сингил — халқимиз ўзлигини таниёт-ган бугунги кунда юқорида айтиб ўтганим, бебаҳо жавоҳиримиз — элга қайтишини истайман.

...Мана, қишлоқларда қишнинг нис-батан бекорчилик кунлари бошлан-ди. Мен деҳқон акаларимизга қиш-лоқдаги пастқам чойхонада ҳар куни такрорланаверадиган бир хил суҳ-батларнинг биридан воз кечиб, муш-фиқ сингиллари хонадонига қадам ранжида қилишларини истайман. Мен шаҳарлик акаларга қишнинг бир тутам кундаги меҳнатдан қайт-гач, узун оқшомни қандай ўтказиш-ни билмай, «зангори экран»га тер-мулиб ўтқазадиган кунларнинг бири-да — шомда сингиллари уйда чироқ ёқиб келишларини хоҳлайман. Ана шу бир қадам мунис опа-сингилларингиз учун нақадар катта аҳамиятга эга бў-лишини сўз билан таърифлаш қийин... Ҳар қанча иродали, ҳар қанча рўз-ғори тўкин бўлса-да, Аёл барибир Муштипар эканини унутиш гуноҳу азимдир!

Мукаррама МУРОД қизи



## ЭНГ КАТТА ЛАВОЗИМ

Касбим тақозоси билан севимли санъаткоримиз Гавҳар опа Раҳимова-нинг уйига боришга тўғри келди. Меҳмон иззати — дастурхонга таклиф қилдилар. Асал ва ёнғоққа қорилган чак-чак, сариёғда пиширилган зағ-зағу ўрамалар, жайдари ундан ширадор қилиб тайёрланган юпқа-ю бўғирсоқлар... ва иссиққина бўханка нон! Диққатимни ўша нон тортди:


— Қайси дўкандан олдингиз?

— Ўлманг, — дедилар Гавҳар опа. — Нима учун давлат тайёрлайдиган нонга бироз ёғни мўлроқ солиб, сув ўрнига сутни ишлатиб, ўзим учун ўшанақа нон ёпмаслигим керак? Дунёдаги жаъмики гўзалликлар, ширинликлару ноз-неъматлар — инсонлар учун! Бироз эпли бўлсак, шарқ аёли эканимизни ҳис қилсак... олам гулистон!

Ҳақиқатдан ҳам, қайси соҳада бўлишимиздан қатъий назар биз энг аввало бекалик ишимизни унутмаслигимиз керак... Ўзим ҳам энди янги гўшт келса, эринмасдан лаҳм қисмини гўшт қиймалигичдан ўтказиб, шиша банкага солиб қўяман. Шошиб турганда котлету сомса учун, чучвара-ю варақи учун қийма тайёр бўлади-да! Ёғ тақчил кунларда шилпилдоқ қилиб ейиш ҳам кўп вақтни талаб қилмайди. Бироз пиёздоғ қилиб, қиймани қовурамани (сувда ҳам қайнатиб пишириш мумкин). Баъзан тўртбурчак шаклида картошка, сабзи, турп ва шолғомларни ҳам унга аралаштиришим мумкин. Памидорни бутунлигича шўрвасига солиб, милтиратиб қайнатишим ҳам мумкин. Оддий хамирни ўртача қалинликда ёйиб, тўртбурчак қилиб кесаман ва қайнаб турган сувда пишириб олиб (сувга эски гўшт, гўшт ёки суяк-салорларни ҳам солиб қўйсак мазаси чиқади) лаганга сузаман ва қиймани (памидорни сувини сиқиб оламан) солиб дастурхонга тортаман. Таъбга қараб мурч ёки қизил гаримдори ҳам ишлатиш мумкин.

Уша, шилпилдоқ учун тайёрланган хамирдан ортганини ҳам музхонада маълум вақт сақлаш мумкин. Вақтим бўлса уни ёйиб сомса тайёрлангани каби хамирга доғланган ёғ суртаман сўнгра бироз қийма ва кўкатлар, ялпиз ошрайхонлар, ҳатто отқулоқ ёки жағ-жағларгача майдалаб, бир текисда сепиб чиқаман ва хамирни ўраб, сомсалар учун тайёрланиши каби бир текис бўлакларга бўлиб чиқаман. Уларни жувалаб қиздирилган ёғда пишириб оламан. Тайёр зувалачалар эса ҳаминша музхонада тургани — иссиқ қатлама ейишга осонгина имкон яратилгани демакдир.

Умида АБДУАЗИМОВА,  
шоира.



## Эпласанг, элақда сув

ЯРАШГАНИНИ ТАНЛАНГ

### Пазандалик, бичмак-тикмакни билмаслик ҳам гуноҳдир

«Ҳар бир сариштали аёл кийим тикмоқлик, либос бичмоқликни билмас экан, у уйга аёл аёл бўлиб келмоқлик, дунёдан ялангоёқ ва ялангбош ўтмоқлик билан тенгдир. Гўзал гул тикиш, яхши кийим тика билиш аёл тикувчиларга берадиган ақчаларини ўзида қолдиргани учун ҳар хил кийимларни бичиб-тикмак санъатини билган маърифатли аёллар

чин кўнгилдан мақтовларга лойиқдир»<sup>1</sup>.

Шукрки, гўзал хислатли қиз, жувонларни Ўзбекистонимизнинг ҳар бурчида кўришингиз мумкин. Бугун ана шундай чевар сингилларимиздан бири (асли касби муҳандис) Феруза Отаева ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола қилаёпмиз.

### ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР УЧУН

1. Бу кўйлак шифон ва шунга ўхшаш юпқа, майин матодан тикилади. Ёқа пастки қисми бурма бўлиб, пирпирак билан безатилади. Кўйлакнинг этак томони кенгроқ олинган, 2 қават қўш этак бурма қилиб тикилган. Елкаси ёстиқчали, энгнинг тепаси эса бурмали бўлади.

2. Бу кўйлакни имкон борича юмшоқ матодан тикиш лозим. Олди ва орқа кокетлари энсиз, яхлит олинади. Кокетка тагидан бурма қилиб бойланадиган боғич тикилади. Кўйлакнинг кокеткаси ва этак томонида тикилган йўл бошқа сидирға матодан бўлади. Бу кўйлакнинг елкаси ёстиқчали, энгнинг тепаси бурмали қилиб олинади.



<sup>1</sup> «Оила сабоқлари»дан.





3. Бу кўйлак ҳам нафис, юмшоқ матодан тикилади. Кокеткаси ўзбекча кўйлакларникидан фарқли ўлароқ, елкаси кичикроқ, бўйи узунроқ олинади. Енги шу кокеткага мос ҳолда бичилиб, юқориси зич бурма қилинади. Кокетка дидингизга кўра безатилади. Унда ҳар хил тасмалар, жияклар ва чиройли газламалардан қирқилган йўллар бир-бирига мос туширилиб, бостирма чокда тикилади. Кокетка бурчакли бўлиб, учига ип ёки тасмадан тайёрланган попукча тикилади. Кокетка тагидаги бурма зич қилиб терилади. Чўнтаги ён чокда бўлиб, гирдига тасма тикилади. Ёқа ўмизининг четлари, енг учлари ва чўнтагидаги тасмалар (бахя) рангги кўйлакка мос тўқроқ рангдаги газламалардан тикилади.



4. Бу кўйлак сидирға очроқ рангли матодан тикилади. Ёқа, енг четидеги бўлинмаси, тугма ва ёқа учидеги кашта-гул бир хил рангда бўлиб, кўйлакка мос ҳолди, яъни, безаб турадиганран қисмига битта бир-бирига қаратилган қават-қават ва икки четига 2 тадан оддий қаватлар солинган. Елкаси ёстиқчали. Бу кўйлак 2 бортли бўлиб, олди тугмачали.



## МАТОР СОМСА

Яна баҳор келди. Соchlари кумушдек бувижоним, меҳрлари қуёшдек ойижоним суйган, мен соғиниб кутган баҳор келди яна. Ариқ бўйларида майсалар бош кўтарди, дарахлар уйғонди, гуллар юз очди. Боғларни жийда гулларининг иси тутди. Соғ бўйларида эса ялпиз ҳиди ҳукмрон бўлди...

Қизалоқлар тўда-тўда бўлишиб ялпиз сайлига отланишади. Онажонларимиз эса ялпиз сомса қилишга киришиб кетади. Ялпиз сомсадек минг дардга даво, есанг оғзинг, ютчанг танинг роҳатланиб кетадиган яна бир баҳор ўсимлиги ўсади. Бизнинг қишлоғимиз яқинидаги тоғ атрофида яшайдиган кишилар териби, бозорга боғ-боғ қилиб олиб келишади. Ана шунда кўринг бу ўсимликка навбатни, агар Кумушконнинг матори

деса борми, навбатдагиларнинг сафи янада қуюқлашиб кетади.

Матор — маккажўхори баргига ўхшаб кетадиган ўсимлик. Уни яхшилаб тозалаб, сўнг яхшилаб сувга чайясизда, саватга ёки тоғорага тик қилиб турғазиб қўясиз. Шунда чайилгандаги сувлар оқиб кетади. Матор қуригандан кейин уни кичик-кичик қилиб тўғрайсиз, сўнг оқ пиёз (ёки кўк-бахор пиёзи)ни ҳам тўғраб, устига соласиз ва тузсепасиз (меъёрида). Шундан сўнг қиздирилган ёғни барча масалликларнинг устидан қуйиб аралаштирасиз. Хамирни туртбурчак ёки учбурчак шаклида кесиб, тайёр масаллиқни ичига соласиз. Сомсани тандирда ёпсангиз, таъми ҳеч қачон оғзингиздан кетмайди, ва ҳар баҳорда матор сомса ейиш учун бизнинг қишлоққа шошиласиз...

ХУЛҚАР,  
Паркент

ХОЛТОШ,  
Каттақўрғон-Китоб

## ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

### СУТЧОЙ

Азиз онажон, сингилжонлар. Сутчойни меңдан ҳам тотлироқ тайёрлашингизга имоним комил. Шундай бўлса-да ўзим тайёрлайдиган сутчой тайёрлаш технологиясини Сизларга тавсия этмоқчиман. Балки бу усул ҳам сизларга манзур бўлар. Мен одатда сутчой учун чой шамасини эмас, балки бирон-бир мевали, масалан, олволи, нок, беҳи дарахтининг шохчаларини танлайман. Синдирилган (15 см) шохчалар ярим қозон сувда бир пиёла қолгунча қайнатилади. Ана шу қолган сувдан шохчалар олиб ташланиб, керакли миқдорда сут солинади. Тайёр бўлган сутчойнинг тузи расоланиб, эзилган ёнғоқ, мурч солиб янада (бироз) қайнатилади-да олови ўчирилади. Косаларга аввалдан кесиб қотириб қўйилган нонингиз бўлса, солиб, устига эритилган сариеқ билан сутчой қуйилиб, дастурхонларга тортилади.

Қайси дарахт шохидан фойдалансангиз, сутчойдан ўша меванинг таъми оғзингизда қолади.

## ҚОЗОН ПАТИР

Дейлик, уйингизда нонингиз тугаб қолди. Магазинга, бозорга бориб олиб келгунингизча анча вақт кетади. Уйдаги болалар эса бесабрлик қилиши мумкин (бола бола-да). Яхши кимдир, нонга бориб келса келаверсину, Сиз чаққон (тайёр қиздирилган бирон хил ёғингиз бўлмасе) 200 гр ёғни қиздиришга қўйиб, ўртача катталиқда бир донами, икки донами зувалачалар ясанг.

Ёғингиз қизиган бўлса ўчириб, совугунча зувалачаларни ёйинг. Ҳалиги ёғдан ёйилган хамир юзига суртиб, олдин узунасига, сўнгра айлана шаклида ўраб ясанг-да қопқоғлик қозонда 2 қошиқча ёғ солиб, паст оловда димлаб, олдин бир тарафини, кейин иккинчи тарафини (яна 2 қошиқ ёғда) қизартириб пишириб олинади. Бу қозон патир на фақат болаларга, балки катталарга ҳам хуш ёқади деб ўйлайман.







## Йўлдош ЭШБЕК

Мени тутиб ўтарлар,  
Силтаб, туртиб ўтарлар,  
Гоҳ шапалоқ тушириб,  
Таъна суртиб ўтарлар.  
Гоҳ музласам совуқдан,  
Қўлдан муздир гоҳ таним,  
Гоҳ каптарлар, товуқлар  
Ифлос қилар баданим.  
Гоҳо кимдир маст, тажанг  
Чўзар қўлмас, оёғин,  
Баъзан қилар ҳолим танг —  
Йиртгудайин томоғин!  
Аммо тунлар сукунат  
Ураганда борлиқни,  
Шабададай келару  
Шамол каби зориқиб,  
Илон каби тўлғонар  
Шарпа каби бешарпа,  
Бир қўл додлаб уйғонар,  
Кафтларида минг шафқат,  
Уйғотиб кетар бир қўл,  
«Ўқ» отиб кетар бир қўл,  
Иситару юзимни  
Совқотиб кетар бир қўл,  
Хўжам ухлар, бу ҳисга  
Асло парво қилмайди.  
...Силаб парво қилмайди.  
...Силаб кетар оҳиста  
Бир қўл, ҳеч ким билмайди.

олма ости вайрона уй.  
Уй кичрайиб бораверар.  
улканлашиб борар дарахт.  
Аста турар тортганча «ух!»  
Ойдинбойни босмоқчи дард.  
Ойдинбойнинг кам-кўсти йўқ,  
билинмайди чап ёнда ўқ,  
Қорни ҳам тўқ, уйи ҳам хўб,  
Туғилган уй...  
соғинчи кўп...  
Изтиробми зилдек кўнар,  
Инар юзга соғинч бўздек,  
Кучларини олиб жўнар,  
Ки Ойдинбек — асл ўзбек!

Бир асои,  
бир сояни,  
бир туяни  
яхши кўраман,  
ул туяни  
суяб юрган  
энг яхши одам,  
энг бахтиёр соя  
сақлаган  
иссиқ кундан  
Яхши Одамни,

## ЕЛФИЗ АЁЛ

Менинг онам  
булутларга  
сиз-биз қилиб,  
Менинг отам  
юлдузларни  
қиз қилиб,  
Менинг тоғам  
шамолларга  
жиз-биз қилиб,  
Менинг бобом...  
момоларим кетиб  
қолган.  
Ялла айтиб  
армонларга  
холам дедим,  
Тасаллодир —  
аммам ғамга  
салом дедим,  
Алла айтдим  
Ёлғизликка  
болам дедим,  
Кўнгил қўйган...  
замонларим кетиб  
қолган.

# Эшик тўтқичи ВА АЁЛ Қўллари

Олма гулли кўйлак кийди.  
Олма гулли кўйлак кийди  
Олмагул —  
Ойдинбойнинг жуфти ҳалоли,  
Ойдинбойнинг меҳри ийди,  
Хотираси тилга кирди:  
Тоғ ортида қолган мунглуғ олма  
ниҳоли.  
Гуллаб турган бўлса керак  
эғвасиз уй олдида,  
Атрофида толу терак,  
титраб тоғ шамолида  
Улканлашиб борар олма,  
улканлашиб борар уй,  
мева — солма,  
ўзи толма

ул асо,  
суяниб турган,  
суяниб юрган,  
энг Яхши Одамга,

ул асо —  
туркийлардир,  
ҳикматлардир,  
аҳли иймондир!  
Ҳей, дунёнинг одамлари!  
Ҳей, бўлғуси мусулмонлар!  
Юрар бўлсак  
шул асога суяниб юрармиз,  
турар бўлсак  
шул асога суяниб турармиз!  
Ҳей, халифлар!  
Ул асои,  
ул булутни,  
ул туяни,  
ул яхши одамни  
Яратганни севайлик!

## ХАЁЛ

Олов ёнар,  
ёнар гуриллаб,  
ҳатто баъзан  
қўяр ириллаб,  
У улкан бўрининг  
сапчиганига  
ўхшайди  
уммоннинг сачраганига,  
увиллаб,  
гувиллаб  
ёнмоқда!  
Даҳшат!  
Бу қандай қудратдир!  
Бу қандай бидъат!  
Бу қандай юрт!  
Бу қандай ёв!  
Ўз-ўзига қўймоқда олов!





Осимхон Васихонов. БАЙРАМ

Ижтимоий-сиёсий ва бадий  
безакли хотин-қизлар жўрноли  
«Саодат» 2 (707)-сон  
1994 йил март, апрел ойлари

МУАССИС: Ўзбекистон  
Республикаси матбуотини  
қўллаб-қувватловчи жамғарма

Жўрнал фақат ўзбек тилида  
чиқади

Таҳририят манзилгоҳи:  
700083, Тошкент, Бош почтама  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Бош муҳаррир: 33-68-10; бош  
муҳаррир ўринбосари: 33-49-03  
масъул котиб: 32-56-19;  
ижтимоий-сиёсий бўлим:  
32-56-03; адабиёт ва санъат  
бўлими: 32-56-04; турмуш ва  
маданият бўлими, кенгаш  
бошқаруви ва депутатлар  
фаолияти бўлимлари: 32-56-68  
безаш ва техник ишлар: 32-56-61  
сураткаш муҳбир 32-58-90

Теришга берилди 4.03.94 й.  
Босишга рухсат этилди  
15.04.94 й.  
Қоғоз формати 60×90<sup>1/8</sup>.  
Ботиқ босма  
Шартли босма листи 4,5.  
Нашр ҳисоб листи 5,75.  
Шартли бўёқли нусха 10,5  
Буюртма рақами 2639  
138873 нусхада чоп этилади.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа  
концерни босмаҳонаси.  
700083, Тошкент шаҳар,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41

© «Саодат» 2-сон



